



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ

4.2
МОДУЛ

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНИНИ ўҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

**ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНИНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖУМА

**Малака тоифа
йўналиши:**

**Тингловчилар
контингенти:**

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари

**умумий ўрта таълим мактабларининг
Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари**

Тошкент – 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил _____даги _____-сонли буйруғи билан тасдиқланган она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш тоифа йўналиши ўқув режаси ва дастури асосида тайёрланди.

Тузувчилар: Ғ.Эшманов - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Тилларни ўқитиш методикаси” кафедраси мудири, ф.ф.н.

Ш.Эргашева – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги етакчи мутахассиси, ф.ф.н.

Тақризчилар: Ш.Неъматов – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бош мутахассиси, п.ф.н.

М.Сапарниёзова – Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, ф.ф.н.

Ўқув-услубий мажмуа А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий кенгашининг 2018 йил _____даги _____- сонли баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУРИ.....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	19
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ	30
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ.....	86
V. КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	106
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	115
VII. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	118
VIII. ГЛОССАРИЙ	120
IX. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	123



ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли Қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда уларнинг касбий компетентлигини оширишни назарда тутди.

Дастур мазмуни Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузаларида жамият ривожига ҳамда таълим-тарбия масалалари, халқ таълимининг ҳуқуқий-меъёрий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, она тили ва адабиёт фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий усулларини ўз ичига олади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режаси асосида шакллантирилган бўлиб, она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари фанга оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, ўқув-услугий фаолиятини мунтазам юксалтириш билан боғлиқ билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиради.

“Она тили ва адабиёт фанини ўқитиш методикаси” ўқув модули малака ошириш жараёнида фан ўқитувчиларини соҳадаги янгиликлар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, янги методик қўлланма ва тавсиялар, адабиётлар билан таништиришга, эгаллаган билим, кўникма, малака ва компетенцияларини келгусида амалиётга татбиқ этишга йўналтиради.

“Она тили ва адабиёт фанини ўқитиш методикаси” ўқув модулининг ишчи ўқув дастури она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари малакасини ошириш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, фанни ўқитишнинг замонавий усул ва методлари билан таништиради.

Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

Тингловчиларни она тили ва адабиёт фанларини ўқитишда таълим жараёнини лойиҳалаштириш, самарали метод ва усуллардан фойдаланиш ва уларни таълим жараёнига ижодий ёндашган ҳолда мақсадли татбиқ этишга

йўналтириш мазкур ўқув модулининг **мақсадини** ташкил этади.

Тингловчиларни анъанавий ва ноанъанавий, шахсга йўналтирилган ва ривожлантирувчи таълимни ташкил этишнинг методологик асослари билан таништириш; ҳамкорликда, жамоада ишлаш, муаммоли ўқитиш; модулли, дидактик-ўйин технологиялари билан таништириш, ёзма ишларни ташкил этиш ва ўтказиш, турли мавзуларни замонавий усул ва воситалар орқали тушунтириш, ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини назорат қилиш, баҳолашнинг замонавий методлари ва воситаларини ўринли қўллаш орқали самарали натижаларга эришишга ундаш ўқув модулининг асосий **вазифаларидир.**

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Она тили ва адабиёт фанини ўқитиш методикаси” модули бўйича тингловчилар:

- “Давлат тили ҳақида”ги қонунни;
- давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг аввалги дастур ва ДТСдан фарқини;
- таълимга оид меъёрий ҳужжатлардаги янгиликларни мавзулар мазмунига сингдириб ўқитиш методикасини;
 - тилшунослик ва адабиётшунослик фанларига оид янгиликларни;
 - она тили ва адабиёт ўқитиш методикасига оид янгиликларни;
 - она тили ва адабиёт фанини ўқитиш орқали ўқувчилар маънавиятини шакллантириш усулларини;
- умумий ўрта таълим муассасаси педагог ходимларини аттестация қилиш ва тоифаларини ошириш тартиб-қоидаларини;
 - она тили ва адабиёт фанидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, саралаш, уларга табақалашган таълим бериш методикасини **билиши;**
 - фанга оид мавзуларни компетенциявий ёндашувга асосланган ҳолда ўқувчиларга етказиб бериш усулларини амалиётга татбиқ этиш;
 - она тили ва адабиёт фанидан яратилган ҳамда қайта нашр этилган дарсликларни таҳлил қила олиш, улар билан ишлаш;
 - тилшунослик ва адабиётшуносликдаги назарий хулосаларни амалиёт билан боғлай олиш;
 - ҳозирги адабий жараённи билиш ва унинг асосий хусусиятларини фарқлай олиш;
 - она тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг тил ва нутқ кўникмаларини назорат қилиш, ёзма ишларни ўтказиш, мураккаб мавзулар бўйича тестлар, топшириқлар тузиш ҳамда уларни амалда қўллаш методикасига оид кўникмаларини эгаллаши;
 - она тили ва адабиёт бўйича илмий-тадқиқот, методик ишларни олиб бориш талабларини амалиётга татбиқ эта олиш;

- она тили ва адабиёт фанлари бўйича етук мутафаккирларнинг маънавий-маърифий, маданий меросларидан таълим-тарбия жараёнида унумли фойдаланиш;
- фан йўналишидаги илғор иш тажрибаларни ўз фаолиятида қўллаш;
- она тили ва адабиёт дарсларида қомус ва ўқув луғатларидан фойдалана олиш;
- синф раҳбари ишининг мазмун ва мундарижасини, шакл ва усулларини билиш ва уни талаб даражасида олиб бориш малакаларига;
- таълим муассасасида илмий-услубий, тажриба-синов ишларини олиб бориш;
- соҳа бўйича синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар ҳамда тўғарак ишларини режалаштириш, ташкил этиш;
- метод бирлашма ишларини ташкил қилиш ва ДТС талаблари асосида фан хонасини жиҳозлаш;
- она тили ва адабиёт фанини ўқитиш бўйича тажриба алмашиш ва илғор тажрибаларни оммалаштириш йўллари билиш, ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш;
- адабиёт йўналишида ва бошқа фанлар кесимида дарс кузатиш, таҳлил қилиш;
- мустақил равишда ўз малакасини оширишнинг йўл-йўриқлари ва усулларини қўллаш компетенцияларига эга бўлишлари лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Она тили ва адабиёт фанини ўқитиш методикаси” ўқув модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Назарий машғулотларда маъруза, савол-жавоб, муаммоли вазият яратиш, тақдирот каби методлардан фойдаланилади.

Назарий машғулотларда Power-Point тақдирот дастурида тайёрланган материаллар, доска ва флипчарт, тарқатмали материаллар ҳамда видео ва аудиоёзувлардан фойдаланилади.

Амалий машғулотларда техник воситалар, тезкор сўровлар, тест саволномалари, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа интерактив усулларни қўллаш назарда тутилади.

Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Она тили ва адабиёт фанини ўқитиш методикаси” ўқув модули мазмуни ўқув режадаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузаларида жамият ривожига ҳамда таълим-тарбия масалалари”, “Илғор таълим-тарбия технологиялари ва жаҳон тажрибаси”, “Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари” блоклари ва “Она тили ва адабиёт фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” ўқув модули билан узвий боғлиқликда ўқитилади ҳамда фан ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисм (маъруза)да модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўлиқ қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифати мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг таълим тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар ва талабларга, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришларга мослиги, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни қамраб олиши билан белгиланади. Мавзуларни ёритишда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар она тили ва адабиёт фанини ўқитишнинг самарали методларини ўрганиш, уларни амалда самарали қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Ўқув модулининг соатлар бўйича тақсимооти

№	Мавзулар	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламаси	Жумладан			Мустақил таълим
				Назарий	Амалий	Кўчма машғулот	
1.	Она тили ва адабиёт фанига оид меъёрий ҳужжатлар (ДТС, ўқув режа, дастур)	4	4	2	2		
2.	Дарсликлар, янги адабиётлар, методик қўлланма ва тавсиялар таҳлили	2	2	2			
3.	Она тили ва адабиёт ўқитишни такомиллаштиришга оид илмий-методик материаллар, мақолалар таҳлили (сўнгги 3 йиллик давр мисолида)	4	2		2		2
4.	Она тили фани мазмунининг ўзига хослиги, уни ўрганишнинг замонавий технологиялари ва методлари	2	2		2		
5.	Фонетика бўлимини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари	2	2		2		

6.	Лексикология бўлимини ўқитишнинг методик хусусиятлари	2	2		2		
7.	Морфология бўлимини ўқитишдаги назарий ва методик муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари	2	2		2		
8.	Синтаксис ҳамда пунктуация бўлимини ўқитиш муаммолари ва ечимлари	4	4	2	2		
9.	Адабий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари, бадий асарнинг филологик (илмий) ва дидактик (ўқув) таҳлили	4	2	2			2
10.	Халқ оғзаки ижоди намуналарини ўргатиш методлари	2	2		2		
11.	Лирик турдаги асарларни жанр хусусиятларига кўра ўқитиш	4	4	2	2		
12.	Мумтоз адабиёт намуналарини ўргатиш билан боғлиқ мураккабликлар ва уларни бартараф этиш йўллари	2	2	2			
13.	Мактабда жаҳон адабиётини ўрганиш методикаси	2	2		2		
14.	Насрий ва драматик асарларни ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари	2	2		2		
15.	Адабий жараён, адабий танқид ва методика соҳасидаги янгиликлар билан танишиб боришнинг зарурати	4	4	2	2		
16.	Она тили ва адабиёт фани бўйича ўқув-ижодий топшириқларни, кўргазмали ва тарқатмали воситаларни яратишга қўйиладиган талаблар	4	2		2		2
17.	Она тили ва адабиёт фанидан ёзма ишларни ўтказиш методикаси	2	2		2		
18.	Умумий ўрта таълим мактабида она тили ва адабиёт дарсларини кузатиш	4	4				4
19.	Олий таълим муассасаси (ижтимоий соҳа ташкилоти)да илм-фан ва методикадаги янгиликлар билан танишиш	4	4				4
	Жами:	54	50	14	28	8	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Она тили ва адабиёт фанига оид меъёрий ҳужжатлар (ДТС, ўқув режа, дастур).

Тил ва адабиёт таълимига оид меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун-моҳияти. Она тили ва адабиёт фанидан умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунара таълимнинг давлат таълим стандартлари, она тили ва адабиёт таълимнинг мақсади ва вазифалари, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган зарурий минимал талаблар. Ўқув режа ва ўқув дастурлари, уларнинг тузилиши, таркибий қисмлари.

2-мавзу. Дарсликлар, янги адабиётлар, методик қўлланма ва тавсиялар таҳлили.

Охирги йилларда нашр этилган она тили ва адабиёт фанларига оид дарсликлар, манбалар, тилшунос ва адабиётшунос олимларнинг асарлари, буюк алломалар ҳаёти ва фаолияти ақс этган энциклопедиялар, ўқув луғатлари ҳақида маълумот. Дарсликлар ва қўлланмалар таҳлили, ўқув ва методик қўлланмаларнинг фарқи, методик қўлланмалардаги ютуқ ва камчиликлар; мавзулар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва мутаносиблик.

3-мавзу. Синтаксис ҳамда пунктуация бўлимини ўқитиш муаммолари ва ечимлари.

Ўзбек тили синтактик қурилиши талқинидаги янгиликлар ва уларнинг тил ўқитишдаги аҳамияти. Синтаксисни морфология ва лексика билан боғлаб ўрганиш ва ўргатиш усули. Кейинги назарий қарашларга кўра содда ва кўшма гап талқини. Дарсликларда содда ва кўшма гапларни берилишидаги чалкашликлар ва улар туфайли ўқитишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар. Уюшиқ кесимлар ҳамда бирикмали ҳол иштирок этган содда гаплар ва кўшма гапларни ўрганишда эътибор қаратиш керак бўлган жиҳатлар.

4-мавзу. Адабий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари, бадий асарнинг филологик (илмий) ва дидактик (ўқув) таҳлили.

Бадий адабиётни ўқитишнинг мақсади, вазифалари. Таълим босқичларида адабиётнинг ўқув фани сифатида ўрганиш хусусиятлари. Таҳлил турлари. Таҳлилчилар иштирокига кўра дидактик таҳлил турлари. Адабий таълимда асарлар яхлит, образлар бўйича таҳлил қилиниши. Ўқув таҳлилида адабий турга хос хусусиятларни ҳисобга олишнинг муҳимлиги.

5-мавзу. Лирик тур жанрлари ва уларни жанр хусусиятларига кўра ўқитиш.

Шеър тизимлар ҳақида маълумот. Ўзбек шеър тизимлари; бармоқ, эркин ва аруз шеър тизимлари; бармоқ шеър тизими ва унинг қонуниятлари, эркин вазн ва унинг қонуниятлари: ритм, бўғин, туроқ, бош туроқ, туркум, вазн ва унинг типлари (содда вазн, кўшма вазн, эркин вазн)ни ўқитишнинг усул ва методлари. Банд ва унинг турлари ҳақида маълумот бериш. Адабий таълимда лирик асарларни уларнинг жанрий хусусиятларига кўра ўрганишнинг аҳамияти.

Лирик асарларни таҳлил қилиш усуллари. Лирик қаҳрамон, лирик кечинма ҳақида маълумот.

6-мавзу. Мумтоз асарларни ўрганиш билан боғлиқ мураккабликлар ва уларни бартараф этиш йўллари.

Мумтоз асарларни ўқитиш жараёнида ўқув луғатларидан фойдаланиш.

Мумтоз адабиёт жанрлари ҳақида маълумот. Рубоий, қитъа ва туюқларни ўрганишда самарали методлардан фойдаланиш. Ғазал ва унинг турлари. Мактабда ғазални таҳлил қилиш усуллари.

7-мавзу. Адабий жараён, адабий танқид ва методика соҳасидаги янгиликлар билан танишиб боришнинг зарурати.

Фан ўқитувчиси учун адабий жараён миллий ва маданий мероснинг ажралмас қисми эканлигини билишнинг зарурати. Адабий жараён ва адабий танқид, адабий-назарий қонуниятлар ва йўналишлар ҳақида маълумот олиш. Адабий жараён ва таржима адабиёти, бадиий адабиёт ва назарий адабиётнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирини бойитишини адабиёт дарсларига татбиқ этиш усуллари.

Адабий танқид тушунчаси. Адабий танқидчилик – ўзига хос фан ва ижод тури. Адабий танқиднинг тарихий илдизлари. «Танқид» атамасининг манбалари, маъноси, талқини. Мумтоз адабиётшуносликдаги «нақада» илми бадиънинг таркиби эканлиги. Ўзбек адабий танқидчилиги тарихини билиш фан ўқитувчиси учун зарурлиги.

Адабиёт муаллимининг методикадаги янгиликлардан, адабий жараёндан воқифлиги, уни кузатиб бориши касби ва мутахассислигига муносабат кўзгуси эканлиги. Адабий танқид тарихи, тараққиёт босқичларидан хабардорлик, унинг адабий жараёнга муносабатини давомли тарзда ўрганиб бориш, методикадаги янгиликларни кузатиш ўқитувчи назарий тайёргарлигининг муҳим омили бўлиши.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Она тили ва адабиёт фанига оид меъёрий ҳужжатлар (ДТС, ўқув режа, дастур).

Тил ва адабиёт таълимига оид меъёрий ҳужжатлар таҳлили. Она тили ва адабиёт фанининг давлат таълим стандартлари, ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар. Мактаб она тили ва адабиёт фани ўқув дастурини синфлар кесимида таҳлил қилиш.

2-мавзу. Она тили ва адабиёт ўқитишни такомиллаштиришга оид илмий-методик материаллар, мақолалар таҳлили (сўнгги 3 йиллик давр мисолида).

Илмий-методик материалларнинг дарс сифати ва самарадорлигини оширишдаги аҳамияти. “Тил ва адабиёт таълими”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “ТДПУ хабарлари” журналлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Маърифат” газеталарида чоп этилган илмий, методик, тавсиявий характерга эга бўлган материаллар таҳлили, улардан фойдаланиш усуллари ва омиллари.

3-мавзу. Она тили фани мазмунининг ўзига хослиги, уни ўрганишнинг замонавий технологиялари ва методлари.

Она тили фани мазмунининг ўзига хослиги. Мактаб она тили курсида таянч тушунчалар ва муносабатлар.

Она тилини ўқитишнинг замонавий таълим технологиялари ва методлари: 1) илмий изланиш методлари (кузатиш, тажриба, таққослаш, аналогия, анализ ва синтез, умумлаштириш, абстракциялаш, конкретлаштириш ва классификациялаш), 2) ўқитиш методлари (изоҳликўргазмали, намойиш, китоб билан ишлаш, репродуктив, эвристик (ўқув кашфиёти), муаммоли вазият, тадқиқот, лойиҳалар методи, муайян вазиятларни ўрганиш (кейс-стади) методи, маъруза, ҳикоя, оғзаки йўл-йўрик бериш, тушунтириш, суҳбат методлари, амалий машғулот, лаборатория иши), 3) хулоса чиқариш методлари (индукция, дедукция ва аналитик метод). Таълим методларини танлаш бўйича тавсиялар.

4-мавзу. Фонетика бўлимини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари

“Фонетика”ни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг ўқувчилар оғзаки ва ёзма саводхонлигини шакллантиришдаги ўрни. Нутқ товуши ва фонеманинг фарқи, нутқ товушининг тўғри талаффузи ва ёзувдаги имлосини ўқитишда эътибор қаратиладиган жиҳатлар. Нутқ товушлари классификацияси ва уни ўқувчиларга тушунтириш усуллари.

5-мавзу. Лексикология бўлимини ўқитишнинг методик хусусиятлари

Сўзнинг ўз ва кўчма маъносини ўргатиш усуллари. Қўлланиш доираси чегараланган ва чегараланмаган лексика, тасвирий ифода ва иборалар, олинма ва ўз қатлам сўзларини ўқитишда мос таълимий усуллардан унумли фойдаланиш. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари мавзусини ўрганишда самарали бўлган таълимий усул ва воситалар.

6-мавзу. Морфология бўлимини ўқитишдаги назарий ва методик муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари.

Сўз туркумлари, уларнинг грамматик категорияларини ўқитиш. Сўз туркумларини ўқитишнинг самарали усул ва методлари. Жорий дастур ва дарсликларда сўз туркумларининг берилиш тартиби, грамматик категориялар ва айрим тил ходисаларини ўқитишда юзага келган муаммолар ва уларнинг ечимлари.

7-мавзу. Синтаксис ҳамда пунктуация бўлимини ўқитиш муаммолари ва ечимлари.

Синтаксис бўлимини ўқитишда морфология ва лексика билан боғлаб ўргатиш усуллари. Содда ва кўшма гапларни фарқлаш. Уюшиқ кесимлар ҳамда бирикмали ҳол иштирок этган содда гаплар ва кўшма гапларни ўрганишда эътибор қаратиш керак бўлган жиҳатлар.

Тиниш белгилари ва уларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари. Тиниш белгиларини ишлатиш билан боғлиқ хатоларни бартараф этиш йўллари.

8-мавзу. Халқ оғзаки ижоди намуналарини ўргатиш методлари.

Халқ оғзаки ижодининг халқ, миллат қадриятлари қаторидаги ўрни. Халқ оғзаки ижоди намуналари маҳорат, ақлий (фикрий) кашфиёт намуналарининг бадиий ифодаси эканлиги. Фольклор намуналарини жанр хусусиятига кўра ўрганиш. Кичик жанрларда ихчам фикр ва бадиий ифода уйғунлигига эътибор қаратиш лозимлиги, бунда аллитерация, қофия, вазн каби бадиий унсурларнинг аҳамияти. Халқ дostonларини ўқитишда матнни қисмларга бўлиб ўрганиш, қаҳрамонларнинг шахсий фазилат ва қусурлари, ички кечинмалари, турли ҳаётий вазиятлардаги ҳолатларни таҳлил қилиш ва баҳо беришга ўргатиш. Халқ дostonларини дostonчилик мактаблари ва бахшичилик анъаналарига боғлаб ўргатиш.

9-мавзу. Лирик тур жанрлари ва уларни жанр хусусиятларига кўра ўқитиш.

Муайян шеърый асар таҳлили орқали шеърый тизимлар ҳақида маълумот бериш. Ўзбек шеърыйига хос бўлган шеърый тизимларни ўқитиш усуллари. Адабий таълимда лирик асарларни жанрий хусусиятларига кўра ўрганиш. Лирик асарни таҳлил қилишга ўргатиш усуллари. Шеърый асарлар таҳлили жараёнида ўқувчиларда бадиий санъатлар ва уларнинг қўлланишига оид кўникмаларни ҳосил қилиш.

10-мавзу. Жаҳон адабиётини ўқитиш методикаси.

Мактаб ўқув дастурларида жаҳон адабиёти намуналарининг берилиши. Жаҳон адабиётини ўргатиш жараёнида юзага келадиган мураккабликлар ва уларни бартараф этиш усуллари. Жаҳон адабиётининг ўзига хос ифода йўсини, образлар тизимини ўқувчиларга тушунтириш. Жаҳон адабиётининг рамзий характердаги асарларини ўргатиш.

11-мавзу. Насрий ва драматик асарларни ўрганишнинг ўзига хос томонлари.

Насрий ва драматик асарларни ўрганишда уларнинг жанрий хусусиятларини ҳисобга олиш, уларда асосан қаҳрамонлар характери, рухий ҳолатига эътибор қаратиш муҳимлиги. Йирик ва ўрта эпик асарлар ҳамда драматик асарларни ўрганишда уларда ифодаланган эпик кўлам, ижтимоий, маиший воқеликни идрок этиш. Кичик эпик жанрларни ўрганишда алоҳида олиб тасвирланган лавҳалардан ҳаётий умумлашма ва хулосалар чиқаришга ўргатиш.

12-мавзу. Адабий жараён, адабий танқид ва методикадаги янгиликлар билан танишиб боришнинг зарурати.

Ҳозирги адабий жараёнда кечаётган ҳодисалар таҳлили. Шеърят, наср, драматургиядаги янгиликлар, янги асарлар. Адабий танқиддаги янгиликлар, мунаққидларнинг адабий жараёнга муносабати. Методика соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотлар, янгиликлар, тажриба-синовлар.

13-мавзу. Она тили ва адабиёт фани бўйича ўқув ижодий топшириқларни, кўргазмали ва тарқатмали воситаларни яратишга қўйиладиган талаблар.

Она тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил ишлаш фаолиятини ташкил этиш, табақалаштирилган даражали ижодий топшириқларни, билиш даражасидаги, амалиётда қўллаш даражасидаги, яратиш даражасидаги топшириқларни ишлаб чиқиш.

Дарс самарадорлигини оширишда кўргазмали ва тарқатмали воситаларнинг ўрни ва аҳамияти. Кўргазмали ва тарқатмали қуроолларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар.

14-мавзу. Она тили ва адабиёт фанидан ёзма ёзма ишларни ўтказиш методикаси.

Ёзма иш турлари ҳақида умумий маълумот. Диктант ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини текширишнинг энг ишончли ва қулай таълимий воситаси эканлиги. Диктант турлари ва уларни ўтказиш усуллари. Баён ва унинг турлари. Баён ўтказиш методикаси. Иншо – ижодий тафаккур маҳсули сифатида. Иншо турлари, уни ёздириш қонун-қоидалари. Ёзма ишларни баҳолаш мезонлари ҳақида маълумот.

15. Кўчма машғулот. Умумий ўрта таълим мактабида она тили ва адабиёт дарсларини кузатиш.

Мактаб дарсининг ўқув жараёнидаги ўрни, аҳамияти ва унинг типлари. Дарсга қўйилган дидактик талаблар. Дарсга касбий тайёргарлик: ташкил қилиш ва ўтказиш. Педагогик ижодкорлик. Дарс режиссураси, тузилиши. Дарс жараёнида тескари алоқанинг амалга оширилиши. Ўқувчиларни билиш, англаб олиш ва билимларни тўла ўзлаштириб олиш фаолиятини фаоллаштиришда педагогик технология, техник воситалар, ахборот технологияси, фаол, интерфаол услублар. Дарсларга кириш ва уларни таҳлил қилиш техникаси. Тренинглари ва уларни оддий дарслардан фарқи. Мактаб дарси услубиёти ва техникаси. Тингловчилар томонидан аралаш дарснинг тузилиши бўйича лавҳаларда амалий иштирок этиш, дарсни намойиш этиш.

Ҳар бир ўқитувчининг ҳаракатлари, маҳоратини кузатиш, ўрганиш, намоёниш этишига шароит яратиш ва керакли амалий-услубий тавсиялар бериш. Педагогик технологияларни қўллашда учрайдиган қийинчаликлар, уларни бартараф этиш йўллари. Дарс давомида синф тахтаси, кўрғазмали қуроллар, плакат, слайдлар, техник воситалар билан ишлаш техникаси. Очиқ, кўрғазмали, намунавий, ҳисобот дарслари ва уларга қўйилган талаблар. Синф хонасида ўқув жиҳозлари, ёрдамчи воситалар ва мебелларни жойлаштириш ҳамда синфни жиҳозлаш техникаси.

Дарс таҳлилининг турлари. Дарс кузатувчиларининг вазифалари ва уларга қўйиладиган талаблар. Дарс давомида синф тахтаси, кўрғазмали қуроллар, плакат, слайдлар, техник воситалар билан ишлаш техникаси. Намунавий ёки очиқ дарсларнинг аҳамияти, уларнинг оддий дарслардан фарқи. Она тили ва адабиёт дарсларини таҳлил этишдаги ўзига хосликлар.

16. Кўчма машғулот. Олий таълим муассасаси (ижтимоий соҳа ташкилоти)да илм-фан ва методикадаги янгиликлар билан танишиш.

Олий таълим муассасаси ёки ижтимоий соҳа ташкилоти (илмий-тадқиқот муассасалари, адабиёт ва санъат музейлари, уй-музейлар, Ёзувчилар уюшмаси ва унинг жойлардаги бўлимлари)да фаннинг долзарб масаласига бағишланган мавзудаги семинар-тренингда иштирок этиш ёки ўқув машғулотини кузатиш. Олий таълим муассасаси ёки ижтимоий соҳа ташкилоти профессор-ўқитувчилари, илмий ходимларининг тадқиқотлари ва фаолиятлари билан танишиш.

Мазкур машғулот олий ўқув юрти, умумий ўрта таълим муассасалари ва ижтимоий соҳа ташкилотларида кўчма машғулот (очиқ дарс, тренинг, конференция ва давра суҳбатлари, семинар) тарзида ўтказилади. Унда ўтказилган машғулотларни, тренинг, конференция, семинар ёки давра суҳбатларини тегишли мезонлар асосида таҳлил қилиш орқали ўқитувчиларнинг илгор педагогик тажрибаларни ўрганиши, илм-фандаги ва методикадаги янгиликлар билан танишиши таъминланади. Бу жараёнга кўчма машғулот ташкил қилинган мактаб ўқитувчиларини жалб этиш, уларнинг дарсларини таҳлил қилиш орқали уларга методик ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилади. Машғулот натижаси сифатида таҳлил варағи тўлдирилади ва малака ишига илова қилинади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Ўқув модулида ўрганилган материаллар асосида “Она тили ва адабиёт фанини ўқитиш методикаси” мавзусида мустақил иш бажарилади. У асосида малака ишининг кириш қисми тайёрланади.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш топшириғи мазмуни	Максимал балл	Баллар
1	Малака иши мавзусига оид дарс ишланмаси лойиҳасини тайёрлаш	5	3 балл
2	Кўчма машғулотда ўтказилган очик дарсни кузатиш ва таҳлил қилиш варағи тўлдирилади ва малака ишига илова қилинади		2 балл

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур ўқув модули бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

БИНАР МАЪРУЗА. “Бинар” сўзи лотинчадан олинган бўлиб, “қўш”, “икки” деган маънода қўлланилади. Бундай машғулотнинг олиб борилиши икки вакил: ўқитувчи ва методист; ўқитувчи ва ўқувчи; таклиф этилган мутахассис ва ўқитувчи; ўқитувчи ва тьютор (маслаҳатчи) ўртасидаги интерфаол суҳбат, баҳс-мунозара ва ахборотлар алмашинувини намоён қилади.

Жараёни бундай ташкиллаштиришдан кўзланган асосий мақсад янги ўқув маълумотлари ва ахборотларини икки мутахассис ёки иштирокчи нуктаи-назарларини таққослаш орқали ёритиб беришдан иборат.

ТРЕНИНГ. Тренинг замонавий таълим шаклларида бири ҳисобланиб, у интерфаол машғулотларни амалга оширишнинг ўзига хос кўринишидир.

Тренинглар ўрганилиши лозим бўлган назарий ғоя ва фикрларни амалий иш ҳамда машқлар давомида ўзлаштириш имкониятини беради ва таълим олувчиларда шахслараро ўзаро ҳамкорликнинг самарали кўникмасини шакллантиришга, шунингдек, мутахассис касбий компетентлигининг умумий даражасини оширишга йўналтирилади.

Ҳар қандай педагогик тренингни ташкил этиш қуйидаги босқичлардан ташкил топади:


1. Ташкилий босқич: гуруҳни йиғиш ёки шакллантириш.
2. Бошланғич босқич: гуруҳ меъёрларини ишлаб чиқиш, танишув ва машғулотдан кутувларни аниқлаш.
3. Фаолиятли босқич: тренинг тури ва ўтказиш методикасини белгилаш.
4. Якуний босқич (рефлексия).

Тренинг мобайнида талабалар назарий маълумотларни ўзлаштириш билан бирга, уларда билиш, эмоционал ва хулқ-атвор кўникмалари ҳам ривожланиб боради.

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуктаи-назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг афзаллиги:


- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“ДАВРА СУХБАТИ” МЕТОДИ – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний

қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.

3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.

4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.


7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“ИШБОП ЎЙИН” МЕТОДИ - берилган топшириқларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни имитация қилиш (тақлид, акс эттириш) методи ҳисобланади.

Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг ҳулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларини имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўлади. Ишбоп ўйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми қатъий белгиланган ва ўйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларини белгилайдилар. Ишбоп ўйинда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал-гуруҳли ҳарактерга эга. Қуйида “Ишбоп ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ишбоп ўйин” методининг тузилмаси

“Ишбоп ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу танлайди, мақсад ва натижаларни аниқлайди. Қатнашчилар учун йўриқномалар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.
 2. Таълим олувчиларни ўйиннинг мақсади, шартлари ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.
 3. Таълим олувчиларга вазифаларни тақсимлайди, маслаҳатлар беради.
 4. Таълим олувчилар ўз роллари бўйича тайёргарлик кўрадилар.
 5. Таълим олувчилар тасдиқланган шартларга биноан ўйинни амалга оширадилар. Таълим берувчи ўйин жараёнига аралашмасдан кузатади.
 6. Ўйин якунида таълим берувчи муҳокамани ташкил этади. Экспертларнинг хулосалари тингланади, фикр-мулоҳазалар айтилади.
 7. Ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.
- Ҳар бир ролни ижро этувчи ўз вазифасини тўғри бажариши, берилган вазиятда ўзини қандай тутиши кераклигини намойиш эта олиши, муаммоли ҳолатлардан чиқиб кетиш қобилиятини кўрсата олиши керак.

“РОЛЛИ ЎЙИН” МЕТОДИ - таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини сахналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича

иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характери, хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ролли ўйин” методининг тузилмаси

“Ролли ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.

2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.

3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.

4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.

5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.


Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим

олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- ✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- ✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- ✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.


3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” МЕТОДИ - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўллари ишлаб

чиқадилар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“ЛОЙИҲА” МЕТОДИ - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш яқка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак. Қуйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.

“Лойиҳа” методининг босқичлари

“Лойиҳа” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:



1. Муҳандис-педагог лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғадилар.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таълим

олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиладилар. Таълим олувчилар муҳандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси”да қайд этилади.

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

1-майруза. Она тили ва адабиёт фанига оид меъёрий ҳужжатлар (ДТС, ўқув режа, дастур)

Режа:

1. Таълим соҳасига оид қонунлар, қарорлар ва уларнинг амалиётга жорий этилиши.
2. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари.
3. Узвийлаштирилган ўқув дастурлари, дарслик, ўқув қўлланмаларининг қиёсий таҳлили

1. Таълим соҳасига оид қонунлар, қарорлар ва уларнинг амалиётга жорий этилиши

Ватанимиз тараққиётининг асосий пойдевори таълим ва тарбия бўлиб, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта, аниқ режалар асосида тизимли ташкил этишимиз лозим.

Расмий таълим-тарбия узлуксиз таълим тизимини ташкил қилади. Унинг бошқа таълим-тарбиялардан фарқи шуки, жамият талаби асосида ишлаб чиқилиб, давлат буюртмаси, талаблари мазмун моҳиятига мос тасдиқланган дастур, ишчи режа асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек, 2017 йилнинг 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 140-сонли Қарори билан “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низом таълим соҳасига оид асосий қонун ва қарорлар ҳисобланади.

“Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш ва умумий ўрта таълим муассасаларининг фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари барча умумтаълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилади. Хусусан, умумий ўрта таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақоми бир вақтнинг ўзида 2 та қарор билан тартибга солинган эди (*Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 21 ноябрдаги 440-сон ва 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарорлари*). Шу билан бирга ушбу қарорларда айрим нормаларнинг бошқа қонун ҳужжатларига зид, шунингдек, унда ўз кучини йўқотган Ҳукумат қарорларига ҳаволалар мавжуд бўлган. Мазкур Низом тасдиқлангунга қадар таълим тизимида бир қатор ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд эди.

Жумладан, синфларда ўқувчилар сонини меъёрдан ортиб кетганлиги, 6 ёшли болаларнинг мактабга қабули, умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиниши ва ўқувчиларнинг ҳаракатини доимий назоратга олиш учун ҳар бир умумтаълим муассасасига маълум бир ҳудуд (*микрoҳудуд*) бириктирилмаганлиги, биринчи синфга ўқувчиларни қабул қилиш учун топшириладиган ҳужжатлар рўйхатига аниқлик киритилмаганлиги, 8-9-синфларда жисмоний тарбия фанидан гуруҳга бўлинмай олиб

борилаётганлиги, олис (*тоғли, чўлли*) аҳоли пунктларида умумий ўрта таълим мактабларининг филиаллари, кам комплектли синфлар ташкил этиш тартиби, логопедия шохобчалари ҳамда куни узайтирилган гуруҳлар фаолиятига оид масалалар мавжуд эди.

Ушбу Низом тасдиқланганлиги натижасида юқоридаги масалалар ўз ечимини топди.

Биринчидан, барчамизга аёнки, айрим умумтаълим мактабларида ўқувчилар сони **40-50** нафарни ташкил этади. Ушбу жараёни тартибга солиш мақсадида, синфда ўқувчилар сони **35 нафардан** ошмаслиги, дарс жараёнида ўқувчилар билимини назорат этишга ва санитария нормаларига амал қилинишига шароит яратилди. Бу эса ўқувчиларнинг сифатли таълим-тарбия олишларига имкон яратади.

Иккинчидан, мактаб ёшидаги болаларнинг ота-оналарига енгиллик яратиш мақсадида, 203-сонли Низомда болаларни умумтаълим мактабига қабул қилиш тиббий-психология-педагогика комиссиясининг тавсияномалари бўйича 6-7 ёшдан амалга оширилган бўлса, мазкур янги таҳрирдаги Низомда умумтаълим муассасаларининг биринчи синфига ҳар йили 31 августга қадар (*шу куни ҳам*) **6,5 ёшга** тўладиган барча болалар тиббий-психология-педагогика комиссиясининг тавсияномаларисиз фақатгина тиббий хулосага мувофиқ қабул қилиниши белгилаб берилди. Қабул қилинаётган ўқувчилар умумтаълим муассасасининг биринчи синфига тайёргарлик даражасидан қатъи назар, танловларсиз қабул қилинади. Ўқишга қабул қилинаётган болаларнинг ота-оналари умумтаълим муассасаси устави, ички тартиб-қоидалари ва таълим-тарбия жараёнини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар билан таништирилиши лозим. Агарда, тегишли йилнинг 31 августига қадар 6,-5-ёшга тўлмаган, 1-синфда ўқиш истагини билдирган болаларнинг ота-оналари билан умумтаълим муассасасининг педагог ходимлари ва психологи томонидан болани мактабда ўқишга жисмонан ва руҳан тайёрлаш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади.

Учинчидан, ота-оналарни сарсонгарчилик ва турли қоғозбозликни олдини олиш мақсадида, мактабда **биринчи синфга** қабул қилиш учун ота-оналар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ягона шакли ишлаб чиқилиб, ҳужжатларнинг аниқ рўйхати тасдиқланди.

ота-оналар томонидан умумтаълим муассасаси директори номига ариза:
ота-оналарнинг фуқаролик паспорти (фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси) нусхаси (доимий пропискаси ёки турган жойи бўйича ҳисобга олинганлиги ҳақидаги кайд ёзуви кўрсатилган ҳолда);

боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси;

боланинг соғлиғи тўғрисида тиббий маълумотнома;

боланинг 3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 4 дона рангли фотосурати кабилар тақдим этилади.

Тўртинчидан, мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълим муассасаларига тўлиқ камраб олиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида, туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарори билан мактабларга

микроҳудудлар бириктирилиши ҳамда ҳудуд доирасида педагог ходимлар томонидан болаларни бирма-бир (уйма-уй юриб) рўйхатга олиш тартиби белгилаб берилди. Умумтаълим муассасаси раҳбарияти мазкур муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиш учун масъул ҳисобланадилар.

Бешинчидан, ўқувчиларни синфдан-синфга, бир умумтаълим муассасасидан бошқасига ўтказишда ўқувчилар ҳаракати назорати кучайтириш мақсадида, умумий ўрта таълим муассасасида иш ҳужжатларини юритилиши аниқ тартибга солинди.

Олтинчидан, 8-9 синф ўқувчиларнинг сони 25 нафар ёки ундан зиёд бўлганда ўқувчиларнинг физиологик ривожланишини ҳисобга олиб, уларнинг спортга бўлган қизиқишини орттириш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш учун жисмоний тарбия фанидан ўғил болалар ва киз болалар алоҳида гуруҳларга бўлиниб, машғулотлар ташкил этилиши белгиланди.

Еттинчидан, мазкур қарорда олис ҳудудлардаги мактабларнинг филиалларини ташкил этиш, кам комплектли синфлар билан ишлаш тартиби такомиллаштирилди. Мактабда куни узайтирилган гуруҳлар ва логопедия шаҳобчалари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини олиб бориш тартиби белгиланди. Олис (тоғли, чўлли) аҳоли пунктларида яшовчи мактаб ёшидаги болаларнинг умумий ўрта таълим олишларини ташкил этиш мақсадида тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарори асосида умумтаълим муассасаларининг филиалларида ўқувчилар сони 100-180 нафар бўлганда ташкил этилади.

Давлат умумтаълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш қўйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
- умумтаълим муассасасининг тадбиркорлик фаолиятдан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган шартнома асосида пуллик хизмат кўрсатиш, бино ва иншоотларни, жиҳоз ва анжомларни ижарага беришдан олинган даромадлар;
- ота-оналарнинг истакларига кўра, умумтаълим муассасаларида пуллик хизмат асосида 5-6 ёшли болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлов гуруҳлари ҳам ташкил этилиши мумкин.

2. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумий ўрта тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усуллари, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларда (давлат ва нодавлат) таълимнинг

барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини ақс эттиради ҳамда энг асосийси ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартини бажариш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунитишдан қатъи назар, барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Давлат таълим стандартлари, шу жумладан, она тили давлат таълим стандарти ҳам таълим жараёни олдида қўйилган ижтимоий талаблардан келиб чиққан ҳолда белгилаб берилади. Она тили таълими олдида қўйилган ижтимоий буюртма ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга ва шу фикр махсулини оғзаки ҳамда ёзма шаклда саводли баён қила олишга, яъни коммуникатив саводхонликни ривожлантиришга ўргатишдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда она тили таълими олдида ижтимоий жиҳатдан мукамал шаклланган, мустақил фикрлай оладиган, нутқ ва мулоқот маданияти ривожланган саводхон шахсни камол топтириш мақсади қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори таълим-тарбия соҳасини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида таълим соҳаси тубдан янгиланиб, ўқитишнинг илғор усул ва методларини амалда қўллаш бўйича улкан тажриба тўпланди. Таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, ўқув-лаборатория анжомлари, замонавий ўқув-методик база татбиқ этилмоқда. Бугун замон шиддатли тарзда ривожланыпти. Демак, умумий ўрта таълим фанларини ўқитишга замон талаблари асосида ёндашиш, таълимда энг илғор технологияларни қўллаш давр талаби. Умумий ўрта фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўйича давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш мақсадида қабул қилинган мазкур қарор таълим-тарбия жараёнини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

“Таълим тўғрисида” ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида қабул қилинган қарорда умумий ўрта таълимнинг янги давлат таълим стандартлари илова тарзда берилган. **Янги ДТСнинг мақсади** –умумий ўрта таълим тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий

ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат.

Амалдаги давлат таълим стандартларининг мазмуни:

- ✓ билим, кўникма ва малакалар мажмуи;
- ✓ таянч ўқув режа;
- ✓ ўқув дастурлари;
- ✓ баҳолаш мезонидан иборат эди.

Янги, яъни компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандарти таркибидан:

- ✓ ўқув фанининг мақсад ва вазифалари;
- ✓ умумий ўрта фанларини ўрганишнинг мазмуни;
- ✓ таянч ва фанга оид компетенциялар;
- ✓ умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига нисбатан қўйиладиган малака талаблари;
- ✓ таянч ўқув режа;
- ✓ ўқув дастурлари жой олди.

Таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўник ва малакаларини амалда қўллаш лаёқатини ривожлантиришга қаратилган компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаси уч йил давомида республикамизнинг 70 та таълим муассасаларида ва Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 6 та ихтисослаштирилган давлат умумий ўрта мактабида тажриба-синовдан ўтказилиб, такомиллаштирилди.

Хусусан, янги ДТСга фанга оид компетенциялар билан бирга коммуникатив, ахборот билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш каби таянч компетенциялар элементлари ҳам киритилди.

Коммуникатив компетенция боланинг ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда мулоқотга кириша олиши, муомала маданиятига амал қилиши, мослашувчан ва ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатига эга бўлишини назарда тутди. Ахборот билан ишлаш компетенциясига эга бола эса медиманбалардан зарур маълумотларни излаб топа олиши, саралashi, қайта ишлаши ва улардан самарали фойдаланиши, медиа-маданиятга эга бўлиши лозим.

Бундай ўзгаришлар ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтиришга муҳим асос бўлади. Бу келгусида юқори малакали ва рақобатбардош, компетентли мутахассис-кадрларни тайёрлаш ишларини янада жадаллаштиради.

➤ **Компетенциявий ёндашувга асосланган ДТСда ўқувчиларга умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг умумий ўрта фанлари бўйича малака талаблари қўйилган.** Эндиликда ўқувчилар ёши, ўзлаштириш қобилияти ва иқтидоридан келиб чиққан ҳолда эгаллаши

лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенциялар белгиланади. Яъни, мажбурий минимал таълим мазмуни ҳар бир таълим босқичи учун узвийлик, узлуксизлик асосида тақсимланди.

➤ Жумладан, **умумий ўрта тизимида фанларни ўрганиш босқичлари** шундай тартибда белгиланди:

➤ умумий ўрта мактабларининг бошланғич таълими, яъни 4-синф битирувчилари А1 даража;

➤ умумий ўрта фанлари чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослаштирилган мактабларнинг 4-синф битирувчилари А1+ даража;

➤ умумий ўрта мактабларининг 9-синф битирувчилари А2 даража;

➤ умумий ўрта фанлари чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослаштирилган мактабларнинг 9-синф битирувчилари А2+ даража;

➤ умумий умумий ўрта фанларига ихтисослаштирилмаган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари В1 даража;

➤ умумий ўрта мактабларининг 9-10-синфлари ҳамда умумтаълим фанларига ихтисослаштирилган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари В1+ даражада билимга эга бўлиши зарур.

Масалан, **Она тили бўйича давлат таълим стандарти талабларини** олайлик.

А1 малака даражасига эга бошланғич синф ўқувчиси:

- содда матнларни тинглаб тушуниши;
- матнни тушуниб ўқиши;
- оғзаки нутқда сўз ва гаплар талаффузига риоя қилиши;
- 65-70 сўздан иборат диктант ёза олиши;
- хабар, тасвир асосида 5-6 гапдан иборат матн тузиши;
- имло ва тиниш белгиларини тўғри қўллаши талаб этилади.

А2 даражасига эга 9-синф ўқувчиларига эса талаблар анча ортади:

- Сўз ва гапларни боғлаган ҳолда фикрини аниқ ва равион ёзма баён қилиш;
- 140-160 сўздан иборат диктант ёзиш;
- 20-25 гапдан иборат ижодий матн (баён, иншо) ва баёнга режа тузиш, эпиграф танлаш;
- матнда бадиий тасвир воситаларидан ўринли фойдаланиш;
- расмий иш қоғозларини (ариза, маълумотнома, хат, таржимаи ҳол, эълон) ёзиш каби мезонлар шулар жумласидандир. Бошқа фанлардан ҳам шу каби аниқ талаблар белгилаб берилди.

Яна бир жиҳат, олдингидан фарқли ўлароқ, компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартида барча фанларни ўқитишнинг кучайтирилган даражаси учун алоҳида талаблар ишлаб чиқилди.

✓ Айни пайтда компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандарти, ўқувчи ва ўқувчилар талабига тўлиқ жавоб бера

оладиган **замонавий дарсликлар** яратиш устида мутахассислар гуруҳи томонидан қизғин иш олиб борилмоқда.

3. Узвийлаштирилган ўқув дастурлари, дарслик, ўқув қўлланмаларининг қиёсий таҳлили

Ўзбекистон мустақиллиги билан боғлиқ ҳолдагина адабиёт дастурининг бир неча авлоди яратилди. Таълим тизимидаги ўзгаришлар давлат таълим стандартларининг яратилиши, янги ўқув режаларининг ишлаб чиқилганлиги, ижтимоий-маънавий ҳаётдаги янгиланишлар дастурларни ҳам қайта кўриб чиқиш заруриятини тақозо этди ва 187-сонли қарор қабул қилинди.

1991 йилдан буён мактаб адабий дастурлари жиддий такомил йўлини босиб ўтди. Бу йўлда, айниқса, 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури алоҳида босқич бўлди.

Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари бадиий асарларни танлаш тамойилларини ҳам белгилаб беради. Таниқли методист М.В.Черкезова кўрсатганидай, “Миллий мактабларда асарларни ва уларни ўргатиш методикасини танлаш учун илмий адабиётшунослик мезонлари, адабий факт ва ҳодисаларга нисбатан тарихий-генетик, тарихий-функционал ва қиёсий-типологик ёндашувлар бирлиги асос бўлиб хизмат қилади”¹.

Дастур энг муҳим давлат ҳужжати бўлиб, уни бажариш мажбурийдир. Ўқитувчининг асосий вазифаси давлат дастури талабларини тўла ва самарали тарзда амалга оширишдан иборат. Шунга кўра ҳам ўқитувчи уни тўла билиши, унинг барча қисмлари ҳақида аниқ тасаввур ва маълумотга эга бўлиши шарт.

Дастур ўқитувчининг иш фаолиятидаги энг асосий манбадир. Унда амалий ҳаракатга кўрсатма ҳам, энг муҳим маълумотнома ҳам мужассамлашган. Ҳозиргача дастурлар умумтаълим мактабларининг барча бўғинларини (1-Х ёки У-Х1 синфлар) қамраб оларди. “Таълим ҳақида”ги янги Қонун таълим тизимига бир қатор янгиликларни олиб кирди. Унга кўра энди умумий ўрта таълим 1-1Х синфларни қамрайди. Бундан кейин эса ўрта махсус касб-хунар таълими бошланади. Демак, дастурлар ҳам шундан келиб чиққан ҳолда бошқа-бошқа бўлади.

Умуман дастурда адабиёт курси тўлалигича тавсифлаб борилди. Ҳар бир синфдан адабиёт курсининг мазмуни ва иш тартиби, ҳар бир мавзунинг моҳияти муайянлаштирилади. Унда ўзлаштирилиши лозим бўлиш илмий-назарий, адабий тушунчалар, асарни ўрганиш, нутқ ўстириш, синфдан ташқари ўқитиш, асарлар юзасидан суҳбат учун ажратиладиган соатлар миқдори, адабиётдан ўтказилиши кўзда тутилган оғзаки ва ёзма иш турлари, предметлараро алоқа, синфдан ташқари ўқишдаги асарлар рўйхати берилган.

Давлат дастурини бажариш асосида ўқитувчи ўқувчилардаги адабиёт ва санъатга бўлган муҳаббат, ижодкорлик, ижодий фаоллик, юксак ахлоқий анъаналарни такомиллаштириш ва ўстиришга асосан эътибор бермоғи лозим.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари асосида яратилган такомиллаштирилган ўқув дастурлари, жумладан,

Она тили ўқув дастури хусусида тўхталадиган бўлсак, она тили фани 5-9- синфларда 646 соат ҳажмда, ҳафтасига 19 соат, шундан 5- синфда 6 соат, 6-синфда 5 соат, 7-синфда 3 соат, 8-синфда 3 соат, 9-синфда 2 соат ўқитилади.

Она тили фанини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган мактабларнинг 5-9-синфларида эса 986 соат, ҳафтасига 29 соат, шундан 5 синфда 8 соат, 6-синфда 7соат, 7-синфда 5 соат, 8-синфда 5 соат, 9-синфда 4 соатдан ўқитилади. Шу ўринда “Нутқ маданияти” ёндош ўқув дастури ҳам ҳар бир синф учун алоҳида берилди.

Ўқув дастурида “Ўқтириш хати” келтирилган бўлиб, унда Она тили фанини ўқитишнинг аҳамияти ва унга замонавий ёндашувлар, фанни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, ўқув дастури мазмунида акс этган грамматик мавзуларни ёритишда ўқув режада келтирилган “Ҳаёт хавфсизлиги асослари”, “Тежамкорлик сабоқлари” ва “Иқтисодий билим асослари” курсларининг мазмунини сингдириб ўқитиш ҳамда она тили ўқув фани бўйича умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига кўйиладиган малака талаблари киритилди.

Она тили фани Давлат таълим стандартида умумий кўринишда берилган таянч компетенциялар А2 ва А2+ даражага ажратиб берилди. Ҳар бир синфнинг бошида ўқувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган шу синфга хос таянч компетенция элементлари берилди.

Ҳар бир синфда ўрганиладиган бўлим ва мавзулар номлари ҳамда уларга ажратилган соатлар кўрсатилди. Бунда ҳар бир бўлим мазмуни ва фанга оид компетенциялар элементлари очиқ берилди.

Она тили фанининг хусусиятидан келиб чиқиб ўқувчиларда фанга оид компетенциялар элементларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш мақсадида назорат иши ҳамда ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш, такрорлаш соатлари ажратилди.

А2 ва А2+ (9-синф) якунида ўқувчиларда шаклланган таянч ҳамда фанга оид компетенциялар элементлари келтирилди.

Ўқув дастурининг охирида ўқув дастурини тузувчи ишчи ва эксперт гуруҳлари таркиби берилди.

Амалдаги ўқув дастури ва ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтириш асосида ишлаб чиқилган ўқув дастурининг қиёсий таҳлилига кўра 5, -9 синф дастурларида умумий 31, 2 % ўзгариш бўлди. Бунда 5, 6, 7- 9-синфларда такрорлаш ва мустаҳкамлаш дарслари ҳисобидан 4 соатдан “Матн” йўналишига алоқадор янги мавзулар ва “Лексикология” бўлимига 37 соат ҳажмда, 8-синфда эса 2 соатга мўлжалланган янги мавзулар киритилди.

Шунингдек, 5синф ўқув дастурида “Морфология” бўлимига амалдаги дастурда ажратилган 40 соат 17 соатга, “Синтаксис” бўлимига ажратилган 35 соат 17 соатга, “Фонетика” бўлими 46 соатдан 33 соатга қисқартирилди.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Таълим соҳасига оид асосий меъёрий ҳужжатлар қайсилар?
2. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларининг мақсади нималардан иборат?
3. Ўқув дастурлари, ўқув режаси ва дарсликларнинг узвийлиги ҳақида маълумот беринг.
4. Она тили ва адабиёт фанидан дарслик, ўқув дастурларини модернизация қилишдан мақсад нима?
5. Она тили ва адабиёт фанидан компетенциявий ёндашувга асосланган ДТСнинг мазмуни, мақсад ва вазифалари ҳақида гапиринг. Унда она тили ва адабиёт фанидан ўқувчиларга қандай талаблар қўйилган?
6. Янги ДТСнинг аввалгисидан фарқи нималарда кўринади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Абдуқодиров А. Умумий ўрта таълим мактабларида янги ахборот технологиялардан фойдаланиш муаммолари. Узлуксиз таълим журнали, 2002. № 4, 60-73 бетлар.
5. Абдураимова М. Она тили таълимида илғор педагогик технология. – Тошкент, 2005. 3-26 бетлар.
6. Аҳлиддинов Р.С. Мактабни бошқариш санъат. – Т.: Фан, 2006.
7. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: Ниҳол, 2013, 2016.
8. Иноятов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. – Т.: Илм-Зиё, 2012.
9. Расулов А. Мустақиллик даври адабиётининг назарий-методологикасослари. – Т.: Маънавият, 2012.
10. www.edu.uz
11. www.uzedu.uz

2-маъруза. Дарсликлар, янги адабиётлар, методик қўлланма ва тавсиялар таҳлили

Режа:

1. Она тили ва адабиёт таълимининг тарихи ва тараққиёт йўллари.
2. Янги ўқув дастури асосида чоп этилган дарсликлар ва улардан фойдаланиш.
3. Методик қўлланма ва тавсиялар таҳлили.

1. Она тили ва адабиёт таълимининг тарихи ва тараққиёт йўллари

Дарсликлар ўқувчига фан бўйича зарур билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгаллашга ёрдам берувчи асосий манбадир.

Дарсликларни яратишга уриниш қадимдан мавжуд бўлган. Мадраса ва илм масканларида Саъдийнинг “Бўстон”, “Гулистон” асарлари, кейинроқ Яссавий, Ҳофиз, Навоий, Оллоёрнинг бадиий етук, тили содда асарлари ўргатилган.

Бу ҳақда адабиётшунос У. Долимов ёзади: *“Абжаддан кейин “ҳафтияк” ўргатилган. “Ҳафтияк”да 13-14 кичик-кичик суралар жамланган бўлиб, “Қуръон”ни ўқиш ва ёдлашдаги бир босқичдир. Бунда муаллим “Қуръон” сураларидаги сўзларни тўғри талаффуз қилишга, баъзи бир ёдлаш қобилияти кучли бўлган, чиройли товушга эга бўлган ўқувчиларни қироат билан таъсирли ўқишга ўргатган.*

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, туркистонлик маърифатпарварлар орасида халқ турмушининг мавжуд ҳолатидан қониқмаслик, уни энгиллаштириш, миллат аҳлига одамга муносиб ҳаёт кечириш йўлларини кўрсатишга уриниш майли пайдо бўлди. Асрнинг охирларида илғор ойдинларимиз Исмоилбей Гаспралининг “Хўжаи сибён” алифбо дарслиги, “Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош” методик қўлланмаси таъсирида усули жадидни таълим амалиётига олиб кира бошладилар. Шўро ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Ўзбекистонда кўплаб педагоглар тайёрлайдиган техникумлар, курслар ташкил қилинди.

Шўро ҳукумати таълим тизимидаги барча муассасаларнинг сўзсиз коммунистик мафкура измида бўлишини истарди. Бунинг учун эса ўқув режаси, дастур, дарсликларни бир хиллаштириш ва мажбурий қилиш керак эди. 1918 йилда ҳамма учун мажбурий бўлган илк она тили ва адабиёт дастури ишлаб чиқилди. Шу йил “Маориф ва ўқитғувчи” журналида, бошқа предметлар катори, биринчи адабиёт дастури ҳам босилди. Бу дастурда 5-7-синфларда она тили ва адабиёт предмети ўқитилиши қандай амалга оширилиши белгилаб берилганди.

Шокиржон Раҳимий ўзбек тилидаги биринчи алифбе дарслиги – “Совға” (1919), шунингдек, “Она тили”(1918), Фитрат ва Қ.Рамазон билан ҳамкорликда), “Катталарга ўқиш”(1920), “Алифбе дарслиги”(1922), “Катталар йўлдоши”(1924), “Катталар алифбеси”(1927), “Савод”(1930), “Ўзбек тили. Иш китоби” (1932) сингари дарслик ва ўқув қўлланмалар

муаллифи эди. Кўринадик, дастлабки таълимга йўналтирувчи дарсликлар 1920-йилларда яратилган. Шу йилларда бошланғич ва етти йиллик мактаблар учун адабиётдан дастлабки мажмуалар тузилди. Тўғри, XX аср бошларида ҳам Мунавварқори (“Сабзор”), А. Авлоний (“Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Мактаб гулистони”, “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар”), Ҳамза (“Енгил адабиёт”, “Қироат китоби”) каби жадидлар турли мажмуалар тузишганди. Лекин улар, асосан, бошланғич мактабга аталган бўлиб, тарбиявий йўналишдаги матнларнигина ўз ичига олиб, зарур дидактик аппаратлар билан таъминланмаган дидактик ашёлар эди.

1924 йилда Элбек “Гўзал ёзғичлар”, 1926 йилда Чўлпон “Адабиёт парчалари” хрестоматияларини туздилар. 1924 йилда А. Саъдий ўзи ишлаб чиққан дастур асосида “Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари” дарслигини яратади. Булар Оврўпо андазаларига бир қадар мос келадиган ўқув манбалари бўлиб, миллат бадий тафаккури ўсишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Бу дарсликда ҳам олдинги анъаналарга кўра, адабиёт назариясига катта эътибор қаратилиб, бадий асар матни бирор назарий қарашни асослаш учун келтирилди холос.

1926 йилда Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” китоби чиқди. 1955 йилда С. Долимов ўзбек методистлари орасида биринчи бўлиб, “5-синф “Ватан адабиёти” хрестоматияси учун методик қўлланма” асарини яратди ва ўзбек методикаси амалиётида ўқитувчилар учун қўлланма ёзиш тажрибасига асос солди. Шундан кейин бу туркумда бир қатор қўлланмалар яратилди. 1967 йилда С. Долимов, Қ. Аҳмедов ва Х. Убайдуллаевлар томонидан олий мактаб талабалари учун “Адабиёт ўқитиш методикаси”, шу билан биргаликда дастлабки она тили дарслиги яратилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришувидан олдинроқ, қайта қуриш, ошқоралик деб аталувчи даврлар бошланиши билан ўзбек зиёлиларининг катта қисми мактаб адабиётини тамомила бошқача ўқитиш лозимлигини англаб етган эдилар. Шу йўлда, аввал, қарашлар ўртасидаги қурашлар, кейинчалик ташкилий ишлар бир неча йил давом этди. 1991 йилнинг 13 мартида Республика Вазирлар кенгаши раисининг ўша пайтдаги ўринбосари ёзувчи Эркин Самандар ташаббуси билан проф. У. Норматов бошчилигида ўн уч олимдан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, мустақилликдан олдинроқ мактаб адабиёт дарслиklarини янгилаш вазифаси қўйилди. 1991 йилнинг ёзида биринчи марта чинакам миллий асослардаги мактаб адабиёт дастури тузилди. Йил мобайнида ўқитувчилар, ота-оналар, мутахассислар томонидан қизгин муҳокама қилинган дастур 1992 йилда қайта ишланиб, маориф вазирлиги томонидан тасдиқланди ва шу асосда яратилган дарсликлар 1993 йилдан бошлаб мактаб амалиётига жорий этилди.

Мустақиллик арафасида ва ундан сўнг яратилган адабиёт дарслиklarида асосий эътибор ўқувчиларга ўзбек адабиётининг нақадар бой ва жозибали эканини англатишга қаратилди. Шунингдек, бир миллий адабиёт намуналарига “меҳнатқашлар адабиёти”, “сарой адабиёти” ва “диний-мистик адабиёт” тарзида қарама-қарши қўйиб ёндашиш анъанаси барҳам топди. Кўп

асрлик ўзбек адабиётига умумий бадиий бойлик ва миллат маънавиятини шакллантиришда бараварига қатнашиши мумкин эстетик имконият тарзида ёндашилди.

Алоҳида таъкидланиши керакки, 1999 йилда “Адабиёт ўқитиш бўйича давлат таълим стандарти” ҳамда “Адабиётдан умумий ўрта таълим ўқув дастури” тайёрланиб чоп этилди ва уларда илк марта бадиий адабиётга ўқувчилар маънавиятини шакллантириш воситаси тарзида қаралди. Яъни ўзбек педагогикасида биринчи бор билим эмас, балки ўқувчи шахси асосий кадрият саналиши тан олинди. Адабий далилларни ўзлаштириб олиш, бадиий матнни ёд билишнинг ўзи эмас, балки бадиий асардаги қаҳрамонларнинг туйғулари ва муаллифнинг сезимларини ҳис этиш, уларнинг дардларини англаш, уларга туйғудош бўла олиш муҳим эканлигига эътибор қаратилди. Шунингдек, адабиёт бўйича яратилган дарслик ва методик қўлланмаларда ўқувчилар ўқитувчидан эшитган ёки берилган матндан ўқилган нарсаларни қайтадан айтиб беришга эмас, балки бадиий матн замиридаги яширин жиҳатларни илғаш, бадиий сўз катидаги жозибани оча билишга йўналтирилдилар.

Таъкидлаш керакки, 1997 йилда барча ўқув фанлари орасида биринчи бўлиб, 7-синф “Ўзбек адабиёти” дарслигидан фойдаланиш бўйича “Ўқитувчи китоби” чоп этилди. Шу номдаги китоб 2001 йилда 6-синф “Адабиёт” дарслигидан фойдаланиш бўйича, 2003 йилда 8-синф “Адабиёт” дарслигидан фойдаланиш йўллари тадқиқ этилган “Адабий сабоқлар 8” китоби нашр қилинди. 2004 йилдан бошлаб эса, ҳар битта адабиёт дарслиги ўз методик қўлланмаси билан биргаликда яратила бошланди.

Дарслик ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш бўйича ҳаракатлар давом этиб келмоқда, ўқув адабиётлари танлови ўтказилмоқда. 2004 йилда 5-синф учун, 2005 йилда 6-7-синфлар учун танлов ўтказилди, 2006 йилда 8-9-синфлар учун муаллифлар гуруҳи дарсликлар тайёрлашмоқда. Бу дарсликларнинг афзал томони ўқитувчи учун методик қўлланма ҳам биргаликда яратилишида ва уларнинг амалиётда яхши натижага эришишида деб биламиз.

2. Янги ўқув дастури асосида чоп этилган дарсликлар ва улардан фойдаланиш

Мактаб она тили дарсликларида она тили таълимининг мақсади воқеаланган ва унда берилган материаллар хусусийликдан умумийликка қараб боради. Тилшунослик бўлимлари ўзаро алоқадорликда, соддадан мураккабга қараб берилган.

2017-2018-ўқув йили учун чоп этиладиган 6-7-синф дарсликлари ДТС ва ўқув дастурларининг тажриба-синови яқунлари асосида олинган хулосаларга мувофиқ ўқувчиларда нутқий лаёқатларни шакллантиришга йўналтирилган ўзгаришлар билан нашр қилинмоқда.

Дарсликда ўқув дастури асосида ўқувчиларнинг ёзма нутқий лаёқатларини такомиллаштириш, ёзма нутқий лаёқатларидаги бўшлиқларни тўлдириш мақсадида такрорлаш ва мустақамлаш дарслари ҳисобидан 4 та (2,3%) янги мавзу киритилди. Амалдаги дарсликда 480 та машқ ва

топшириқлар 491 тага етказилди. Шундан 55 та машқ ва топшириқлар (11, 2%) ўзгартирилди. Шунингдек, 9 та расмлар (5, 2%) 4 хил рангда берилиб мазмунан бойитилди.

2017-2018 ўқув йилида чоп этилган 6-синф “Адабиёт” (муаллифлар С.Аҳмедов, Р. Қўчқоров, Ш.Ризаев) дарслигини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилган ўқув дастури бўйича нашрга тайёрлаш жараёнида амалга оширилган ўзгартиришлар:

Ўқув дастурида Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти ва ижоди, унинг “Ўзбекистон” шеъри ўрта махсус таълим тизимига ўтганлиги боис дарсликдан чиқарилди.

Зулфиянинг “Невара”, “Мен ўтган умрга” шеърлари дарсликдан чиқарилиб, ўрнига. “Баҳор келди, сени сўроқлаб”, “Ўғлим, сира бўлмайдими уруш” шеърлари киритилди.

Пиримқул Қодировнинг “Низомнинг тантилиги” (“Авлодлар довони” романидан) ҳикояси дарсликдан чиқарилиб, ўрнига ёзувчининг “Юлдузли тунлар” романидан “Бобур” парчаси киритилди.

Дарсликдан жами 10,4% мавзу чиқарилди ва унга 10,4% мавзу янгидан киритилди. 44% савол ва топшириқлар ўзгартирилди.

Дарсликка янги кирган мавзулар бўйича матнлар киритилиб, улар асосида таянч ва фанга оид компетенция элементларини шакллантиришга йўналтирилган савол ва топшириқлар ҳам янгидан тузилди. Дарслик биринчи марта 4 хил рангда (рангли) чоп этилиши муносабати билан унинг дизайни, шоир ва ёзувчиларнинг расмлари, асарларга ишланган расмлар жами: 135 та расм ва иллюстрация 4 хил рангда тубдан янгидан ишланди. Шу муносабат билан дарслик дизайни 100%га ўзгаради.

2017-2018 ўқув йилида чоп этилган 7-синф “Адабиёт” (муаллифлар Қозоқбой Йўлдошев, Бегали Қосимов, Валижон Қодиров, Жалолбек Йўлдошбеков) дарслигида қуйидаги ўзгаришлар амалга оширилди:

Турди шеърлари ўрта махсус таълим тизимига ўтганлиги боис дарсликдан чиқарилди. Ажратилган 2 соатнинг 1 соати Мирмуҳсиннинг “Меъмор” ва Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема асари” га қўшиб берилди.

Махтумқулининг “Наъмасан” шеъри дарсликдан чиқарилиб, ўрнига шоирнинг “Айтишув” шеъри киритилди.

Дарсликдан жами 4,1% мавзу чиқарилди ва унга 4,1% мавзу янгидан киритилди. 48% савол ва топшириқлар ўзгартирилди.

Дарсликка янги кирган мавзулар бўйича матнлар киритилиб, улар асосида таянч ва фанга оид компетенция элементларини шакллантиришга йўналтирилган савол ва топшириқлар ҳам янгидан тузилди. Дарслик биринчи марта 4 хил рангда (рангли) чоп этилиши муносабати билан унинг дизайни, шоир ва ёзувчиларнинг расмлари, асарларга ишланган расмлар, жами, 105 та расм ва иллюстрация 4 хил рангда янгидан ишланиб киритилди. Шу муносабат билан дарслик дизайни 100%га ўзгарди.

3. Методик қўлланма ва тавсиялар таҳлили

Сўнги йилларда таълим соҳасида анча-мунча ўзгаришлар амалга оширилган, адабиётшунослик ва тилшунослик фанларида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Мактаб дарсликларининг сифати ва мазмуни яхшиланди. Бироқ ўқитувчи учун методик қўлланма ва тавсияларни яратиш борасида катор муаммолар борки, буни инкор этиб бўлмайди.

Гарчи она тили ва адабиёт фанидаги муайян мавзуларни ўргатиш юзасидан дарс ишланмалари ва тавсиялар “Тил ва адабиёт таълими” ва педагогика йўналишидаги илмий-методик журналларда чоп этилаётган бўлса-да, бунинг ўзи ўқитувчиларнинг эҳтиёжини қондира олмайди.

Ҳар йили анъанавий август кенгашларида Республика Таълим маркази томонидан фанлар йўналишида чиқарилган тавсиялар эса ўқитувчининг методик эҳтиёжини қисман таъминлайди холос.

М.Абдураимова, М.Қодиров, Г.Зиёдуллаева, Г.Маманбоева ҳаммуаллифлигидаги 6-синф “Она тили” дарслиги бўйича ўқитувчи учун методик қўлланманинг яратилганига ҳам беш йил бўлди.

Она тили ўқитувчилари учун бугунги кунда “Диктантлар тўплами” ҳамда “баёнлар тўплами” жуда зарур.

О.Мадаев, А.Собиров, З.Холманова, Ш.Тошмирзаева, Г.Зиёдуллаева, М.Шамсиева ҳаммуаллифлигидаги “Ёзма иш турлари: иншо, баён, диктант” (Тошкент, “Турон замин зиё” нашриёти 2017) методик қўлланмада ёзма иш турлари, уларни ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари ҳақида маълумот берилган.

Бахтиёр Абдушукуров томонидан “Маърифат” газетасининг 2017 йил 22 февралдаги сонидан чоп этилган “Она тили таълими: давр талаби ва ижтимоий зарурат” мақоласини таҳлили қилиш. Унда она тили таълимини такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифлар ва тавсиялар ҳам ўқитувчига асқотади.

Омонулла Мадаев ҳамда Шарофат Тошмирзаева ҳаммуаллифлигидаги “Маърифат” газетасининг 2017 йил 17 апрель сонидан чоп этилган “Айни муддао” сарлавҳали мақоласида ҳам тил таълимига оид муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар берилган.

Тил ва адабиёт ўқитишда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар “Тил ва адабиёт таълими” журналининг 2017 йил 10-сонидан чоп этилган “Жамиятда тил сезгиси ва сўз севгиси барқарорлашмоғи зарур” мавзусидаги ф.ф.д., профессор Низомиддин Маҳмудов билан суҳбат, Бахтиёр Менглиев ҳамда олий тоифали ўқитувчи Хосият Сувонованинг “Она тили”ни эмас, “она тили”дан ўргатиш керак” сарлавҳали мақолаларида ҳам баён этилган.

Тил ва адабиётни ўқитиш масалалари 2017 йил 10 май куни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетидан бўлиб ўтган республика илмий-назарий конференциясининг бош мавзуси бўлди. Мазкур конференция материаллари тўпламидан ўрин олган академик Б.Назаров ва доцент И.Ёқубовнинг “*Ўқув-услубий қўлланма ва монографик*

изланишлар: янгича ёндашув тамойиллари”, филология фанлари доктори И.Йўлдошевнинг *“Сўз танлашда тилнинг ички қонуниятлари талаби”*, филология фанлари доктори А.Собировнинг *“Ўқувчиларга метадеготат ва метадеготат тушунчаларини ўргатиш ҳақида”*, филология фанлари доктори, профессор Х.Дадабоевнинг *“Ўзбек тили таълимини такомиллаштириш омиллари”*, педагогика фанлари доктори, профессор Қ.Йўлдошевнинг *“Ҳозирги шароитда адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари”*, филология фанлари номзоди, филология фанлари доктори, профессор Б.Тўхлиевнинг *“Алишер Навоий асарларини ўқитишнинг долзарб масалалари”*, филология фанлари доктори З.Холманованинг *“Ўзбек тили таълимида моделлаштириш методидан фойдаланиш”*, филология фанлари номзоди, доцент М.Сапарниязованинг *“Она тили таълимининг долзарб муаммолари”* мавзусидаги мақолаларни ўқиш ҳам она тили ва адабиёт ўқитувчига педагогик амалиётда қўл келади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Умумтаълим мактабларининг она тили ва адабиёт фани бўйича дарсликлари муаллифлари кимлар?
2. Сўнгги йилларда қандай методик қўлланма ва тавсиялар нашр этилди?
3. Она тили дарсликларида мавзуларнинг берилиши, қоидалар, машқ ва топшириқлар сизни қониқтирадими? Уларни такомиллаштириш бўйича қандай таклифлар бера оласиз?
4. Адабиёт дарсликларида ёзувчининг ҳаёти ва ижоди, асарлар таҳлили, адабий-назарий тушунчалар ва савол-топшириқлар талаб даражасида берилган деб ҳисоблайсизми?
5. Ҳозирги кунда она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари учун қандай методик қўлланма ва тавсияларга эҳтиёж катта?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ж.Коллер. Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия, 2011.
2. Менглиев Б. Она тили таълими: давр талаби ва ижтимоий зарурат. // “Маърифат” газетасининг 2017 йил 22 февраль сони.
3. Мадаев О., Тошмирзаева Ш. Айни муддао. // “Маърифат” газетасининг 2017 йил 17 апрель сони.
4. Мадаев О., А.Собиров, З.Холманова, Ш.Тошмирзаева, Г.Зиёдуллаева, М.Шамсиева. Ёзма иш турлари: иншо, баён, диктант. – Т,: Турон замин зиё, 2017.
5. Маҳмудов Н. Жамиятда тил сезгиси ва сўз севгиси барқарорлашмоғи зарур. // “Тил ва адабиёт таълими” журналининг 2017 йил 10-сон.
6. Менглиев Б., Сувонова Х. “Она тили”ни эмас, “она тили”дан ўргатиш керак. // “Тил ва адабиёт таълими” журналининг 2017 йил 10-сон.
7. “Замонавий ўқитиш масалалари”. // 2017 йил 10 май куни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетиди

мавзусида республика илмий-назарий конференцияси материаллари тўплами.

8. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, Akademnashr, 2011.

3-маъруза. Синтаксис ҳамда пунктуация бўлимини ўқитиш муаммолари ва ечимлари

Режа:

1. Ўқувчиларга сўз бирикмаси ва гап ҳақида маълумот бериш усуллари.
2. Гап ва унинг ифода мақсадига кўра турларини ўрганиш.
3. Гап бўлақларини тушунтириш методикаси.
4. Мактабда қўшма гап ва унинг турларини ўрганиш.

1. Ўқувчиларга сўз бирикмаси ва гап ҳақида маълумот бериш усуллари

Грамматика – морфология ва синтаксис бўлиmlаридан ташкил топади. Тил фанининг катта бир қисми бўлган **синтаксис — сўз, сўз бирикмаси ва гапларнинг ўзаро алоқасини, сўз бирикмаси ва гапларни ташкил этган бўлақларнинг хусусиятларини ўрганади.** Синтаксис шу жиҳатдан морфологиядан фарқланади.

Гап ҳақида эгалланган билимларни мустаҳкамлаш, кенгайтиришда, сўз бирикмасининг аҳамияти беқёс. Сўз бирикмаси — гапда аниқ бир йўналишга эга бўлиш, мақсадли фикрлаш, қолаверса, гапнинг бадиий бўёғини қуюқлаштириш, уни қзикарли ҳамда мукамал ҳолатга келтириш вазифасини бажарадиган ҳодиса. Шунинг учун сўз бирикмасидан гапнинг қурилиш материали сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчининг фикрлаш қобилиятини фаоллаштиради, фикр ифодасини тезлаштиради. Буни аниқ бир мисол ёрдамида кузатиш мумкин.

Сўз бирикмалари	Гап
эрталабки қуёш, кўм-кўк барглар	Барглар жилваланади
баҳорнинг майин шабодаси, рақс тушаётган кўм-кўк барглар, эрталабки қуёш, қуёш нури, минг бир ранг, минг бир рангда товланмоқ, минг бир рангда жилваланмоқ	Баҳорнинг майин шабодасида рақс тушаётган кўм-кўк барглар, эрталабки қуёш нурида эркаланиб, минг бир рангда товланади, жилваланади.

Жадвал бўйича дастлаб сўз бирикмаларининг қандай ҳосил қилинишини изоҳлаш талаб этилади. Сўз бирикмаси — бош ва эргаш сўзлардан иборат бўлиб, предмет, белги, иш-ҳаракатни янада аниқроқ тасаввур қилишга, гапни аниқ бир йўналишда мақсадли ривожлантиришга хизмат қилади. Тизимли тилшунослик фани тил ўқитиш методикаси учун тавсия қилаётган, ўқувчи луғат захирасини бойитишга хизмат қиладиган «Лексикологияда уядошлик ҳодисалари», сўз бирикмасининг гап мазмунини очиб беришдаги аҳамияти каби кўрсатмалари ўзбек тили методикаси ривожини учун ниҳоятда

қмматлидир.

Жадвалда “Барглар жилваланади” йиғиқ гапи билан “Кўм-кўк барглар куёш нурида жилваланади” ёйиқ гапини таққослаш имконияти мавжуд.

Биринчи гапдаги нисбий мавҳумлик (қандай барг? ниманинг барги? нимада жилваланади?) иккинчи гапда бартараф этилгандек, гапнинг мазмуний тугаллиги, жозибаси ошгандек туюлади. Аммо бу нарса ҳам нисбийлик назариясига асосланган бўлиб, иккинчи гап, биринчисига нисбатан, сўз бирикмаларини ўринли ишлатиш ҳисобига анча мукамаллашган. Чунончи, учинчи гапдаги, бадий бўёқдорлик, нафислик, жозибадорлик даражаси, биринчи гапга, қолаверса, иккинчи гапга нисбатан ҳам анчагина юқори. Демак, узлуксиз таълимда сўз бирикмалари ҳосил қилиш устида ишлаш, ўқувчини жадал фикрлаш, равон ва бўёқдор фикр ифодалашга йўналтиради. Ўринли, нутқий вазиятга мос ҳолда танланган сўз бирикмаси, гап мазмунини очиб, балқтиб юборади. Сўз бирикмаси ифодаланаётган умумий фикрни хусусийлаштиришга, далилларни аниқлаштиришга гап қурилишини жадаллаштиришга хизмат қилади.

2. “Гап бўлаклари юзасидан таҳлил ўтказилганда, ўқувчилар сўзларнинг ўз маъносида ва кўчма маънода ишлатилганлигини фаҳмлай оладилар”. Сўзларнинг ўз маъноси ва кўчма маънода ишлатилганлиги сўз бирикмасида аниқланади. У ҳам сўз каби предмет, иш-ҳаракат ва уларнинг белгисини ифодалаш учун хизмат қилади, ҳам шу хилдаги бошқа нарса, буюм, шахс, белги, иш-ҳаракатлардан ажратиб, фикрни сўзга нисбатан аниқроқ ифодалайди: М:

	хатни
нимани ўқимоқ?	шеърни ҳикояни уйда ўқимоқ
қаерда ўқимоқ?	мактабда кутубхонада астойдил
қандай ўқимоқ?	ифодали ўқимоқ тўғри шошилиб секин

Ўқувчиларнинг сўзнинг ўз ва кўчма маънолари ҳақидаги тасаввурларини бойитиш учун айрим ижодий ўқув-топшириқларидан фойдаланиш мумкин:

1-топшириқ. Берилган сўз бирикмаларидан отли, сифатли, равишли, равишдошли бирикмаларни ажратинг.

2-топшириқ. Юқоридаги сўз бирикмалари иштирок этган гаплар тузинг. Сўз бирикмаларининг гапдан фарққа диққат қлинг.

3-топшириқ. Сўз бирикмаларини келишикли бирикмалар, кўмакчили бирикмалар қўшимчасиз бирикмаларга ажратиш. Қуйида сўз бирикмалари мавзусини такрорлаш, эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, талабада оғзаки нутқ маҳоратини ривожлантиришга йўналтирувчи савол ва топшириқлардан намуналар берилди:

2. Гап ва унинг ифода мақсадига кўра турларини ўрганиш

Гап ахборот, хабар, сўроқ, буйруқ ва ҳис-туйғуни ифодалаш учун хизмат қиладиган синтактик бирликдир.

Тилнинг ифода воситаларини (сўз, сўз бирикмаси ва гап) ўзаро қиёслаш, гапнинг асосий белгиларидан бири тугалланган фикр ифодасини билдиришини уқиб оладилар ва хулосалайдилар.

Гап грамматик, интонацион ва фикрий жиҳатдан бир бутунликка, нисбий тугалликка эга бўлади.

Сўз бирикмаси	Гап
Ёқимли мусиқа	Мусиқа ёқимли
Ёзувчи Ойбек	Ойбек - ёзувчи
Кўп китоб	Китоб кўп

Мазкур мавзуни ўрганиш жараёнида дарак, сўроқ, буйруқ, ҳис-ҳаяжон гаплар ҳақидаги билимлар такрорланади, мустаҳкамланади. Уларни гаплар охирига қўйиладиган тиниш белгиларига асосланиб, ифодали ўқиш машқ қилинади, “қироат санъати” ҳақида маълум тушунчалар берилади.

Ҳар бир гап ўзига хос ва мос оҳанг билан айтилади, ёзувда бундай гаплар охирига қўйиладиган тиниш белгилари орқали фарқланади.

Гапда сўзларни бир-бири билан боғлашга хизмат қиладиган воситалар устида ишлаш учун қуйидаги гаплардан фойдаланиш мумкин:

1. Бадиий асар ўқиш (билан) ҳордиқ чиқарамиз.
2. Топширик ўз вақти (да) бажарилди.
3. Шаҳноза шаҳар (нинг) қурилиши (ни), у (нинг) ҳавоси (ни) мақтади.

Таҳлил учун топширик

Сўзларнинг бир-бири билан қандай боғланганини аниқланг?

а) биринчи гапдаги ёрдамчи сўз билан – кўмакчиси;

б) иккинчи гап чиқиш келишиги қўшимчаси ёрдамида боғланган;

в) учинчи гап эса қаратқич ва тушум келишиги қўшимчалари воситасида боғланганлиги айтилади.

Бу хилдаги машқлар ўқувчини гап тузишда келишик, эгалик қўшимчалари ва ёрдамчи сўзларнинг ролини англаб олишга, сўз бирикмалари моҳиятини тўғри тушунишга, сўз бирикмасини сўз қўшилмалари ва гаплардан ажратишга ўргатади.

Гаплар орқали хабар, бирор ишни бажаришга ундаш, илтимос, фикрни айтишга даъват каби маъноларни англаб олишда оҳангнинг роли катта. Нутқнинг фонетик жиҳатдан шакллантирадиган, ташкил қиладиган мелодика, урғу, пауза каби оҳанг воситалари алоҳида синтактик вазифани бажаради. Маълумки, дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гап ва ҳис-ҳаяжон гапни ҳосил қилишда уларнинг мазмунигина эмас, балки айтилиш оҳанги ҳам муҳим рол ўйнайди.

Мустақил иш жараёнида соф сўроқ гаплар, риторик сўроқ гаплар, сўроқ-буйруқ гапларни тузиш, уларни ифодали ўқиш, сўроқ гапларни ўзаро қиёслаш ва фарқлаш, улар иштирокида матн яратиш каби ижодий-амалий

ишларни бажариш ўқувчиларни дарак ва сўроқ гапларни ўз ўқувчи нутқларида тўғри ва ўринли қўллаш олиш малакасини ҳосил қилишларида самарали натижа беради.

3. Гап бўлақларини тушунтириш методикаси

Гап турларини ўрганиш жараёнида “Кесим гапнинг маркази” мавзусидан фойдаланиш яхши натижа беради. Гапнинг маркази (кесим)-замон, шахс-сон тасдиқ-инкор маънолари билан бирикиб келган сўз бирикмаси эканлиги, содда гап бир марказли ва қўшма гап икки ва ундан ортиқ марказли гапларга киритилишини ўқувчиларга тушунтириш лозим бўлади. Мазкур мавзуни ўрганишда қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга алоҳида аҳамият берилади.

1. Зарурий билимлар:

- кесим гап маркази эканлиги;
- эга ва қолган бўлақларнинг кесим атрофида бирлашиши;
- фақат кесимдан иборат гапларнинг ихчам гап эканлиги.

2. Зарурий кўникма ва малакалар:

- гапнинг кесими – марказини топиш;
- кесимнинг гап қурилишидаги аҳамияти ҳақида хулоса чиқариш;
- ихчам (фақат кесимдан иборат) гапларнинг эгасини тиклаш;
- содда йиғиқ гаплар (мен келдим)ни содда ёйиқ гап (мен бугун уйга келдим)ларга айлантириш;
- кесимдан сўроқ бериб гапни кенгайтириш;
- содда ёйиқ гаплардан иборат кичик матн ҳосил қла олиш в.ҳ.

Гап турларини ўрганишда берилган ихчам гаплардан содда йиғиқ гап, содда ёйиқ гап, бошланиш қисми берилган гапларни давом эттириш, уларни тенг ва эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида қўшма гапларга айлантириш, қўшма гапларни содда гапларга айлантириш, қўшма гапли матнни содда гапли матнга айлантириш каби ижодий-амалий топшириқлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Гап бўлақлари

Эга мавзусини ўрганишда кесимнинг гапда марказий бўлақ бўлиб келиши, изоҳланади. Бу борада қатор машқларни бажариш мумкин. Хусусан:

- бажарилган ҳаракатнинг эгаси (бажарувчиси, белги соҳиби)ни тиклаш: Келдим, мен келдим);
- унинг қайси сўз туркумига мансублигини аниқлаш; (мен - олмош);
- берилган гапларда гапнинг кесими ва эгасини топиш: **Болалар** мактаб ҳовлисида **ўйнайдилар**. Мазкур гапда эга от сўз туркуми орқали ифодаланган бўлиб, турдош, аниқ, III шахс кўплик, бош келишида келган.

Бундан ташқари, эганинг сўз бирикмаси, кенгайтирилган бирикмалар орқали ҳам ифодаланиши мисоллар воситасида кўрсатилиши зарур: **Оқ олтин** ўз вақтида йиғиб-териш олинди. **Ёш болали аёллар, кексалар** ҳам пахта теримига чиқдилар. Бу гаплардаги “оқ олтин” - (пахта маъносига) сўз бирикмаси “Ёш болали аёл” - кенгайтирилган бирикма ҳолида эга вазифасида

келади.

Кесим мавзусини ўрганиш жараёнида ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакалар мустаҳкамланади, такрорланади ва қуйидаги машқ ва ижодий топшириқлар билан ривожлантирилади:

- кесимнинг феъл, сифат, отдан ташқари сон, олмош, равиш, ибора, ажралмас бирикма билан ифодаланиши: Қош қўяман деб **кўз чиқарма**;

- феъл-кесим, содда ва мураккаб от кесим ва уларнинг ифодаланиши: *Дадам биздан зоятда хурсанд бўлдилар.*

- мураккаб от кесим таркибида боғламанинг қўлланиши: *Бу менинг Ватанимдир*;

- нутқда кесимнинг турларидан ўз ўрнида фойдалана олиш: (Эгалланган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида берилган мисоллар қиёсланади).

Кесим мавзусини ўрганишда содда феъл-кесим билан мураккаб феъл-кесимни қёсий тасниф қилиш, шакли ва мазмунини фарқлаш, ўқувчилар коммуникатив саводхонлик даражасининг ошишига, чиройли ва равон сўзлаш ва матн яратиш маҳоратининг юксалишига сабаб бўлади.

Қуйида содда ва мураккаб кесимларни ажратиш ва тасниф қилиш юзасидан мисоллар берилди:

1. Инсон илми ва одоби билан **шарафланади**.

2. Инсон илми ва одоби билан **шарафланиши даркор**.

Биринчи гапдаги кесим **шарафланади** - содда кесим ҳисобланади; иккинчи гапдаги **шарафланиши даркор** - икки Мустақил компонентдан иборат. Демак содда ва мураккаб кесимларни сўзлар миқдорига қараб осонгина аниқлаш мумкин. Феъл кесимнинг тузилишини баён қилишда содда феъл-кесимни етакчи ва кўмакчи феъл билан ифодаланишига эътибор қаратилиши мумкин.

Мураккаб от-кесим: мураккаб от-кесимнинг қандай сўз билан ифодаланиши, унинг таркибида боғламанинг қўлланиши; шунингдек, бундай ифодадаги боғлама туширилганда, эга ва кесим орасида тиренинг ишлатилишига урғу бериш мақсадга мувофиқдир. Бу борада қатор ижодий-амалий топшириқларни амалга ошириш мумкин:

1. Сабр таги – **сарик олтин**.
2. Музаффар **ваъдасига вафо қилди**.
3. Дилдора **эшикни очиб кирди**.
4. Поёнсиз далалар **оқ либос кийди**.
5. Самимий айтилган сўз **юракка бориб етади**.

Ушбу гаплардан кесимлар аниқланиб, уларнинг содда ва мураккаблиги (**очиб кирди, вафо қилди, сарик олтин**), шунингдек, **ибора** орқали (**оқ либос кийди, юракка бориб етади**) ифодаланиши ҳақида хулоса чиқарилади. Шу билан бирга кесим от билан ифодаланганда, боғлама ё кесимлик қўшимчаси бўлмаса, ёзувда эгадан сўнг тире (—) қўйилиши, кишилиқ олмоши билан ифодаланган эгани алоҳида таъкидлаб кўрсатиш, керак бўлса, эгадан кейин тире (—) қўйилиши (**Сен — етим эмассан!**) таъкидланади.

Мураккаб кесим таркибида боғламанинг қўлланиши ва унинг туширилишига доир Мустақил ижодий-амалий машғулотлар ўтказиш ҳам синтаксис ва пунктуацияга оид билимларни мустаҳкамлаш билан бирга нутқий малакани шакллантириш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

Ҳозирги ўзбек адабий тили таълими — ўқувчиларнинг нутқий фаолиятини ривожлантириш, эркин ва ижодий фикрлаш даражасини юксалтиришни бош мақсад қилиб қўйган экан, бу мураккаб ишни **гап синонимияси** устида ишламай туриб, амалга ошириб бўлмайди. Шу сабабли содда ва қўшма гапларнинг маънодош қаторини тузиш, унинг таркибидаги боғловчи воситаларни муқобиллари билан алмаштириш каби ижодий-амалий топшириқларни бажариш жуда фойдали.

Гап бўлаклари мавзусини ўрганишда эга ва кесим муносабатлари устида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Бундай ижодий-амалий топшириқларни бажариш жараёнида талабаларнинг эга ва кесим ҳақидаги билимлари мустаҳкамланади, кенгайди, фикрлаш фаолияти ривожланади, нутқ шаклланади.

Иккинчи даражали бўлақларни ўрганиш

Иккинчи даражали бўлақларни ўрганиш талабаларнинг муайян грамматик билимга эга бўлишларини талаб қилади. Иккинчи даражали бўлақларга оид мавзулар талабаларнинг сўз бирикмаси, тобе сўзларнинг бош сўзга боғланиши ҳақидаги билимларини такрорлаш ва мустаҳкамлаш билан бошланиши мумкин. Сўнг тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол ҳақидаги билимлар тизимига ўтилади. **Тўлдирувчи** мавзуси юзасидан қуйидаги ишлар бажарилиши мақсадига мувофиқ:

- берилган гаплардан тўлдирувчиларни ажратиш;
- тўлдирувчи ва унинг ифодаланишини изоҳлаш, унинг сўроқлари устида ишлаш; сўз, сўз бирикмаси, кенгайтирилган бирикма ва гап билан ифодаланиши устида амалий ишлар;
- сўз бирикмаси билан ифодаланган тўлдирувчили гапларда ёрдамчи сўзлар, уларда тиниш белгиларнинг ишлатилиши, уларни кенгайтирилган бирикмалар билан алмаштириш устида ишлаш.

Тўлдирувчи ўзи тобе бўлган гап бўлагига бошқарув йўли билан боғланади. Тўлдирувчи ҳақидаги билимлар, феъл кесимга боғланган тўлдирувчили ва тўлдирувчисиз гапларни ўзаро қиёслаш орқали қулайроқ изоҳланиши мумкин.

Тўлдирувчи - кесим, ҳол ва бошқа гап бўлақларига бошқарув усули билан боғланиб, уни тўлдириб келувчи бўлақдир, деб хулоса чиқарилади. Тўлдирувчилар ҳаракат билан предмет орасидаги муносабат характерига кўра икки турли бўлади: **воситали ва воситасиз тўлдирувчи**.

Аниқловчи ҳақида аввалдан ўрганилган билимларни хотирлаш, такрорлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги сўроқларга жавоб олинади:

- Аниқловчи деб нимага айтамыз?
- Аниқловчи неча турга бўлинади?
- Аниқловчи қандай сўроқларга жавоб бўлади?

“Аниқловчи” мавзусини ўрганишда қуйидаги амалий-ижодий топшириқлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1-топшириқ. Сўз бирикмаларида тобе ва ҳоким сўзни аниқлаш (“ҳалол иш” -ҳалол-тобе сўз, иш-ҳоким сўз), ҳоким сўздан тобе сўзга сўроқ бериш орқали аниқловчили бирикмалар ҳосил қилиш, уларнинг қайси сўз туркуми

билан ифодаланаётганини аниқлаш.

2-топшириқ. Гапдан қаратқчли ва ифодаловчили бирикмаларни ажратиб, изоҳланг?

3-топшириқ. Сифатловчи-аниқловчининг сифат, сон, олмош, равиш, сифатдош, от (нарса-буюм материални билдирувчи от) билан ифодаланиши юзасидан амалий-ижодий машғулотларни ташкил қилинг ва бажаринг?

4-топшириқ. Аниқловчининг белгили ва белгисиз келиши ҳолатларини изоҳланг?

5-топшириқ. Аниқловчининг сўз бирикмаси, кенгайтирилган бирикмалар билан ифодаланишига, улар таркибидаги нисбий сўзлар ва тиниш белгиларининг ишлатилишига эътиборни қаратинг?

6-топшириқ. Аниқловчи вазифасида келган гапларни кенгайтирилган бирикмалар билан алмаштиринг ва в.х.

Изоҳловчи

Изоҳловчи-аниқловчининг алоҳида кўриниши. Унда аниқ маънони билдирувчи турдош от - изоҳловчи, умумий маънони билдирувчи от изоҳланмиш бўлади. Изоҳловчилар унвон, касб, лақаб, қариндошлик, ўхшатиш, тахаллусни билдиради: улар орасига кўпинча чизикча қўйилади: инженер-технолог, она-диёр, ижодкор-ўқитувчи, ёзувчи-Ойбек, шоир Шухрат каби.

Ҳолни ўрганиш усуллари

Ҳолни ўрганиш у ҳақидаги билимларни ҳосил қилиш, мустаҳкамлаш, такрорлашдан бошланади. Ҳолни аниқлашда матнда ажратилган сўзларнинг қайси гап бўлаги бўлиб келганлигини кесимдан сўроқ бериб аниқлаш, бу сўзларнинг ҳаракатга нисбатан ўрин, пайт, миқдор, сабаб ва мақсадни ўхшатиш ва чоғиштириш, ҳаракатнинг бажарилиши тартибини ифодаловчи сўзлар каби гуруҳларга ажратиш, мазкур сўзларни маънодош ва уядош сўзлар билан алмаштириш орқали ҳол маъносини ўзгартириш ва шарҳлаш.

Масалан: Қўзғолонда бутун халқ: ўзбек, рус, козок, яҳудий қатнашади.

Олтин сирғалардек шода узумлар:

Ҳусайни, соҳиби, чарос, сўлимлар

Қуёшда товланур шарбатга тўлиб... (Ғ. Ғулом)

Тадбирга ёшлар, кексалар, аёллар-барча қатнашди.

Уюшиқ бўлақларда тиниш белгилари

1. Вергул қўйилмайди. 2. Вергул қўйилади:

_____ ва _____ , _____
_____ ҳам _____ , аммо _____
_____ ҳамда _____ , лекин _____
_____ билан _____ , бироқ _____
_____ ё _____ эмас, _____
_____ ёки _____ -да, _____
_____ -у(-ю) _____ ёки _____ , ёки _____
на _____ на _____ баъзан _____ , баъзан _____
на _____ , на _____
гоҳ _____ , гоҳ _____
ҳам _____ , ҳам _____
бир _____ , бир _____
ё _____ , ё _____

4. Мактабда қўшма гап ва унинг турларини ўрганиш

Қўшма гап синтаксисини ўрганиш ўқувчиларнинг нутқий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиш билан бир қаторда, фикрни нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини, маданий нутқ малакаларини шакллантиради ва ривожлантиради.

Дарсликларимизда қўшма гаплар талқини анчайин мураккаб. У икки ва ундан ортиқ содда гапнинг мазмун, грамматик шакл ва оҳанг асосида бирикувидан тузилади. Унинг таркибидаги содда гаплар бир-бири билан боғловчилар, юкламалар, кўмакчилар, нисбий сўзлар феъл шакллари ва оҳанг орқали боғланади.

Она тили ўқитиш методикасида қўшма гапларни ўрганиш юзасидан анъанавий дарсликдаги машқлар, савол ва топшириқлар 1950 йилларда шакллантирилган ва ҳозирги кунга қадар амалда қўлланилаётган дастур ва дарсликлар талаблари доирасида қолиб кетган эди.

Мазкур ўқув қўлланмада ўзбек тилшунослигининг сўнгги йилларда қўлга киритган ютуқларига таянган ҳолда қўшма гапларни:

1. Фақат оҳанг воситасида боғланган қўшма гаплар.
2. Юклама воситасида боғланган қўшма гаплар.
3. Тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплар.
4. Эргаштирувчи боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплар.
5. Нисбий сўзлар воситасида боғланган қўшма гаплар каби янги таснифларга асосланиб ўрганиш тавсия этилмоқда.

Боғловчисиз қўшма гаплар

Фақат оҳанг воситасида боғланган қўшма гаплар қўшма гапнинг боғловчисиз ёки грамматик воситаларсиз таркиб топишидир.

Масалан: Қорлар эриди, ҳаво юришиб кетди. Яхши ўғил едирар, ёмон ўғил панд берар (мақол). Барвақт қилинган ҳаракат, ҳосилга берар баракат

(мақол).

Юклама воситасида боғланган қўшма гаплар

Ушбу мавзуни ўрганишда, «Юклама» мавзуси юзасидан эгалланган БКМлар қисқа такрорланади. Бунинг учун:

1. Биз Ватанимизни севамиз. Унинг тарихини яхши билмоғимиз лозим.
2. Қўнғироқ чалинди. Машғулотлар бошланди.
3. Соё ёқалаб бироз юрдик. Йўл ўнгга бурилди, гап жуфтлари берилади.

Мустақил иш сифатида берилган содда гаплардан **-ми, -да, -у(-ю), -ку** каби юкламалар воситасида қўшма гаплар тузиш вазифаси топширилади:

1. Биз Ватанимизни севамиз-**ми**, унинг тарихини ҳам билмоғимиз керак.
2. Қўнғироқ чалинди-**ю** машғулотлар бошланди.
3. Соё ёқалаб бироз юрдик-**да**, йўл бўйлаб ўнгга бурилдик.

Тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гап

Мавзуни ўрганишда ўқувчиларга бадиий матнлардан тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гапларни топиш, изоҳлаш, тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплар тузиш, уларни маънодоши билан алмаштириш, тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплар ёрдамида матн тузиш сингари ижодий-амалий топшириқларни бажариш ҳавола қилинади: Намуна.

Қиссадан ҳисса.

Доноларнинг айтишича, уч гуруҳ кишилар билан дўстлик йўлини тутиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчиси – илм аҳли бўлиб, улар ўз ҳаётларини илму одоб билан ўтказган ва ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини тотган бўладилар.

Иккинчиси – бахтиёр табиатли, саодатманд кишилар бўлиб, улар ўз дўстларининг айбларини одамлардан яширадилар ва ҳеч қачон ошкор қлмайдилар. Хилватда дўстдан содир бўлган хатоларни юзларига айтиб берадилар ва улардан ҳеч бир насиҳатларини аямайдилар.

Учинчиси – беғараз ва бетаъма кишилар бўлиб, уларнинг дўстликлари ҳаққий бўлади, бирор фойда топиш эвазига қурилмаган бўлади. Хурсандчиликда бирга бўлгандек, қайғу-кулфат чоғларида ҳам ҳамиша ёнингда бўлади. Уларга доимо суяниш, орқа қилиш мумкин.

(Абдулбаракот Қодирий)

Эргаштирувчи боғловчилар воситасида боғланган қўшма отлар

Мавзуни ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар эътиборига содда гап жуфтлари берилади. Улардан эргаштирувчи боғловчилар воситасида қўшма гаплар тузиш сўралади:

1. Баҳор келди. Қушлар иссиқ ўлкалардан қайтиб кела бошлади.
2. Гулчехра чет тилларини ўрганишни яхши кўради. У рус ва инглиз тилларида яхши гапиради.

Намуна: *Баҳор келди, шунинг учун қушлар иссиқ ўлкалардан қайтиб кела бошладилар...*

Мавзуни ўрганишда боғловчи воситаларни маънодоши билан алмаштириш, эргаштирувчи боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплардаги маъновий муносабатни аниқлаш, улардан ўринли фойдаланиш

каби ижодий-амалий топшириқлар берилади.

Нисбий сўзлар воситасида боғланган қўшма гаплар

Мавзусини ўрганишда ҳам ўқитувчи томонидан танлаб берилган ёки ўқувчилар томонидан тузилган содда йиғиқ ва содда ёйиқ гап жуфтларидан нисбий сўзлар воситасида боғланган қўшма гаплар тузилади.

1. Машиналар қатнови яхшиланди. Кўчалар кенгайтирилди-*Машиналар қатнови яхшиланди деб, кўчалар кенгайтирилди.*

2. **Қаерда** интизом яхши бўлса, **у ерда** ободончилик ҳам бўлади.

3. **Ким** кўп меҳнат қлса, **у** хурматга сазовор бўлади.

Ўқувчилар гапларни таҳлил қилиш орқали нисбий сўзлар (**қайси, шу, ким, ўша, қаерда, шу ерда, деб** каби) боғланган қўшма гапларни ҳосил қилишда муҳим роль ўйнашини билиб оладилар. Бунда нисбий сўзлар фикрни, мазмун ва мақсадни аниқ ифодалаш имконини бераётганини англаб етадилар.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Синтаксис бўлимини ўрганишда қайси жиҳатлар эътиборга олиниши зарур?

2. Синтаксис бўлимида ўқувчилар ўзлаштириши қийин бўлган мавзулар ҳақида маълумот беринг?

3. Сўз бирикмаларини қандай метод ва усуллар билан ўрганиш мумкин?

4. Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари мавзусини ўрганишда самарали бўлган методлар қайсилар?

5. Қўшма гапларни тасниф қилишда қандай хусусиятлар ҳисобга олинади?

6. Боғланган қўшма гаплар мавзусини ўрганишда қайси методлардан фойдаланган маъкул?

7. Эргашган қўшма гаплар ва ундаги қисмларни боғловчи воситаларни тушунтириш усуллари ҳақида маълумот беринг?

8. Эргашган қўшма гапларда тиниш белгиси қандай ишлатилади? Сиз буни ўқувчиларга қандай тушунтирасиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдураимова М. Она тили таълимида илғор педагогик технология. – Т., 2001, 2005.

2. Дўстмуродова О. Она тили таълими янги педагогик технологиясининг моҳияти. – Т., 2005.

3. Нейматов Ҳ., Ғуломов А., Зиёдова Т. Ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш. – Т., 1997.

4. Тўхлиев Б., Шамсиева М., Зиёдова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.

5. Раҳимова О. Она тили дарсларини ташкил этишнинг педагогик технологияси. – Т., 2004.

6. Ғуломов А., Қодиров М. Она тили ўқитиш методикаси. –Т., Фан ва технология, 2012.

7. Ғуломов А

8. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. – Т., 1992.
9. Ғуломов А., Неъматов Х. Она тили таълими мазмуни. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
10. Ғуломов А., Шукуров А. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш. – Т.: Ўқитувчи, 1989.

4-маъруза. Адабий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари, бадиий асарнинг филологик (илмий) ва дидактик (ўқув) таҳлили

Режа:

1. Адабий таълимнинг мақсад ва вазифалари.
2. Филологик таҳлил ва унинг ўзига хос жиҳатлари.
3. Бадиий таҳлилга қўйиладиган талаблар.
4. Филологик (илмий) таҳлилнинг ўқув (дидактик) таҳлилдан фарқи.
5. Бадиий асарнинг ўқув таҳлили тамойиллари.

1. Адабий таълимнинг мақсад ва вазифалари

Адабий таълим асосини адабиёт ўқитишнинг мақсад, вазифалари ҳамда унинг мазмуни тушунчалари ташкил этади. Ҳар қандай педагогик фаолиятга киришишдан олдин *кимни, нима учун, нимани* деган саволларга жавоб бериш зарур. *Кимни* саволи педагогик фаолиятнинг мақсадини, *нима учун* саволи вазифасини ва *нимани* саволи ўқитишнинг мазмунини белгилаб беради.

Комил шахсни шакллантириш адабиёт ўқитишнинг бош мақсади. Бу умумий тушунча бўлиб, истиқболни белгилайди (яъни кимни ўқитилади).

Оддий ўқувчидан китобхон ўқувчини тайёрлаш, болаларни бадиий сўздан таъсирланадиган, унинг жозибасини ҳис этадиган, ҳақиқий бадиий асарни танийдиган, ўқиган асарини таҳлил эта билладиган ва ундан ўзига хулоса чиқаришга қобил, ўз қарашларини оғзаки ва ёзма равон ифода эта оладиган, бадиий асар ўқишни ўзининг биринчи ҳаётий эҳтиёжга айлантирган ўқувчи шахсини шакллантириш бош вазифа сифатида туради. Бу тушунча хусусий бўлиб, жорий фаолиятни белгилайди (яъни нима учун ўқитилади).

Нимани ўқитилиши лозимлиги тўғрисидаги таълим мазмуни ўқувчиларга берилладиган билим ва сингдириладиган амалий кўникмалар директив ҳужжатлар, дарслик ҳамда қўлланмаларда акс эттирилади. Таълим мазмуни концепсия, ўқув дастури, стандарт, дарслик ва қўлланмаларда экс этади.

Таълимда тарбияланувчининг ҳаётий тажрибаси, маълумотларни ўзлаштириш имкониятлари кўп ҳолларда унинг ёш хусусиятига боғлиқдир. Маълумки, маориф тизимида адабий таълимнинг а) бошланғич (1-4-синфлар), б) ўрта синфлар (5-7-синфлар), д) юқори синфлар

(8-9-синфлар), е) ўрта ва ўрта махсус таълим босқичлари (9-10 синфлар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари) мавжуд.

Бошланғич синфларда адабиёт предмети ўқитилмайди. Лекин адабий таълимнинг бошланғич узви бўлмиш “Ўқиш китоби” ўқитилади. Бошланғич синф ўқиш дарсларида адабий-эстетик тарбия бош мақсад сифатида қўйилмайди. Шунинг учун ҳам тизимли тарзда адабий материаллар ҳам берилмайди. Китобда адабий матнлар билан бир қаторда тарих, география, одобнома каби фанларга оид матнлар ҳам берилган. Чунки бу босқичда ўқувчиларнинг:

- а) бехато, равон, ифодали ўқишлари,
- б) ўқиганларини тушуниш, тушунганларини тушунтира олиши,
- в) улар асосида оғзаки нутқни ўстириш,

г) ёзма нутқни ва саводхонлик ривожлантириш асосий мақсад ҳисобланади. Бошланғич синфларда ўрганилган материалларни эстетик ёки тўла равишда дидактик таҳлил қилишни вазифа сифатида белгиланмайди, балки ўқилган матнлардан дидактик хулосалар чиқариши муҳим саналади. Синф ўқувчиларининг савияси, тайёргарлик даражасига кўра 3-4-синфларда матнларни дидактик таҳлиliga кенг ўрин бериш мумкин, шунингдек, эстетик таҳлил унсурларини ҳам кирица бўлади. Бу синфларда шеърлар қофиясини топиш, қофиянинг шеър мусиқийлигини таъминлашдаги аҳамиятига эътибор бериш, сўз ўйинларга диққат қаратиш эстетик таҳлил чизгилари дейиш мумкин.

Ўрта синфларда бошланғич синфларда шакллана бошлаган кўникмалар ривожлантирилади, малака даражасига кўтарилади. Бу босқичда ўрганилаётган асарларни дидактик таҳлил қилиш устувор вазифа бўлиб, эстетик таҳлил олдинги ўринга чиқарилмайди (яъни асосий вазифа сифатида белгиланмайди). Лекин эстетик таҳлил эътибордан соқит ҳам қилинмайди. Диққат қилинса, дастурга кўра 5-синфда даставвал халқ оғзаки ижоди намуналаридан мақоллар, топишмоқлар ва эртақлар дарсликка киритилган. Бу ўқувчилар ёш хусусиятига кўра мантиклидир. Чунки кечагина бошланғич синфдан чиққан болаларни бу адабий материаллар асосида ўқитиш осон, қулай ҳамда кўзланган мақсад, вазифаларга мувофиқ келади. Бошланғич синфдагидан фарқли ўлароқ матнлар тўла дидактас таҳлилга тортилади. Эзгу ишлар, эзгу қаҳрамонлардан ибрат чиқариш, ибратланиш, яхшиларнинг яхшилиги, ёмонларнинг ёмонлиги асоси ва омилларини аниқлаш асарларни ўрганишда етакчилик қилади, қаҳрамонларнинг характерли томонлари, хатти-ҳаракати, гап-сўзлари таҳлилга тортилади. Эртақлардан кейин ривоят, афсоналар, уларга адабий эртақларни, сўнг ёзувчилар ҳикояларини ўрганиш уланиб кетади. Танланган адабий материал сезиларли даражада мураккаблаштирилган. Бола бу ёшда кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой жисмоний, физиологик, ақлий жиҳатдан ривожланиб боради. Демак, ўқитувчининг вазифаси ана шу ўсишга мувофиқ тарзда танланган дарс материали асосида тарбияланувчининг онги ҳамда маънавий тараққиётини таъминлашдир. Бунда асар таҳлиliga қўйилаётган талаб ва шаклни ҳам такомиллаштириб бориш зарурати олдинги ўринга чиқади. Таҳлилда

қиёслаш, солиштириш, зидлаш каби усулларни кенг қўллаб бориш мақсадга мувофиқ. Аввал болалар кўрган мултфилм, кинофилм қахрамонларига, ўрганилган асар образлари, воқелигига қиёслаш учун мурожаат қилинса, аста-секин ҳаётдаги одамлар, воқеа-ҳодисалар, ўқилган бошқа асарлар қахрамонлари, сюжети солиштириш объекти бўлиб хизмат қилади. Бу кейинги синфларда кенг қўламли ҳикоялар, ҳисса ва романдан парчаларни тўлақонли ўрганиш учун замин ҳозирлайди. Кўринадики, таҳлиллаш "юки" 5-синфдан бошлаб мавзудан мавзуга мураккаблашиб боради ва бу ўқувчиларнинг ҳам таҳлиллаш кўникма ва малакаларини ривожланишига асос бўлади. Шунингдек, 5-синф бошларидаги мақол ва топишмоқлардаги аллитерация, уларнинг шеърӣ шаклидаги намуналарининг қофия, радифи, халқ кўшиқларидаги бошқа бадиият унсурлари навбатдаги чоракда ўрганиладиган шеърларни ўрганиш учун замин ҳозирлайди. Бу эса кейинги синфларда берилган назм намуналарини ўзлаштиришга ўқувчиларни тайёрлайди. 5-синф бошларидан аста-секин чораклар, синфлар ўзгарган сайин асарларни ўрганишда дидактик ва эстетик таҳлил нисбати қисқариб боради. 7-синфга келиб адабий материални дидактик ва эстетик таҳлил қилиш тенг пропорцияга келади. Шеърӣ асарларда эса эстетик таҳлил етакчилик қилиши мумкин.

7-синфда халқ оғзаки ижодининг дoston жанри намунаси берилган. Уни ўрганишда эпик жанрлар ҳамда шеърӣ асарларни таҳлиллашдаги ўқувчилар тажрибасига таянилади. Бу синф ёшидаги ўспиринлар дунёқараши, билими, савийи ва ҳаётӣ тажрибалари дostonда тасвирланган эпик кўламини, ўз халқига хос бўлган ахлоқӣ-фалсафӣ қарашларни идрок эта оладилар.

Юқори синфларда асарларни ўрганишда эстетик таҳлил устувор мавқега кўтарилади. Дидактик таҳлил иккиламчи, лекин аҳамият жиҳатдан муҳим бўлган ўринни эгаллайди. Ўқувчилар диққати асарда нима дейилаётганидан кўра фикр қандай айтилаётганига, яъни муаллифнинг маҳоратига, асардаги ифода гўзаллигига қаратилади. Бу синфларда ўрта синфлардан бошлаб асарларни таҳлиллаш малакалари шакллантирилган бўлса, матн устида ишлашни кўпроқ ўқувчиларнинг мустақил ҳолда ўзлари амалга оширишларига диққат қилинади.

Адабий таълим олдидаги бош мақсадга эришиш учун ўқитувчи бадиий асарни ўрганиш йўллари пухта эгаллаб олиши шартдир. Ўқувчиларнинг фикринигина эмас, балки унинг туйғуларини, қалбини ҳиссиётлар оламини ҳам шакллантиришга аҳд қилган адабий таълим бадиий таҳлилсиз ўз муддаосига эриша олмайди. Чинакам бадиий таҳлил бўлмаган жойда адабиёт ўқитиш фақат қуруқ воқеалар баёнидан ёхуд яланғоч ғоялар тавсифидан иборат бўлиб қолади. Бундай ҳолатда эса бадиий матн ўқувчининг қалбига таъсир этмайди, унинг маънавияти шаклланишига ёрдам бера олмайди.

Адабий таълим олдида турган вазифалар ҳам бадиий асарларни чуқур таҳлил этишни талаб қилади. Негаки, мактаб ўқувчиларида китобга муҳаббат ўқилган китобнинг сир-асрорини билгандан кейингина шаклланади. Талаба бадиий асардан лаззат туйса, ўзининг завқини келтирган тасвирий унсурларни пайқай билса, чинакам бадиият намунасини сохта асарлардан

ажрата олиш малакасини эгаллаётган бўлсагина китобхонга айланади. Чунки бирор асарни ўқиш жараёнида, уни таҳлиллаш мобайнида туйилган лаззат ўқувчини бошқа асарларни ўқишга, улардан ҳам завқланишга ундайди.

Адабий асарни таҳлил қила олмаган, бинобарин, ундан таъсирлана билмаган бола маънавий қадриятларга менсимай қарайдиган бўлади. Чунки бундай болага инсонни тушуниш, ўзгани ҳис этиш бегона. Унда тор амалиётчилик, манфаатпарастлик иллатлари ҳуруж қилиш имконияти катта. Шунинг учун ҳам бадиий таҳлил оддий ўқув тадбири эмас, балки ўта муҳим маънавий ҳодисадир. Асл адабиёт намуналарини ўқимайдиган, ҳис қилмайдиган, бадиий образларнинг кечинмаларини туймайдиган, бадиий сўз жозибасидан таъсирланмайдиган ўқувчилар улғайгач, ҳамиша ҳамма нарсани "биладиган", ҳар қандай саволга жавоби "тайёр" турадиган ҳиссиз, юраксиз кишиларга айланишлари мумкин. Ундай одамлар адабиётга фақат кўнгилочар машғулот деб қарайдилар, улар санъат асарларига тўпори тирикчилик мантиқи нуқтаи назаридан ёндашадилар.

Бадиий таҳлилсиз машғулотда адабиёт ўқитувчиси ночорлигича, адабиёт дарслари зерикарилигича, асардан чиқариладиган хулоса "ижтимоий насиҳат"лигича қолаверади. Таҳлил ғариб бўлганлиги учун адабиёт ўқитиш жараёни олдига қўйилган бош мақсад – баркамол шахс шакллантириш амалга ошмайди.

Амалиётда бадиий таҳлил қандай мақсадга йўналтирилганлигига қараб икки турга: филологик (илмий) ва дидактик (ўқув) таҳлилга бўлинади.

2. Филологик таҳлил ва унинг ўзига хос жиҳатлари

Филологик таҳлил адабий асарнинг бадиий мантиғи ва эстетик ўзига хослигини англашга йўналтирилган илмий талқин бўлиб, кучли ҳиссий-интеллектуал фаолиятдир. Илмий таҳлилда бадиий асардан чиқарилган хулосаларнинг адабиётшунослик илми эришган даражаларга мувофиқ келиши талаб этилади. Таҳлил жараёнида билдирилаётган ҳар бир фикр ҳам мантиқий тушунчалар, ҳам эстетик қонуниятлар билан асосланган бўлиши лозимдир. Шунингдек, илмий таҳлилда ўрганилаётган асарнинг умуммиллий адабиётдаги ўрни ва миллий тафаккур тараққиётига таъсири даражаси кўрсатилиши кўзда тутилиши керак. Филологик таҳлил оммабопликдан юқорироқ туриши ва ҳар қандай адабий ҳодиса мутахассис назари билан таҳлил этилишини тақозо қилади. Лекин филологик таҳлилдаги асосий нарса бадиий асарнинг бадиийлигини, таъсирчанлигини таъминлаган жиҳатлари қайсилар, бадиий жозоба, сўз сеҳри, санъатнинг сирли томони нимада эканлигини кўрсата билишдир.

Муаллиф тасвирлаган бадиий манзара билан ўқувчи томони идрок этилган бадиий манзара ҳамиша ҳам адиб истаганидай бўлавермай баъзан ўқувчи адиб мутлақо кўзда тутмаган, хаёлга келтирмаган, муаллифнинг қарашларига зид, аммо ҳаёт ҳақиқати олдида тўғри бўлган бадиий хулосага келиши мумкин. Чунки ҳаётининг вазиятининг ўзгариши, ижтимоий воқеликдаги янги ҳолат баъзан ижодкорнинг оддий интим изҳори дилидан чуқур

ижтимоий маъно топишга олиб келади.

Бадиий таҳлил адабий асарнинг ҳаётий ва бадиий мантиғи ҳамда эстетик жозибасини англашга йўналтирилган илмий фаолиятдир. Адабий таҳлилга шу тарика таъриф берилганда ҳодисага хос деярли барча асосий хусусиятлар қамраб олинади, дейиш мумкин.

Адабий асар таҳлили билан алоҳида шуғулланган мутахассислар кўрсатишларича, амалиётда бадиий асарларга ёндашишнинг генетик типологик ва функционал сингари уч кўриниши мавжуд.

Таҳлил этилаётган асарнинг қайси жиҳатига тадқиқотчи томонидан кўпроқ эътибор қаратилиши бадиий таҳлил йўналишини белгилайдиган омилдир. Филологик таҳлилда фалсафий, психологик ва филологик йўналишлар фарқ қилинади.

Фалсафий йўналиш етакчилик қиладиган бадиий таҳлилда ёзувчининг асарда акс этган дунёқараши, оламни идрок этиш тарзи, дунё ҳодисаларини ва инсонлар ўртасидаги муносабатларни тушуниш ва тушунтириш шакли сингари муаммоларни аниқлашга кўпроқ эътибор қаратилади. Лекин бундай таҳлил бадиий матндан ажралиб қолган фалсафий хулосалар ёхуд мулоҳазалардан иборат бўлиб қолмаслигига эътибор бериш талаб қилинади. Чунончи, бадиий матнга боғланмаган, ижодкорнинг айна ўрганилаётган асаридан келиб чиқмайдиган ҳар қандай "чуқур маъноли" хулоса таҳлил учун мутлақо аҳамият касб этмайди ва ўрганилаётган матннинг на бадиий ва на фалсафий жиҳатини очиб беради.

Бадиий таҳлилнинг **психологик йўналиши**да адибнинг ижодий ўзига хослиги, услуби, ижод жараёнининг психологияси, эстетик маслага ва ижод усулини аниқлаш кўзда тутилади. Бундай таҳлилий йўналишда юқорида саналган жиҳатларининг қай йўсинда бадиий услубга айлангани, эстетик ҳақиқат қиёфасига киргани текширилади.

Адабий асар таҳлилининг **филологик йўналиши**да асосий эътибор ўрганилаётган асарнинг эстетик ҳодиса эканини ҳар жиҳатдан асослашга қаратилади. Бу йўналишдаги таҳлилда ўрганилаётган асар филологик ҳодиса сифатида ҳам тил, ҳам тасвир воситалари ҳамда улар ўртасидаги давомийлик ва новаторлик нуқтаи назаридан текширилади. Сўзнинг ўз ва бадиий маъноси, контекстдаги жозибаси, бадиий матн замирига яширилган маъно ва бу яширилганликнинг ҳам ҳаётий, ҳам эстетик сабаблари сингари бир қатор жиҳатларга эътибор қаратилади.

Бадиий асарни илмий таҳлил этишда матн билан ишлашнинг уч босқичи борлигини кузатиш мумкин. Биринчи босқичда тадқиқотчи бадиий асарнинг ўзи тақдим этмоқчи бўлган талқинини баён этишга имконият ҳозирлайди. Илмий таҳлилнинг иккинчи босқичида бадиий матн талқини берилади ва бу талқин имкон қадар ҳаётий ва бадиий мантиқ нуқтаи назаридан ҳамда оламни эстетик кўра билиш жиҳатидан асосланган бўлишига эътибор қилинади. Учинчи босқичда эса матндан хулоса чиқарилади, асарнинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатилади ҳамда унинг қадриятларимиз тизимидаги ўрни белгилаб берилади.

3. Бадиий таҳлилга қўйиладиган талаблар

Бадиий асарларнинг ҳар қандай таҳлили (у хоҳ илмий таҳлил бўлсин, хоҳ ўқув таҳлили) учун хос бўлган муайян талаблар тизими мавжудки, уларга бўйсунмасликнинг иложи йўқ.

Ҳар қандай адабий таҳлилга қўйиладиган биринчи талаб бу мукаммал тугал таҳлилнинг бўлиши мумкин эмаслигидир.

Иккинчи талаб эса ҳар қандай таҳлилнинг шахсий мулоҳаза характерида бўлиши ва ҳеч қачон мутлақ ҳақиқат даъвосини қилиши мумкин эмаслигидадир.

Адабий асарнинг илмий таҳлили олдига қўйиладиган талаблардан яна бири санъат асарига ғояни ифодалаш воситаси, фикр билдириш йўлигина деб қарамаслик ва унинг махсус эстетик ҳодиса эканини ҳисобга олиш кераклигидир.

Бадиий асарларни филологик таҳлил қилишда амал қилиниши зарур талаблардан яна бири санъат ҳодисаларига реал борлиқнинг нусхаси тарзида муносабатда бўлишнинг мумкин эмаслигидир.

4. Филологик (илмий) таҳлилнинг ўқув (дидактик) таҳлилдан фарқи

Ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда мактабда ўрганилиши кўзда тутилган асарларни илмий ва эстетик жиҳатдан тўғри таҳлил этиш ҳал қилувчи ўрин тутар экан, ўқув таҳлили ва унга хос бўлган хусусиятларни тадқиқ этиш адабий таълим амалиётида муҳим аҳамиятга молик эканлиги табиийдир.

Ҳар қандай дидактик таҳлил илмий таҳлил даражасига кўтарилишга интилади ва филологик таҳлил даражасига етганда ўқув таҳлилидан кўзда тутилган мақсадга тўлиқ эришилган бўлади. Айни вақтда бадиий асарни дидактик таҳлил қилиш филологик таҳлил этишдан жиддий фарқ ҳам қилади.

Ўқув таҳлили илмий таҳлил сингари фақат илмий-эстетик фаолият бўлиб қолмай, балки педагогик-психологик жараён ҳамдир. Чунки педагогик мақсадга йўналтирилганлик ҳар қандай дидактик таҳлилнинг асосий белгисидир. Агар филологик таҳлил ёлғиз олимнинг ақлий фаолияти натижаси бўлса, ўқув таҳлили одамлар билан бевосита мулоқот мобайнида амалга ошириладиган жараёндир.

Ўқув таҳлилини амалга оширишдан мақсад бадиий асарни тўғри қабул этиш орқали ўқувчиларда шахслик сифатларини шакллантириш бўлса, филологик таҳлилдан мақсад асарнинг ҳаётий ва бадиий мантиғи ҳамда эстетик ўзига хослигини имкон қадар тўлиқ очиб беришдан иборатдир. Дидактик таҳлилнинг вазифаси бадиий асарнинг жозибасини, сирини, ўзига хослигини, таъсир кўрсата олиш сабабларини аниқлаш орқали талабаларда таъсирчан қалб, ҳассос туйғулар, соғлом эстетик дид, равон ва ифодали нутқ шакллантириш бўлса, илмий таҳлилнинг вазифаси текширилаётган асарнинг жамият ижтимоий тафаккурига таъсири ва миллий бадиият хазинасида тутган ўрнини аниқлашдан иборатдир. Дидактик таҳлил илмий таҳлилдан

фарқ қилиб, мантикий силлогизм (хулоса, қонуният)ларнинг ўзигагина таяна олмайди. Негаки ўқув таҳлилида ҳамиша маълум ёшдаги, муайян синфдаги, ўзига яраша ҳаётий тажрибага ва ўз ёши ҳамда тараққиёти даражасига мос билимга эга бўлган ўқувчилар билан иш кўришга тўғри келади. Илмий ўқув таҳлили вақт жиҳатидан ҳам чекланган бўлади ва таҳлил доимо бир дарс мобайнида амалга оширилиши лозим бўлган эстетик-мантикий ҳаракатлардан иборат бўлади. Шу маънода ўқув таҳлили мактаб умумпедагогик жараёнининг узвий бир бўлаги ҳисобланади. Филологик таҳлилда тадқиқотчи вақт жиҳатдан ўзини чекламаган ҳолда иш кўради. Таҳлилловчи учун бадиий асарнинг бутун сирини тўлиқ намоён этишдан бўлак мақсад йўқ. Бадиий асарнинг чекланмаган, адоғи йўқ гўзаллиги билан иш кўраётган адабиёт ўқитувчиси эса ўқувчилар ақлий ва ҳиссий имкониятларининг чекланганлиги, муайян асарни ўрганишга ажратилган вақтнинг чегараланганлиги билан ҳамиша ҳисоблашишга мажбур бўлади.

5. Бадиий асарнинг ўқув таҳлили тамойиллари

Ўқув таҳлили муайян шароитларга кўра амал қилиниши лозим бўлган бир қатор тамойилларга асосланади.

Шу тамойиллардан бири **яхлитлик**дир. Бадиий асарни ўқувчилар томонидан яхлитлигича, бутунлигича ҳам ақлий, ҳам ҳиссий идрок этиш ва қабул қилинишига эришиш лозим. Бунда шароитга кўра бир асарни биринкетин икки соатда ўрганишни йўлга қўйиш яхши натижа беради.

Дидактик таҳлилда амал қилиниши зарур бўлган тамойиллардан яна бири **тизимлилик**дир. Мазкур тизимлилик тамойили яхлитлик тамойилининг мантикий давоми бўлиб, бадиий асарни ташкил этган қисмларнинг муайян тизимий кўринишга эга эканлигини кўзда тутуди ва таҳлилда шу ҳолатни ҳисобга олиш кераклигини талаб қилади.

Мактабда ўрганиладиган бадиий асарни таҳлил этишда ҳамиша суяниладиган тамойиллардан бири **тарихийлик** тамойилидир. Таҳлилга тортилган ҳар қандай асарнинг яратилган даврини ва имкони бўлса, бу асарни яратилишига сабаб бўлган асл сабабларни тушунтириш таҳлилнинг тўлақонли бўлишига ёрдам беради. Айни пайтда асар яратилган давр, ундаги эстетик йўналишлар, шунингдек, ёритилган тарихий давр талқини ҳам мазкур тамойил асосида ёркинроқ ойдинлашади.

Адабий асарни дидактик таҳлил қилишдаги асосий тамойиллардан бири **эстетик асосларнинг устиворлиги** тамойилидир. Бадиий асар таҳлилидан асосан гўзаллик, нафосат ва эзгулик қирраларини топа билиш етакчи мавқе тутиши лозим.

Адабий асарларни таълимий таҳлил қилишда **индивидуаллик тамойили** ҳам катта ўрин тутуди. Бадиий асар - ижод маҳсули. Ҳар қандай ижод ҳамиша ҳам алоҳида шахснинг алоҳида фаолияти натижасидир. Бинобарин, алоҳида шахснинг алоҳида ўзига хос, индивидуал фаолияти маҳсули бўлмиш бадиий асарни синфдаги барча ўқувчига бирваракайига, ёппасига бериш, етказиш мумкин эмас. Ижодкор юракдан чиққан ҳосилани

ёш юракка етказиш орқали ўқувчи шахсини шакллантириш адабий таълим олдидаги мақсад ҳисобланар экан, юракнинг умумий бўла олмаслигини, синфдаги ҳар бир ўқувчининг ўзига хос руҳияти, кечинмалар тизими, таъсирчанлик хусусиятлари, эстетик тажрибаси борлигини ҳисобга олиш йўли билангина мақсадга эришиш мумкин эканлиги аён бўлади.

Дидактик таҳлилни самара билан амалга оширишда **ҳиссийлик тамойили** ҳам катта ўрин тутди. Бадиий адабиётнинг ўзи ҳиссиётга асосланган ҳодиса экан, уни ўрганиш жараёни ҳам ҳиссиётга йўғрилган бўлиши табиий ва зарурий бир ҳолатдир.

Дидактик таҳлил ўқувчиларда маънавий қадриятларни шакллантиришга қаратилганлиги учун ҳам унда **педагогик мақсадга йўналтирилганлик тамойили**нинг муҳим ўрин тутиши англашилди. Шу жиҳати билан у филологик таҳлилдан кескин ажралиб туради. Яъни дидактик таҳлилдаги ҳар бир фаолият ўқувчиларда маънавий фазилатларни шакллантиришни кўзда тутишга қаратилади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Адабий таълимнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Бадиий асар таҳлили деганда нимани тушунаси?
3. Таҳлилнинг қандай турлари мавжуд?
4. Филологик таҳлилнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот беринг.
5. Бадиий асарнинг дидактик таҳлили қай тарзда амалга оширилади? Бунда кўпроқ нималарга аҳамият қаратилади?
6. Мактабда бадиий асар таҳлилининг қайси турларидан фойдаланамиз?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ж.Коллер. Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия, 2011.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
3. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Т.: Фан, 2006.
4. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш. – Университет, 2005.
5. Ишоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Зарқалам, 2006.
6. Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Т.: Фан, 2007.
7. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
8. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Т.: Фан, 2006.
9. Қурононов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент, Фан, 2008.
10. Қурононов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, Akademnashr, 2011.

5-майруза. Лирик турдаги асарларни жанр хусусиятларига кўра ўқитиш

1. Мактаб адабий таълимида лирик асарларнинг ўрганилиши ва ўзига хосиги.
2. Мумтоз лирик асарларни жанр хусусиятига кўра ўрганиш.
3. Янги давр ўзбек адабиёти ва жаҳон адабиётига мансуб лирик асарларни ўрганиш.

1. Мактаб адабий таълимида лирик асарларнинг ўрганилиши ва ўзига хосиги

Адабий таълимда лирик тур намуналарига салмоқли ўрин ажратилган. Ўқувчиларга сингдириладиган назарий маълумотларнинг катта қисми ҳам шу адабий тур намуналари билан боғлиқ. Лекин умумий ўрта мактабларда лирика намуналарини ўқитиш силлиқ кечмаётгани, бу борада кўп муаммолар борлиги соҳага дахлдор шахсларга маълум ҳақиқат.

Мактаб адабиёт дастурига назар ташласак, ўрганишга тавсия этилган лирик асарларни, аввало, замон ва макон нуқтаи назаридан, иккинчидан, шеърини тизимга мансублиги жиҳатидан таснифлаш мумкин. Биринчи таснифга кўра лирик асарлар мумтоз адабиёт, янги давр ўзбек адабиёти ҳамда жаҳон адабиёти намуналари тарзида номоён бўлади. Иккинчи таснифга кўра эса аруз шеърини, бармоқдаги шеърлар ҳамда сарбаст намуналаридир. Адабиёт муаллими ўқитишда лирик турнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиши ва улар ҳақида тарбияланувчиларга тушунча бериш билан бирга ҳар бир шеърни ўрганишда давомли тарзда диққат марказида тутмоғи лозим. Лирик турнинг а) вазнга солиниши; б) қофияланиши; с) унда руҳий ҳолат ва кечинмалар қаламга олиниши; д) доимий равишда инверсияга йўл берилиши каби хусусиятлари талқин ва таҳлилда асос бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, мактаб амалиётида лирик асарларни ўқитишда муаллимлар томонидан қатор типик хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Улар қуйидагилар: 1) шеърлар фақат матни билан таништирилиб, деярли таҳлил қилинмаётганлиги; 2) айрим ўқитувчилар лирик асарларни ўрганишда уларни ёдлатиш билан кифояланиб қолаётганлиги; 3) ўқувчиларда лирик тур жанрлари тўғрисида назарий маълумотлар юзаки ўрганилаётганлиги; 4) ифодали ўқиш малакаси шакллантирилмаётганлиги. Аслида бу нуқсонлар адабиёт муаллимнинг илмий-назарий ва методик тайёргарлигидаги камчиликлар билан изоҳланади.

Лирик турни ўқитишда унинг ўзига хос босқичлари бор, улар қуйидагилар: а) шеър матни билан таништириш (бунда ўқитувчининг ўзи ёки ўқувчилардан бири шеърни ифодали ўқиб эшиттиради); б) шеърда ифодаланаётган фикр аниқланади (яъни шоир нима деяпти); с) шеърдаги аниқланган фикр, иштирок этаётган образлардан келиб чиқиб мавзуси белгиланади; в) аниқланган фикрни беришдаги шоирнинг маҳорати таҳлил қилинади. Мисол тариқасида синфлар кесимида бир-иккитадан шеърни олиш

мумкин: 5-синфдан Миртемирнинг “Балиқ ови”, 6-синфдан Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон”, 7-синфдан Ҳамзанинг “Дардига дармон истамас”, 8-синфдан Навоийнинг “Келмади” ғазали, 9-синфдан Абдулла Орипов шеърларидан бирини олиш мумкин.

2. Мумтоз лирик асарларни жанр хусусиятига кўра ўрганиш

Мумтоз лирикани ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари бор. XX асргача бўлган ўзбек адабиётида шеърят асосий, етакчи адабий тур бўлганлиги туфайли адабий таълимда ҳам ўрганиладиган мумтоз намуналарнинг катта қисмини лирик асарлар ташкил этади. Мумтоз жанрларни ўрганишда, аввало, ўқитувчининг ўзида **арузий тафаккур** шаклланган бўлиши керак. Бу эса ўқувчиларда бу зарурий кўникмани шакллантиришнинг асоси эканлиги ойдай равшан. Негаки ўқитувчи ўзида бор нарса беради, шогирдида шакллантиради.

Арузий тафаккур – мумтоз адабиётимизда яратилган асарларга хос вазн ва қофия қолипларига риоя қилиш, ритмика (оҳанг)ни ҳис этиш, қатъий йўсинда шаклланган образлар тизими, улар ўртасидаги муносабатлар, бу образлар атрофида гуруҳланган поэтик воситалар ҳамда тил хусусиятларини англаш, рамзлар ва мажозлар билан фикрлаш демакдир. Арузий тафаккур шакллангандагина ўқитувчининг ўзи мумтоз адабиётни, мумтоз лирикани тушунади ва тушунтира олади.

Дастурларга киритилган шеърларга назар ташласак, асосан асарлар давомида классик шоирлар томонидан кенг қўлланган жанрлардан намуналар ўрганилиши назарда тутилганлигига гувоҳ бўламиз. Охириги дастурга кўра кўйидаги лирик жанрлар ўрганишга тавсия этилган:

Амалда бўлган охириги икки дастурга кўра 5-синфда Бобур рубойлари, 6-синфда Аваз Ўтар ғазаллари, 7-синфда Турдининг “Тор кўнгуллик беклар” ғазали, Увайсий ғазал ва чистонлари, 8-синфда Лутфий ғазаллари ва туюқлари, Алишер Навоий ғазал ва қитъалари, Нодири шеърлари, 9-синфда Бобур ғазал, рубойи, қитъалари; Огаҳий ғазаллари, туюқ, тарих, тарафайн, қитъалари ва ҳоказолар. Кўринадикки, тўққизта лирик тур жанри ўрганилиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, мазкур жанрлар ҳамда мураббаъ, мухаммас ва мусаддас олдинги дастурларга кўра умумтаълим мактаблари дарсликларига киритилган эди. Адабий таълим амалиёти бугунги кунда ҳар бир жанрнинг ўқитилиши юзасидан аниқ амалий тажрибаларда тасдиғини топган, илмий асосланган методик тавсияларга муҳтожлиги барчага аён бир ҳақиқат.

Ғазал қадимдан аждодларимиз ўқиган мактаб, мадрасаларда мунтазам ўқитилиб келинган. Айниқса, кейинги икки асрда Навоий, Сўфи Оллоёр, Машраб ва Ҳувайдо ижоди мактаб, мадраса дастури, ўқув режаларидан мустаҳкам жой олган.

Жорий дастурга кўра ғазал 6-синфдан ўқитилади. Мустақилликнинг дастлабки йиллари қабул қилинган дастурга кўра ҳам ғазаллар 6-синф дарслигидан жой олган эди. Аваз Ўтар “Тил” ғазали ифоданинг унча

мураккаб эмаслиги, бугунги адабий тилга яқинлиги, ўзлашган сўзларнинг камлиги, дидактик мазмунига кўра ўспиринларнинг ёш хусусиятларига, билим ва кўникмалари даражасига мослиги билан адабиёт муаллимларини кониктирган эди. Шунинг учун охириги дастурга Аваз Ўтар шеърлари сирасида ғазалларининг берилганлиги мақсадга мувофиқ бўлган дейиш мумкин.

6-синфда ғазал ҳақида назарий маълумот берилмайди. Лекин уларни ўқиш, таҳлиллаш давомида ўқувчилар жанрнинг тузилиши (байтлардан иборатлиги), қофияланиш тартиби билан танишадилар, ифодали ўқиш асносида унга хос бўлган мусиқийликни туядилар. Энг асосийси, ғазални мисрама-мисра, байтма-байт таҳлил қилиш, маъносини, бадииятини шарҳлаш кўникмаларини шакллантириш бўйича дастлабки қадамлар ташланади. Бу синфда тушунилиши қийин сўзлар, мураккаб синтактик қурилмалар изоҳи берилиши ўзига хос бўлади. Яъни ўқувчига осонлаштириш мақсадида лексик бирликлар билан бирга сўз бирикмалари, жумлалар ва ҳатто мисралар вазиятдан келиб чиқиб луғатда яхлит изоҳланиши мумкин. Масалан, “Тил” шеърининг биринчи байти иккинчи мисраси бўлмиш “Тил воситаи робитаи оламиёндур” жумласи дарсликнинг шу саҳифаси остидаги луғатда “Тил кишилар ўртасидаги алоқа воситасидир” тарзида бутунча, иккинчи байтдаги “ғайр тили” бирикмаси “чет тили”, “саъй қилинг” сўзи “ғайрат қилинг” дея изоҳланаши керак. Айрим форсча изофалар изоҳланмайди. Масалан, учинчи байтдаги “Билмакка ани ғайрат этинг фойдаи кондур”, тўртинчи байтдаги “Онда ўқиганлар бори яктойи замондур” мисраларидаги изофа ва инверсиялар маънолари берилмайди. Болалар ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари ёрдамида уларнинг “Билмоққа ғайрат қилинглари, кони фойдадир”, “Унда ўқиганларнинг барчаси замон яғонасидир” мазмунида эканлигини интуиция – ички сезги, фаҳм ёрдамида англаб оладилар. Умуман адабиёт ўқитувчиси ҳар қандай асар таҳлилида шогирдларида ана шу фазилатни - матндаги сўз, бирикма, жумлаларни ички сезги билан идрок этиш қобилиятини ўстириб бориши лозим.

Жорий дастурга кўра 7-синфда Турдининг “Тор кўнгуллик беклар”, Увайсийнинг “Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман” ғазаллари ўрганилади. 6-синфда жанр билан танишган, дастлабки намунасини ёд олган ўқувчига бу синфда назарий маълумотни тушунтириш бир мунча осон кечади. Алоҳида соат ажратилмаганлиги боис шу синфда биринчи ўрганиладиган ғазал (дастур бўйича Турдининг “Тор кўнгуллик беклар”) таҳлили дарсида дастлабки ўн дақиқада бу маълумотларни ўқувчиларга етказиш ўринли бўлади ёки алоҳида кўшимча дарс ўтказиш мумкин. Назарий маълумотда қуйидаги тушунчалар берилади:

а) ғазал сўзининг луғавий маъноси, жанрнинг мумтоз шеърятда тутган ўрни, яъни атама арабча сўз бўлиб, “аёлларни мақташ, таърифлаш” маъносини бериши, бу жанр қадимдан энг аҳамиятли ва эътиборли шеър шакли бўлиб келганлиги, деярли барча шоирлар унга мурожаат қилганликлари тўғрисида тушунча берилади;

б) ғазалнинг шаклий тузилиши, яъни байтлардан ташкил топиши, матлаъ, мақтаъ ва шоирнинг тахаллуси асосан мақтаъда берилиши дарсликдаги бир ғазал мисолида тушунтирилади;

в) қофияланиши, радиф тўғрисида: асосан а-а, б-а, в-а, г-а... тарзида қофияланиши, мазкур ҳарфлар билан белгиланишининг маъноси олинган ғазал мисолида изоҳланади;

г) ғазалда қаламга олинадиган мавзуларга тўхтанилади, бу шеър шаклида барча мавзулар: ижтимоий-сиёсий, дидактик, пейзаж, нарис-буюмлар таърифи, бирор воқеа ёки шахсларга тавсиф ва ҳоказолар талқин қилиниши мумкинлиги, лекин етакчи мавзу ишқ-муҳаббат эканлиги уқтириб ўтилади;

д) ғазал асосан ишқий мавзуда ёзилганлиги боис бош образлар: ошиқ, маъшуқа, рақиб тўғрисида маълумот бериш мақсадга мувофиқдир.

6-7-синфларда ғазал вазни – аруз тўғрисида тушунча берилмайди. Мумтоз шеърлар шу шеърый тизимда ёзилганлигини қайд этиб ўтиш кифоя.

Ғазалнинг тўлақонли ўқув таҳлили 8- ва 9-синфларда ўтказилади. Таҳлил қуйидаги тартибда олиб борилади:

1. Аввало ғазал ўқитувчи томонидан маромига етказиб (имкон қадар ёддан) ўқиб эшиттирилади.

2. Ғазални тинглагач, биргаликда унинг қандай мавзуда ёзилганлигини аниқлаш лозим.

3. Ғазал қофияси аниқланади.

4. Ғазалда иштирок этаётган асосий образлар аниқланади. Ишқ-муҳаббат мавзусида асосий уч образ бор: ошиқ, маъшуқа (ёр), рақиб. Образларга қараб ғазалнинг тасвирга кўра тури аниқланади.

5. Асосий образлар аниқлаб олингач, ҳар бир бош образ атрофида гуруҳланган иккиламчи образларни ажратиб олмоқ керак.

6. Воқеликни мажоз ва ҳақиқат йўли билан тасвирлашга кўра ўрганилаётган ғазалнинг қайси гуруҳга мансублиги белгилаб олинади.

7. Шундан сўнг ҳар бир байт алоҳида олиниб ўқилади, мазмуни шарҳланади.

9. Агар ўқитувчи бунгача аруз вазни тўғрисида ўқувчиларга тушунча берган бўлса, бу ғазал вазнини топишни топшириқ қилиб берса бўлади.

10. Таҳлил тугагач, адабиёт муаллими ўқувчиларидан ғазалдан олган таассуротларини сўрайди.

11. Вақт бўлса, бир неча ўқувчига ғазални ифодали ўқитиб кўриш керак. Ўқишда уларнинг вазн талабларига риоя қилаётганликлари муҳим.

Рубоий Шарқ адабиётида кенг тарқалган, қалам аҳли орасида баланд нуфузга эга жанрдир. Ўзбек мумтоз шоирларининг бир қанчаси бу жанрда баракали ижод этганлар. Шу сабабли адабий таълимда рубоийда илгаридан давомли тарзда ўқитиб келинган. Мустақиллик йиллари турли дастурлар асосида яратилган 5-10-синф дарсликларидан (8-синф дарслиги бундан мустасно) Навоий, Бобур, Умар Хайём, Паҳлавон Маҳмуд, Мунис, Огаҳий рубоийлари жой олган. Жорий дастурга кўра 5-синфда Бобур рубоийлари ўрганилади.

Ўқувчилар 5-синфда илк бор рубоий билан танишар эканлар, жанрнинг ўзига хос белгилари тўғрисида бошланғич тушунчалар берилади. Бу синфда шеърларни ўрганишга киришишдан олдин рубоий атамаси арабча бўлиб, тўртлик маъносини бериши, лекин ҳар қандай тўртлик рубоий бўлолмаслиги, бунинг учун у аруз вазнидаги ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб тармоқларида ёзилишини қайд этиб ўтиш билан кифояланилади. Шу ўринда фанлараро боғланиш – интеграциядан фойдаланиш ўринли бўлишини биз тажрибаларимиз давомида кузатдик. Мазкур назарий билимларни беришда **геометрик** шакллар, улар тўғрисидаги тушунчалардан фойдаланиш дарсда қулайлик туғдиради. Ўқувчилар бошланғич синфдаёқ квадрат тўғрисида тушунча олганлар ва унинг қоидасини ёддан биладилар. 5-синф ўқувчисининг тўртбурчак ва квадратнинг фарқини билиши оддий тўртлик ва рубоий фарқини тўғри англатишда қўл келади. Масалан, квадрат ва рубоийни қуйидагича солиштириш мумкин. Аввал ўқувчиларга шундай саволлар берилади:

1. Квадрат нима ва тўртбурчак нима?
2. Ҳар қандай тўртбурчакни квадрат дея оламизми?

Жавоб олингач, рубоий таърифига ўтилади. Ўқитувчи рубоий ҳақида дарсликдаги назарий маълумотларни қуйидагича қоида шаклига келтириб, ўқувчилар дафтарига ёздириб қўяди: тўрт мисрадан иборат, ибратли фикрлар, шоирнинг ички кечинмалари, ўй-мулоҳазалари баён этилган, аруз вазнидаги ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб тармоқларида ёзиладиган шеър шаклига рубоий дейилади.

Сўнг икки – геометрик ва адабий тушунча ёнма-ён қўйилиб шундай қиёсланади:

Квадрат тўртбурчакдир, лекин ҳар қандай тўртбурчак квадрат эмас. Квадрат бўлиши учун тўртбурчакнинг тўртала томони тенг бўлиши керак. Рубоий тўртликдир, лекин ҳар қандай тўртлик рубоий эмас. Рубоий бўлиши учун тўртлик аруздаги ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб тармоқларида ёзилиши керак. Буни синф тахтасида ёки ватманга чизилган кўрғазмали курулда ёхуд техника воситалардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган мактабларда проектор орқали қуйидагича акс эттириш мумкин:

Квадрат	Рубоий
Квадрат тўртбурчакдир	Рубоий тўртликдир
Лекин ҳар қандай тўртбурчак квадрат эмас	Лекин ҳар қандай тўртлик рубоий эмас
Квадрат бўлиши учун тўртбурчакнинг тўртала томони тенг бўлиши керак	Рубоий бўлиши учун тўртлик аруздаги ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб тармоқларида ёзилиши керак
Агар тўртала томони тенг	Агар ҳазаж баҳрининг ахрам ва

Адабий таълимда ўрганилиши жиҳатдан рубоидан кейин турувчи жанрлардан бири **туюқдир**. Мустақилликдан кейин чоп этилган дарсликларни кўздан кечирганимизда, уларда туюқ ҳақида бир-бирига уйғун назарий маълумотлар берилган гувоҳ бўламиз. Маълумотларда қуйидаги хусусиятлар қайд этилган:

- бошқа мумтоз шеърият жанрлари арабий, форсий, туркий адабиёт учун бирдек хос бўлса, туюқ биз учун миллий жанр бўлиб, у туркий адабиётда вужудга келган, форс ва араб шеъриятида учрамайди;

- туюқ албатта тўрт мисрадан иборат бўлиши керак;

- рубоийга ўхшаб икки хил: а-а-а-а ёки а-а-б-а тарзида қофияланади;

- албатта арузнинг рамали мусаддаси маҳзуф (ёки мақсур) вазнида ёзилиши шарт;

- қофия бўлиб келган сўзлар албатта тажнис, яъни омоним муносабатида бўлиши талаб қилинади. Айрим китобларда охириги шарт кейинчалик юзага келиб, аста-секин қатъийлашгани, баъзи шоирлар ижодида туюқнинг тажниссиз шакллари ҳам учраши айtilган.

Туюқ жанри ўрганиладиган машғулотда ўқувчиларни аввал юқоридаги назарий маълумотлар билан қуроллантириб, кейин таҳлилга киришиш тўғри бўлади.

Қитъа ҳам адабиёт дарсларида фаол ўрганиладиган жанр бўлиб, кейинги ўн етти йил ичида амалиётда қўлланган дастурларга кўра 9- ва 10-синф дарсликларига киритилган. Қитъа ўзининг аниқ ҳаётийлиги, кундалик турмушга яқинлиги билан лирик турнинг бошқа жанрларидан ажралиб туради.

Ўқитувчи илмий адабиётларда ҳамда дарсликларда бериб келинаётган назарий маълумотларни яхши билиши ва жанр намуналарини ўрганиш жараёнида уларни инобатга олиши, ўқувчиларга сингдириши лозим. Ўқитиш жараёнида қитъа ҳақида таҳлилда асқотадиган илмий-назарий қарашлардан хабардорлик жуда муҳимдир.

Таҳлил ўқитувчи томондангина олиб борилмасдан, йўналтирувчи савол ва топшириқлар, муаммоли саволлар қўйиб, мазкур ечимларга келишда ўқувчиларнинг ўзини қатнаштирмақ дарсинг юксак самараси белгисидир.

Чистон жанри мактаб адабий таълимида Увайсий чистонлари мисолида ўрганилган, ҳозир ҳам бу анъана давом этиб келмоқда: бу жанр намуналари билан ўқувчилар 7-синфда танишадилар. Туркий адабиётда илк чистонлар XV асрда Алишер Навоий томонидан яратилган. Шоиранинг “Анор” чистони эса бу жанрни машҳур қилди. Шунинг учун ҳам адабий таълимга Увайсий чистонлари жалб қилинади.

Олдин дарсликдаги маълумотларга суяниб, чистон ҳақида тушунча берилади. Шундан сўнг шоиранинг учта шеърий жумбоғи – чистонларига эътибор қаратилади. Чистонларни ўрганиш асносида ана шу назарий билим мустаҳкамланади, шоиранинг бу жанр доирасида ҳам ўзини кўрсата

олганлиги таҳлил қилинади.

3. Янги давр ўзбек адабиётига мансуб лирик асарларни ўрганиш

Янги давр ўзбек адабиёти ва жаҳон адабиётига мансуб лирик асарларни ўрганишда замон ва макон воқелиги ҳамда шоирнинг шахсияти (тақдири, дунёқараши каби биографий маълумотлар ҳамда унинг ижодий тафаккурини шаклланишига туртки бўлган) каби омилларга диққат қаратмоқ лозим. Лириканинг белгилловчи хусусиятини адабиёт муаллими ўқувчиларнинг доимий эътиборида тутиб турмоғи керак, яъни бу тур ўзига хослиги сифатида унинг туйғу-кечинмаларни тасвирлаши олинади. Яъни эпос ва драмадан фарқли равишда, лирика воқеликни тасвирламайди, унинг учун воқелик лирик қаҳрамон руҳий кечинмаларининг асоси, уларга туртки берадиган омил сифатидагина аҳамиятлидир. Буни тушунмаган ўқувчи шеърини асардан руҳият, кечинма эмас, воқелик ахтаради.

Шу ўринда ўқитувчи лирик қаҳрамон тушунчасига эътиборли бўлиши керак. Лириканинг асосий образи – лирик қаҳрамон (баъзан у лирик субъект деб ҳам юритилади). Кўпинча лирик қаҳрамон деганда муаллиф тушуниладики, бу ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Зеро, шоир ўзининг кечинмаларини тасвирлаши ҳам, ўзганинг руҳиятига кирган ҳолда ўша «ўзга шахс» кечинмаларини тасвирлаши ҳам мумкин бўлади. Бу ўринда яна бир муҳим масала шуки, шеърда ҳатто шоир ўз кечинмаларини тасвирлаган ҳолда ҳам лирик қаҳрамон билан реал шоир орасига тенглик аломати қўйиб бўлмайди. Демак, муаллим шеърини асарни ўрганишда лирик қаҳрамон муаллифми ёки “ўзга шахс”ми – буни тарбияланувчилар қандай қабул қилаётганлигини назардан қочирмаслиги керак. Бу биографик маълумотларни ҳамда шеърни қанчалик тўғри ўрганишга ҳамда уларни тўғри нисбатлашга боғлиқ. Агар шеърда биографик чизгилар бўлса, ўрганилган биографик маълумотларни ўқувчиларнинг ўзлари топа олишларига эришиш керак. Бунда ўқитувчининг тўғри йўналтирувчи савол ва топшириқларни қўя билиши муҳим. Масалан, 5-синфда Усмон Носирнинг “Ойдин кеча – сутдек оппоқ...” шеърини ўрганишда унинг Болтиқ ва Оқ денгиз бўйларига сафарига боғланишини келтириш мумкин. Чўлпон ва Фитрат шеърининг ўрганишда уларнинг шахсиятидаги ватанпарварлик фазилатига урғу бериш керак бўлади. Айни пайтда уларнинг шеърининг ватанпарвар қаҳрамон уларнинг ўзигана эмас, балки уларга замондош фидоий инсонлар, шунингдек, қайси замонда яшамасин ўз Ватани учун қайғурадиган зотларнинг умумлашма образи эканлиги ўқувчиларга етказилиши шарт. Ҳанрих Ҳайненинг “Онам фон Хелдерн В.Ҳайнега” шеърини ифодаланган онага эҳтиром айни пайтда барча инсонларга хос кечинмадир. Шунингдек, 9-синфда берилган ишқий шеърларидаги руҳий ҳолатлар миллати ва қайси замонда яшашидан қатъи назар ҳамма инсонлар учун умумий кечинмалари эканлигини тарбияланувчилар шеърни таҳлиллаш асносида англашлари ва бунга иқдор бўлишлари керак.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Лирик асарларни ўрганиш жараёнида ўқувчилар қандай мураккабликларга дуч келадилар?
2. Нима учун шеърий асарларни таҳлил қилишда унинг жанрига эътибор қаратиш керак?
3. Мумтоз шеърий асарларни ўргатишда арузга оид қайси тушунчаларни шакллантириш лозим?
4. Замонавий шеърий асарларни ўргатиш жараёнида ўқитувчи қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратиши зарур?
5. Лирик қахрамон ва шоир шахси тушунчасини қандай сингдириш мумкин?
6. Шеърий асарларни таҳлил қилиш жараёнида ўқувчилар қандай адабий-назарий тушунчалар билан қуролланган бўлмоғи зарур?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ж.Коллер. Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия, 2011.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
3. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Т.: Фан, 2006.
4. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш. – Университет, 2005.
5. Ишоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Зарқалам, 2006.
6. Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Т.: Фан, 2007.
7. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
8. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Т.: Фан, 2006.
9. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, Akademnashr, 2011.

6-майруза. Мумтоз адабиёт намуналарини ўргатиш билан боғлиқ мураккабликлар ва уларни бартараф этиш йўллари

Режа:

1. Мумтоз адабиётни ўқитиш билан боғлиқ мураккабликлар.
2. 5-6-синфларда мумтоз адабиёт намуналарини ўргатиш.
3. 7-11 синфларда мумтоз асарларни таҳлил қилиш.

1. Мумтоз адабиётни ўқитиш билан боғлиқ мураккабликлар

Мактабда мумтоз адабиётимизни ўрганиш анча мураккаб ва масъулиятли жараён. Уни муваффақиятли адо этмоқ учун мумтоз адабиётни ўрганишнинг мақсад ва вазифалари, усуллари ва шакллари пухта билиш талаб қилинади.

Мактабда мумтоз адабиётни ўрганиш икки босқичдан ташкил топади: 5-6-синфларда ўқувчилар мумтоз адабиётимизнинг ёрқин намуналари билан таништирилиб, мумтоз бадиий меросимиз ҳақида дастлабки билим ва малакалар ҳосил қилинса, 7-9-синфларда мумтоз шеърят ва наср тарихи, етук ижодкорлар мероси изчил ва чуқур ўрганилади, адабий тараққиёт босқичлари, улардан ҳар бирининг хусусиятлари, ижодкорлар меросининг ғоявий ва бадиий нафосати, бадиий тасвир усуллари, шеър илми анча теран ўзлаштирилади.

Мумтоз адабиётни ўқитиш билан боғлиқ қийинчилик ва мураккабликлар куйидагиларда намоён бўлади:

1. Вазн билан боғлиқ мураккабликлар.
2. Қофия билан боғлиқ мураккабликлар.
3. Тил хусусиятлари юзага келтирадиган тўсиқлар.
4. Образларнинг кўпроқ рамзий ва мажозий характерда эканлиги.
5. Тасаввуфий (рамзий) маънони илғаш мушкуллиги.

2. 5-6-синфларда мумтоз адабиёт намуналарини ўргатиш

5-6-синфларда адабиётнинг сўз санъати эканлиги ҳақида дастлабки маълумотлар ўзлаштирилгач, мумтоз адабиётимиз намуналарини ўрганишга киришилар экан, аввало, дастурда назарда тутилган ижодкорлар ҳаёти ва фаолияти, адабий мероси билан ўқувчиларни таништириш назарда тутилган. Ижодкор ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот беришга бағишланган суҳбат давомида ўрганилиши назарда тутилган асарлар матнини ўзлаштириш ва уларни бадиий таҳлил қилишда қўл келадиган воқеа-ҳодисаларга диққат қилиши, дарсликдаги маълумотни тўлдириши лозим. Масалан, 5-синфда Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти билан алоқадор қатор рубоийларни таҳлил этиш мўлжалланган. ўқитувчи шоир ҳаёти ҳақида сўзлар экан, шу асарларнинг майдонга келишига сабаб бўлган воқеалар: Бобурнинг теурийлар салтанатини сақлаб қолиш учун Шайбонийхон қўшинларига қарши олиб борган муваффақиятсиз курашлари, мағлуб бўлган ҳукмдор

сифатида кўшни Афғонистон ва Ҳиндистонга йўл олиши, ўз хатоларидан афсусланиб, бир умр она Ватан ишқи билан яшаганлиги ҳақидаги лавҳаларга қаратса, улар шоир рубоийлари матнини осонлик билан ўзлаштирадilar.

Мазкур асарга қизиқишни кучайтирадиган яна бир восита уни ифодали ўқишдир. Шеърӣ асарнинг синфда таъсирчан қилиб бадий ўқилиши ўқувчиларни ҳеч қачон лоқайд қолдирмаслиги, уларнинг руҳиятига кириб бориб, ижобӣ таассурот ҳосил қилиши, бу эса асарга қизиқиш кучайтириши кўплаб тажрибалар билан далилланган.

Албатта, мумтоз шеърӣят намуналарини ифодали ўқишнинг ўзига хос мураккабликлари мавжуд. Бу асарларнинг аксарияти аруз ўлчовлари асосида яратилганлиги туфайли мазкур ўлчов хусусиятларидан хабардор ўқитувчиларгина уларни ифодали ўқиб бера оладилар.

Асар матнини ўзлаштириш мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишнинг энг муҳим жиҳатларидан. Таҳлил қилинаётган шеърӣ ёки насрий асар мазмунини пухта ўзлаштирмай туриб, унинг таҳлиliga киришиш - фойдасиз машғулот. ўқувчи асап мазмунини атрофлича англаб етгандагина унинг бадий таҳлилинини ўзлаштира олади. Асар матни устида ишлаш давомида ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида:

- асардаги барча қийин сўзлар мазмунини англаб олишлари;
- шеърӣ асарнинг ҳар бир байти, ҳар қайси мисрасида ифодаланган мазмунни тушуниб етишлари;
- асарда қўлланган ҳар бир тасвирий ифода воситалари, шеърӣ санъатларни аниқлашлари;
- ижодкор тасвирлаган лирик кечинмалар ёки эпик тимсолларнинг етакчи хусусиятлари билан атрофлича танишишлари;
- асарнинг вазни ва қофия тузилиши ҳақида маълумотга эга бўлишлари зарур.

5-6-синфларда мумтоз адабиёт намуналари матнини ўзлаштиришда шеърӣ асар бўлса, байтма-байт, насрий асар бўлса, жумлама-жумла шарҳлаш усули яхши натижа беради. Бу жараён ўқитувчи бошчилигидаги суҳбат тарзида уюштирилгани маъқул. Ўқитувчи саволлари:

- асардаги тушунилиши қийин бўлган сўз ёки иборалар мазмуни;
- мисра ёки байт мазмуни,
- тасвир воситалари тури ҳамда асардаги вазифаси;
- бутун асар мазмуни ҳақида бўлиши мумкин.

Ўқитувчи ўз ҳикоясини фақат дарсликлардаги маълумотлар билангина чекламай, бошқа асарлардан олинган янги тафсилотлар, муҳим фактлар билан тўлдириб борса, айни муддао бўлади. Шунингдек, ҳикоя давомида ижодкор асарларидан танланган аҳамиятли парчаларни ўқиб бериш ҳам дарс самарадорлигини оширади. Бу жараёнда кўрғазмалиликдан кенг фойдаланиш, хусусан, расмлар, хариталар, ёзувчи асарлари нашрлари, альбомлар, магнит ленталаридаги ёзувлар, видеофильмлар ва бошқалардан фойдаланиш, эшиттириш ҳам ҳикоя таъсирчанлигини кучайтиради.

3. 7-11 синфларда мумтоз асарларни таҳлил қилиш

Юқори синфларда бадиий асарлар матнини ўзлаштириш учун ўқитувчи мумтоз лирикага хос, хусусан, муболағали тасвир, мажозий ва истиоравий ифодалар, киноя ва яширин маъно англаувчи иборалар тўғрисида тушунча бериб борсагина, ўқувчилар матн моҳиятини ўзлаштира оладилар. Масалан, Атоийнинг:

Жамолинг васфини қилдим чаманда,

Қизарди гул уёттин анжуманда

ёки Навоийнинг:

Кўзларингдин печи сув келгай деб ўлтурманг мани,

Ким бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади

каби байтларида тасвир мазмунини англаш учун ўқувчилар ҳар икки шоирнинг лирик кечинмалар ифодасида муболаға, ҳусни таълил, ташхис каби усуллардан фойдаланганини билишлари лозим бўлади.

Мазкур лирик асарларнинг ҳар қайсиси кўплаб шеърӣ санъатлар билан безатилган. Бинобарин, ана шу тасвир воситалари мазмунини англаб етмай туриб шеър моҳиятини тушуниб олиши мушкул. Шунинг учун ўқитувчи матн устида ишлаш жараёнида ҳар бир санъат талқини билан таништириб боради. Бундай санъатларни аниқлаш малакасини эгаллагач, ўқувчилар уларни мустақил равишда аниқлай бошлайдилар.

Лирик тимсолларга баҳо бериш ўқитувчининг “Асарда қандай лирик тимсоллар тасвирланган?”, “Лирик қаҳрамон қандай фазилатлар эгаси сифатида кўзга ташланади?” каби саволларига ўқувчилар жавоби жараёнида амалга оширилади. Масалан, 8-синф ўқувчилари Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”сидаги лирик қаҳрамонда мусаффо ва самимий севги, вафо ва садоқат соҳибига хос гўзал фазилатлар мужассамлаштирилгани, Нодиранинг “Фироқнома” асарида эса севиқли ёридан айрилиб фиғон чекаётган аёлга хос садоқат акс эттирилганини мустақил аниқлай оладилар. Шунингдек, 9-синф ўқувчилари Огаҳийнинг “Наврўз”, Фурқатнинг “Фасли навбахор” каби асарларидаги лирик қаҳрамонлар ҳаётни, табиатни, бинобарин гўзалликни севувчи инсонлар эканлигини қийналмай белгилай оладилар.

Лиро-эпик асарлардаги тимсоллар таҳлили ҳамиша ўқувчиларга завқ бақишлайди. Зеро, бу хил асарларда тасвирланган қизиқарли воқеалар, ҳаяжонли бадиий лавҳалар асар қаҳрамонлари қиёфасини очишда кўл келади. Масалан, 7-синфда Алишер Навоийнинг “Меҳр ва Суҳайл” ҳикояси ўрганилар экан, ўқувчилар устоз раҳбарлигида аввало асар қаҳрамонларини аниқлаб, улардан ҳар бирига хос фазилатлар ёки иллатларни белгилайдилар. ўқувчилар Меҳр тимсолига хос жисмоний ва маънавий гўзаллик, садоқат ва жасурлик, Суҳайлга хос мардлик, қаҳрамонлик, вафодорлик, Нодир ва Нўмонларга хос меҳрибонлик билан бир вақтда, Жобирга хос маккорлик, зўравонлик, золимлик, номардлик каби иллатларни аниқлашда фаол иштирок этадилар.

Асар қаҳрамонларига баҳо бериш жараёнида ўқувчиларнинг эркин

фикрлашларига кенг имконият яратиш, баҳс-мунозара усулидан фойдаланиш, тест саволларини кўллаш дарсга кизиқишни кучайтириб, мустақил фикрлаш малакаларининг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Навбатдаги вазифа асарни бадиият нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, ижодкорнинг бадиий салоҳияти: асар композицияси, тимсолларнинг тўлақонлиги, нафосати, оҳанг латофатини яратишдаги маҳоратини ўрганишдан иборатдир.

Назм дарслари ўтилганларни яқунлашнинг мақбул шаклларидадир. Ижодкор ўқитувчиларимиз бу хил машқулотларнинг хилма-хил усулларини дарс жараёнига татбиқ этиб, ижобий натижаларга эришмоқдалар. ўқитувчиларга назм дарсларининг қуйидаги турларини тавсия этамиз:

1. Байт барак (баҳру байт) усулидаги назм дарси. Бу хил машқулотларда ўқувчилар бир ёки бир неча шоир ижодидан байтлар ёдлаб, икки гуруҳга бўлиниб, мусобақалашадилар. Натижада ўрганилган асарлар пухтарок ўзлаштирилади.

2. Ўқувчилар икки гуруҳга бўлиниб, бир ёки бир неча шоир ижоди бўйича баҳслашадилар: бир томондаги ўқувчи байт ёдлайди, иккинчи томондаги гуруҳ унинг қайси асардан олингани, шеърий санъатлари, иложи бўлса, вазни ва қофиясини топадилар. Сўнг иккинчи гуруҳ биринчисига худди шундай топшириқ беради. Мусобақани ўқитувчи яқунлайди.

3. Ўқитувчи синф ўқувчиларининг барчасига бир байт ёзилган карточкалар тарқатади. Икки гуруҳга бўлинган ўқувчилар галма-галдан байтларни ифодали ўқиб таҳлил қиладилар.

Ижодкор ўқитувчилар назм дарсларининг яна бошқа кўринишларини ижод қилишлари мумкин, албатта.

Семинар дарслари у ёки бу ёзувчи ижоди ўрганиб бўлингач, бадиий меросининг энг муҳим масалаларига бағишлаб ўтказилади. Бу хил машқулотни ўтказмоқчи бўлган ўқитувчи аввал мавзуни танлаб, мавзу бўйича семинарга тайёрланишни ўқувчиларга бир-икки ҳафта олдин топширади, семинар дарс саволларини беради, адабиётлар кўрсатади. Дарс жараёнида эса ўқувчилар ўз фикрларини баён қиладилар, бир-бирларини тўлдирадилар. Семинарни ўқитувчи яқунлайди. Бу хил семинар дарсларини 7-синфда “Атоий – садоқат ва вафо куйчиси”, “Навоий – халқпарвар шоир”, “Махмур - моҳир ҳажвчи”, 8-синфда “Юсуф Хос Ҳожиб – маърифатпарвар шоир”, “Навоий – буюк ғазалнавис”, 9-синфда “Навоий “Хамса”си – буюк бадиий хазина”, “Огаҳий - мутафаккир шоир” каби қатор мавзуларда ўтказиш мумкин. Албатта, бу семинарларнинг барчасида асосий диққат шоирлар ижодининг ҳам ғоявий, ҳам бадиий хусусиятларини очишга қаратилади. ўқитувчи ўқувчиларнинг маърузаларига баҳо берар экан, фикрларнинг мустақиллигига алоҳида эътибор беради.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Мактаб адабиёт фани дастуридан мумтоз адабиётнинг қандай жанрларидаги асарлар ўрин олган?
2. Мумтоз асарларни ўргатиш жараёнида юзага келадиган мураккабликлар ҳақида маълумот беринг?
3. 5-6 синфларда мумтоз адабиётни ўргатишда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш лозим?
4. Юқори синфларда ғазаллар таҳлили жараёнида ўқувчилар қандай адабий-назарий тушунчаларни эгаллаган бўлиши керак?
5. Мумтоз адабий асарларни таҳлил қилиш учун арузга доир қандай билимларни ишга солиш зарур деб ҳисоблайсиз?
6. Мумтоз асарлар таҳлили жараёнида қайси луғатлардан фойдаланиш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ж.Коллер. Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия, 2011.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
3. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Т.: Фан, 2006.
4. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш. – Университет, 2005.
5. Ишоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Зарқалам, 2006.
6. Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Т.: Фан, 2007.
7. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
8. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Т.: Фан, 2006.
9. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, Akademnashr, 2011.

7-маъруза. Адабий жараён, адабий танқид ва методика соҳасидаги янгиликлар билан танишиб боришнинг зарурати

Режа:

1. Ҳозирги адабий жараён ҳақида маълумот.
2. Адабий танқид ва танқидчилик анъаналари.
3. Мактаб адабий таълими муаммолари.

1. Ҳозирги адабий жараён ҳақида маълумот

Адабиётшуносликнинг асосини бадиий адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адабий танқид белгилайди. Маълумки, адабиёт ва санъат асарлари жамият тараққиётининг муайян босқичларида унинг эҳтиёжлари туфайли юзага келиб мазкур жамият ҳаётини ифодалаб, муайян эстетик тарбиявий вазифани бажаради, айна пайтда кейинги авлодлар учун ҳам маънавий бойлик сифатида хизмат қилади. Муайян ижтимоий тузум ўрнига янги ижтимоий тузум майдонга келиши мумкин, аммо адабиёт ва санъат асарлари ёқолиб кетмайди, балки улар умуминсоний идеалларни акс эттириб, муайян даврга, мамлакатга, халққа мансуб бўлгани учун у тарихий ва адабийдир. Зеро, тузумлар йўқолиб кетиши мумкин, лекин ўша шароитда яратилган энг яхши асарлар мангу қолади.

Адабиёт ва санъатнинг узлуксиз тараққиёти, ривожланиши, бойиб бориши, янги-янги адабий шаклларнинг майдонга келиши, турли ижодий, адабий оқимлар пайдо бўлиши ва ўзаро курашлар адабий жараённи ташкил этади.

Адабий жараён дейилганда маълум бир даврдаги адабиётнинг тараққиёт даври, унинг асосий хусусиятлари, ундаги ижодкорлар, шу даврдаги адабий оқимлар, улар ўртасидаги курашлар тушунилади. Адабий жараён тушунчаси тор ва кенг маънода қўлланилади. Тор маънода қўлланилган ҳолатда мазкур атама бугунги адабиёт билан боғлиқ барча нарса-ҳодисаларни англатади. Кенг маънода ишлатганимизда адабий жараён энг қадимги даврлардан то шу кунларга қадар узлуксиз ривожланиб келаётган адабиётни, у билан боғлиқ барча нарса-ҳодисаларни назарда тутлади.

Адабий жараённинг ҳолати ва ривожига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида гапирганда аввало шуни айтиш керакки, адабиётнинг тараққиёт даражаси жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиёт даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Ўзбек адабиёти тараққиёти давомида турли адабий жараёнлар мавжуд бўлиб улар ўз хусусияти, тараққиёти даражасига кўра бири иккинчисидан фарқ қилади.

Адабий жараён ва ижодий жараён тушунчалари алоҳида тушуничалардир. Ижодий жараён дейилганда маълум бир асарнинг яратилиши ҳақидаги ниятнинг пайдо бўлганидан тортиб, ўша асар нашр қилингунга қадар бўлган давр тушунилади. Ижодий жараён ҳар бир ижодкорда турлича кечиши мумкин.

Адабий жараёнда кишилар фақат ўзларидан аввалги адабий тараққиётнинг натижаларини ўзлаштириб қолмасдан, балки унга ўз улушларини қўшадилар. Бу нарса адабий жараённинг ривожланишини белгилайди. Адабиёт тараққиётининг муҳим қонунларидан бири шундаки, у янги-янги асарлар ҳисобига тўхтовсиз бойиб боради.

Адабий жараёнда (образ ва ҳаётининг манзара яратиш, тасвирий воситалардан фойдаланиш кабилар) бўладики, бу анъаналарни қандай бўлса шундайлигича давом эттириш мумкин эмас. Ижодкор адабий мерос тажрибаларини ижодий ривожлантириши зарур.

Ҳозирги адабий жараённинг муҳим хусусияти миллий мафкурага таяниши, ижодкорларнинг турли андозалардан холи экани, жаҳид адабиёти, шўро адабиётидан фарқли ўлароқ, истиқлол даври адабиётининг майдонга келиши билан характерланади. Ҳозирги адабий жараёнда эски тушунчалар чилпарчин бўлиб, янги шакллар, янги қарашлар юзага келмоқда. Халқимиз тарихида муҳим рол ўйнаган Амир Темур, Бобур, Имом Бухорий, Ҳўжа Аҳрор каби кишилар ҳаёти ва ижодига одилона баҳо берилмоқда.

Ҳозирги даврда яратилаётган асарларда дин аҳли вакиллари янги муносабат шаклланмоқда. Илгари босмачи деб аталган миллий истиқлол курашчиларига муносабат ўзгармоқда.

Ҳозирги адабий жараёнда ижоди қатағон этилган Чўлпон, Фитрат, Авлоний сингари ижодкорлар асарлари нашр этилмоқда, ўрганилмоқда.

Тарихий тараққиёт давомида адабиётда содир бўлаётган ўзгаришлар хилма-хил бўлиб, уларни бадиий асарнинг ғоявий-тематик мазмунида аниқ сезиш мумкин. Чунончи, ҳар бир давр бадиий адабиётда ўз изини қолдиради, тўғрироғи ҳар бир даврнинг адабиёт олдига қўядиган талаблари тематикаси бўлади.

Бадиий адабиётда ғоявий-тематик мазмуннинг доимо ўзгариб туриши ва кишилик жамиятининг маданий тараққиёти натижасида бадиий тасвирлаш усуллари ҳам, воситалари ҳам ўзгариб боради. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётда хилма-хил турлар, жанрлар, турли усуллар, оқимлар, ёналишлар классисизм, сентиментализм, романтизм реализм ва бошқалар), турли методлар (ҳаётни акс эттириш принциплари) пайдо бўлади. Бадиий нутқни айрим усуллари янгиланади, янги лексика, шеър тузилишининг янги формалари яратилади.

Демак, адабий жараён, асосан икки йўналиш бўйича давом этади. Биринчидан, бадиий асарларнинг ғоявий-тематик мазмуни ўзгариб туради, иккинчидан, шунга мувофиқ, бадиий тасвир усуллари ҳам янгиланади.

Ҳозирги адабий жараён курсининг мақсади талабаларни истиқлол йиллари адабий ҳаётида рўй бераётган янгиликлардан хабардор қилиш, энг сўнгги бадиий асарларни мунтазам ўқиб боришга ўргатиш ҳисобланади. Шундай бўлсада, курсда ҳозирги адабий жараённи XXI аср инсоният бадиий тафаккуридаги сўз санъатининг энг гўзал анъаналаридан, самарадор тамойилларидан узиб олган ҳолда эмас, балки узвий алоқадорликда, боғлиқликда талқин этилади.

Адабий танқид ҳозирги адабий жараён билан ҳамнафасликда шиддат

билан ривожланиб бораётганлигини яратилаётган илмий рисоалар, адабий танқидий мақолалар, адабий портретлар ва тадқиқотлар орқали кўришимиз мумкин. Ҳозирги ўзбек шеърляти, насри ва драматургиясининг тараққиёт тенденциялари, етакчи тамойиллари қатор ўзбек мунаққидлари томонидан ҳар томонлама чуқур ўрганилаётганлигини Умарали Норматов, Бахтиёр Назаров, Қозоқбой Йўлдошев, Наим Каримов, Дилмурод Қуронов, Улуғбек Ҳамдам сингари олимларнинг яратган қатор рисоалари орқали кузатамиз.

Адабиётшунос олимлар Н.Раҳимжонов, Б.Каримов, И.Мирзаев, С.Содиқов, А.Улуғов ҳам ҳозирги адабий жараённинг долзарб муаммоларини ўрганувчи илмий тадқиқот ишлари, монография, адабий танқидий мақолалари билан ҳозирги ўзбек танқидчилиги равнақига ҳисса қўшиб келаётир.

Яхши биламизки, адабий танқиднинг тақриз, адабий шарҳ, адабий биографик очерк, адабий портрет, бадиа, муаммоли мақола сингари жанрлари мавжуд. Айни чоғда, танқидда қадимдан учта услубий йўналиш бўлган: фалсафий, илмий публицистик ва шоирона. Бугунги кунда ана шу барча услубий йўналишлар ўзбек танқидчилиги теварагида адабий жараённинг муҳим муаммоларини таҳлил ва талқин қилишга ёъналтирилганлиги билан диққатга сазовор.

2. Адабий танқид ва танқидчилик анъаналари

Адабий танқид адабиётшунослик илмининг адабиёт тарихи, адабиёт назарияси соҳалари қаторидаги муҳим таркибий қисми саналади. Бироқ бу фикрга ҳамма ҳам қўшилавермайди: айрим мутахассислар уни адабий-бадий ижоднинг бир кўриниши деб ҳисобласалар, бошқа бирлари кўпроқ публицистикага мансуб этадилар. Тан олиш керакки, қарашларда бундай турличалик бўлишига муайян асослар ҳам йўқ эмас. Бу нарса, аввало, адабий танқиднинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Мазкур ўзига хослик шундаки, адабий танқид адабиётшунослик илми, адабий-бадий ижод ва публицистикага хос хусусиятларни ўзида мужассам этади. Шунга қарамасдан, адабий танқидни адабиётшуносликнинг таркибий қисми сифатида тушунилгани тўғрироқ бўлади ва қуйида биз шу хил қарашни асослашга ҳаракат қиламиз.

Аввало, адабий танқид жорий адабий жараён муаммолари ёхуд муайян бадий асарни ўрганар экан, бунда адабиётшунослик илмининг ютуқларига таянади. Зеро, танқидчи ўз мақсадига эришиш, айтайлик, янги пайдо бўлган асарнинг ғоявий-бадий хусусиятларини очиб бериш, уни бугунги ижтимоий-естетик тафаккур нуқтаи назаридан баҳолаш учун муайян адабий-назарий тайёргарликка эга бўлиши тақозо этилади. Тўғри, баъзи адабий-танқидий асарлар билан танишганимизда, сиртдан қаралса, улар илмийликдан йироқдек туюлиши, уларнинг ифода йўсини ҳам илмийликдан кўра бадийлик (ёки публицистиклик) томон кўпроқ тортиб кетаётгандек кўриниши мумкин. Бироқ, шунда ҳам, муаллифнинг эркин ижодий мулоҳазалари остида адабий-назарий асос мавжуд бўлади. Бусиз мумкин ҳам

эмас. Нимага деганда, муайян адабий-назарий асосга эга бўлмаган ҳолда бадиий асарни (ёки адабий жараёни) таҳлил қилиш, уни баҳолаш мумкин бўлмаган ишдир. Демак, модомики адабий танқиднинг ўрганиш объекти (жорий адабий жараён ва унинг маҳсули бўлмиш адабий асар) ва уни ўрганишнинг илмий-назарий асослари, усуллари (методлари) мавжуд экан, у илмга алоқадордир. Буни адабий танқиднинг адабиётшунослик илми тизимида ўзига хос ўрни, унинг бошқа таркибий қисмлари билан мустаҳкам ўзаро алоқаси мавжудлиги ҳам яна бир бор тасдиқлайди. Зеро, адабий танқид ўз фаолиятида адабиёт назарияси ва адабиёт тарихи ютуқларига таяниб иш кўрса, унинг фаолияти бу иккиси учун манба бўлиб хизмат қилади. Масалан, адабий танқид жорий адабий жараён муаммоларини тадқиқ этади, янги пайдо бўлган асарларнинг ғоявий-бадиий жиҳатларини таҳлил қилади. Бу жараёнда у давр адабиётига хос хусусиятларни, бадиий тафаккурдаги силжишларни, поетик тил, усул ва воситалардаги тадрижий ўзгаришларни қайд этади, муайян хулосаларни чиқаради. Адабий танқид юритган мулоҳазалар, чиқарган хулосаларни эса адабиёт назарияси умумлаштиради, шу асосда бадиий адабиётга оид мавжуд умумий қонуниятларга таҳрирлар киритади, ривожлантиради. Шунга ўхшаш, бугунги адабий танқиднинг фаолияти вақти келиб адабиёт тарихининг ўрганиш объектига айланиб қолиши ҳам тайин. Чунки муайян давр адабий жараёнини ўша даврда эълон қилинган адабий-танқидий материалларсиз тўла тасаввур қилиш, холис илмий ўрганиш мумкин эмас. Масалан, 20-30-йиллар адабиётини тадқиқ этаётган адабиёт тарихчиси ўша давр адабий жараёни хусусиятлари, ундаги турли ғоявий-адабий оқимлар орасидаги кураш, давр ижтимоий ва бадиий-эстетик тафаккурида юз берган силжишлар ҳақида адабий танқидий чиқишларни ўрганиш орқали тасаввур ҳосил қила олади. Яъни, ўша давр адабиётини ўрганиш, у ҳақда тўла тасаввур ҳосил қилиш учун А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари катта авлод, Ғ.Ғуллом, Ойбек, Ҳ.Олимжон сингари адабиётга эндигина қадам қўйган ижодкорлар фаолияти ва асарларини билишнинг ўзи камлик қилади. Мазкур адабий жараёни етарли идрок қилиш учун ўша давр пешқадам танқидчилари В.Маҳмуд, А.Саъдий, О.Ҳошим, С.Ҳусайн кабилар ижодини ҳам ўрганиш зарур эҳтиёж касб этади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, адабий танқиднинг юқоридагича ўзига хослиги (оралиқ ҳодиса эканлиги), бир томондан, унинг объекти, иккинчи томондан, мақсад-моҳияти билан белгиланади. Адабий танқиднинг ўрганиш объекти адабий-бадиий асар бўлгани учун ҳам у бошқа илм соҳаларидаги сингари аниқлик, тугал исботланганлик даъвосини қилолмайди. Шу боис ҳам аниқ ёки табиий фанлар билан машғул айрим дўстларимиз (гоҳ ҳазил, гоҳ чини билан) айна шу нарсани рўкач қилган ҳолда адабий танқидни (ҳатто, умуман, адабиётшуносликни) илм санамасликка чоғланадиларки, бу жуда янглиш тасаввурдир. Табиийки, бу ўринда мазкур фанларнинг ўрганиш объекти билан адабиётшуносликнинг ўрганиш объекти орасидаги фарқни эътиборга олиш зарур. Яхши биласизки, табиатдаги муайян ҳодисани ўрганган икки физик айнан бир хил хулоса-ҳукмларга келиши мумкин, бироқ битта асарни таҳлилу талқин қилган икки мунаққиднинг айна бир хил ҳукм-

хулосаларга келиши қийин. Бу табиий ҳам. Чунки биттагина бадиий асарнинг турли кишилар томонидан турлича тушунилиши ҳам, турли даврларда турлича тушунилиши мумкинлиги ҳам аллақачон илмий ва амалий исботини топган ҳақиқатдир. Иккинчи томондан, ўрганиш объекти бадиий асар бўлгани учун танқидчининг бошқа илм соҳаларидаги сингари тушунчалар воситасидагина фикрлаши камлик қилади. У айрим ўринларда бадиий ижодга хос образли фикр юритиши, ақлий мушоҳада билан бир қаторда ҳиссий мушоҳадага ҳам таяниши табиийдир.

Адабий танқид - ижодкор билан ўқувчи омма орасидаги кўприк. Шунга кўра, бошқа фан соҳаларидан фарқли ўлароқ, адабий танқидий асар тор мутахассислар доирасига эмас, кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланади. Бу ҳам унинг бир қатор ўзига хос жиҳатларини келтириб чиқаради. Жумладан, кўпчиликка мўлжалланган асарнинг тили, услуби ҳам шунга мос бўлмоғи тақозо қилинади. Демак, адабий-танқидий асар бу жиҳатдан ҳатто мутахассисларга мўлжалланган адабиётшуносликка оид соф илмий асардан ҳам фарқланиши табиий. Масалан, адабий-танқидий асарда адабиёт назариясига оид асарлардаги каби мураккаб илмий терминлар ножиоз, мунаққиднинг ўз ўқувчисини доим назарда тутиши талаб этилади. Бошқа томони, адабий танқид ўқувчи оммага маълум бир фикрни сингдириш, унинг қарашларига таъсир қилиш, бадиий дидини юксалтириш каби мақсадларни кўзлайдики, бу унинг услубини публицистикага яқинлаштиради. Фаолияти вақтли нашрлар билан боғлиқлиги, ўрганиш объекти жорий адабий жараён ва янги пайдо бўлган асарлар бўлгани учун ҳам, худди публицистик асарлар сингари, адабий-танқидий асарлар тез "эскиради". Бу табиий ҳам. Чунки адабий танқид бадиий асарни бугунги кун нуқтаи назаридан текширади, унинг хулосалари бугунги адабий жараёнга, бугунги ижтимоий-эстетик эҳтиёжга қаратилгандир. Булар эса, табиийки, ўткинчидир. Эртанги кун янги ижтимоий-эстетик эҳтиёжларни пайдо қилади, эртанги адабий жараён хусусиятлари ҳам, муаммолар доираси ҳам ўзгарган бўлади. Бироқ "эскиради" дегани буткул аҳамиятини йўқотади дегани эмас. Чунки "ертага эскирадиган" адабий-танқидий асарлар бугунги адабиётнинг факти сифатида яшайверади, адабиётшунослик учун манба сифатида янги қийматга эга бўлиб қолаверади.

Адабий танқид ўқувчи омма билан бир қаторда ижодкорларга ҳам муайян таъсир кўрсатади. Аввало, танқид асарнинг ютуқ камчиликларини кўрсатаркан, ижодкорнинг ўз асарига сиртдан қарашига имкон яратади. Агар танқидчи асарни холислик ва хайрхоҳлик билан таҳлил қилган бўлса, ижодкор ўз асарида очилмай қолган имкониятларни ҳам, қиёмага этмай қолган топилмаларни ҳам, "ёпишмай турган гажжаклар"ни ҳам кўра олади. Табиийки, танқидчи воситасида сиртдан ташланган назар асарни қайта ишлаб сайқаллаш, шунингдек, навбатдаги асарлар устида ишлаш чоғи ижодкорга фойда бериши тайин. Яъни, аслида тўғри йўлга қўйилган ижодкор - танқидчи муносабати том маънодаги ҳамкорлик, сўз санъатини юксалтириш мақсадида амалга оширилувчи ҳамкорликдаги фаолиятдир.

3. Мактаб адабий таълими муаммолари

Мактаблардаги таълим ва тарбия тузилишини ҳам қайта қуриб, истиқлол даври талабларига мувофиқлаштириш ҳозирги долзарб вазифалардандир.

Шуни айтиш керакки, келажак авлодни етук шахс сифатида тарбиялашда адабий таълимнинг роли бекиёсдир. Шу боис мактаб ўқитувчилари адабиётни ўқитиш масаласига алоҳида эътибор бермоқлари лозим. Бу ўринда уларнинг ўзлари сиёсий жиҳатдан саводли, салоҳиятли бўлишлари ва ўз устиларида тинимсиз ишлашлари керак. Сабаби, бугунги кунда ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган тил ва адабиёт ўқитувчиларининг асосий қисми олий ўқув юртларида собиқ совет тузуми даврида маълумот олган мутахассислардир. Бизнингча, бундан 10-15 йил олдин ўзбек тили ва адабиётдан дарс берган ўқитувчи билан ҳозирги пайтда мактаб тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ўртасида муҳим бир фарқ борлигини қалбан ҳис қилмай туриб, маориф соҳасида ишлаш мумкин эмас: аввалги пайтларда ўқитувчидан, асосан, дарсликдаги маълумотларни қайта сўзлаш орқали ўқувчига тушунтириш талаб қилинса, ҳозирги пайтда кўпроқ ўзининг илмий ёндашуви натижасида пайдо бўлган маълумотларни ҳам тушунтира олиш кўникмасига эгаллик қилиши, кўпроқ ўқувчини мустақил ишлашга ўргатиш лозимлиги назарда тутилмоқда.

Адабиёт ўқитишни қайта қуришнинг муҳим жиҳатларидан бири уни сўз санъати сифатида ўрганишга ўтишдир. Маълумки, шўро даври мактаблардаги адабиёт дарслари бўлажак авлодни коммунистик руҳда тарбиялашнинг асосий воситаларидан бирига айлантирилди, бадиий асарлар, асосан, ғоявий жиҳатдан таҳлил қилиниб, коммунистик жамият қурувчиларининг ахлоқ кодексига таъкидланган «маънавий фазилатлар»ни ўқувчилар онгига сингдириш вазифаси изчил амалга оширилиб келинди, ёзувчилар асарлари бадиий аҳамиятига кўра эмас, балки ғоявий йўналишига кўра танланди. Натижада ўқувчилар бадиий адабиётни «одобнома» сифатидагина ўрганиб, унинг сўз санъати сифатидаги нафосатидан маҳрум бўлиб қолдилар, бадиий адабиётнинг ўзига хос қонунлари, бадиий маҳорат сирлари, бадиий услуб қуролларидан беҳабар қолдилар.

Эндиги вазифа ана шу камчиликка барҳам бериб, дарслар жараёнида сўз санъатини атрофлича ўрганиш, унга бир умрлик муҳаббат уйғотишдан иборатдир.

Бадиий адабиётни сўз санъати сифатида ўрганиш, аввало, дарслар давомида бадиий асар матнини чуқур ўрганиш билан боғлиқдир. Дарслар давомида кўпроқ шеърӣ ва насрий асарларни ифодали ўқиш, ёдлаш бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, ўқитувчининг ёддан шеърӣ ва насрий асарларни таъсирли қилиб ўқиб бериши, ўқувчиларни кўпроқ шеърӣ ва насрий асарларни ёд олиб, уларни бадиий ўқишга ўргатиб бориши, мактабда шеърхонлик танловлари, шеърӣ байрамларини тез-тез ўтказиб туриши ҳам бу жиҳатдан муҳимдир. Адабиётни сўз санъати сифатида ўрганишнинг яна бир қирраси ўқувчиларни бадиий адабиёт оламига, ёзувчи ижодхонасига олиб кириш, бадиий асарнинг яратилиш тарихи, жараёни

билан таништириб боришдир. ўқувчилар бу ҳақида қанчалик чуқур маълумот, тасаввур олсалар, ижодкор меҳнатига, унинг асарига умуман бадиий ижодга шунчалик эҳтиром ва қизиқиш билан қарайдилар. Дарслар давомида у ёки бу асарни ўрганишдан олдин унинг яратилиш тарихи ҳақида кенгроқ маълумот бериш, бу ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиш ана шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Машраб, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Чўлпон, Абдулла Қодирӣ, Эркин Воҳидов каби ёзувчилар асарларининг яратилиш тарихини ўрганиш ўқувчилар учун ғоят фойдалидир. Адабиёт дастурларида ҳам бу хил масалаларга алоҳида диққат қилиш зарур. Адабиёт ўқитишни қайта қуришнинг, хусусан, уни сўз санъати сифатида ўрганишнинг яна бир жиҳати дарслар жараёнида бадиий таҳлилга кенг ўрин беришдан иборатдир. Маълумки, ўтган 70 йил давомида бу масала ҳамиша эътибордан четда қолиб келди. ўқувчилар ҳар қайси шоир, ёзувчи, драматургнинг ўз асарларида нималарни ва кимларни тасвирлагани, қаҳрамонларидан ҳар бири қандай қиёфага эга экани билан атрофлича танишдилар-у, лекин бу асарлар қандай яратилгани, уларнинг бадиий ўзига хослиги, ижодкорнинг бадиий маҳоратини ўрганмадилар. Эндиликда бу нуқсонга барҳам берилиши, ғоявий таҳлил бадиий таҳлил билан қўшиб олиб борилиши зарур.

Дарслар давомида ҳар қайси ижодкорнинг ўзига хос услуби, лирик ва эпик қаҳрамонлар қиёфасини чизиш усуллари, бадиий тимсолларнинг миллий, индивидуал хусусиятлари, уларнинг руҳияти тасвири, бадиий воситаларнинг тимсолни яратишдаги ўрни ва аҳамияти, шеърӣ асарларда вазн ва қофиянинг бадиийликни таъминлашдаги хизмати каби масалалар атрофлича ўрганилиши лозим.

Мактабда адабиёт ўқитишни қайта қуриш ва такомиллаштириш қирраларидан яна бири ўқитиш усуллари танилаш масаласи билан боғлиқ. Маълумки, кўп йиллардан бери бадиий адабиётни ўрганишнинг ҳукмрон усули маъруза бўлиб келди. Ҳозир ҳам кўп мактабларда шу усул қўлланиб келади.

Ваҳоланки, 50-йиллардаёқ Субутоӣ Долимов каби етакчи услубчилар адабиётни ўтишни ҳам назарӣ, ҳам амалӣ жиҳатдан асослаб бергандилар.

Маъруза жараёнида ўқувчилар фақат тингловчи бўлиб қолиб, ўқитувчининг сўзларини қабул қилиш билангина шуғулланиб, мустақил фикрлаш қобилиятларини ишга солиш имкониятидан фойдаланмаслиги айни ҳақиқат. Худди шу нарса асарни юзаки ўзлаштириш, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларининг заифлашиб боришига сабаб бўлади.

Бадиий асарлар суҳбат жараёнида ўрганилар экан, асар ғоявий ва бадиий таҳлилинини ўқувчиларнинг ўзлари мустақил ҳолда амалга оширадилар. ўқитувчи томонидан қўйилган муаммо-саволларга жавоб ахтарар эканлар, ўқувчилар изланадилар, топадилар, кичик кашфиёт яратадилар, ўз фикрларини муайян шаклга солиб баён қиладилар. Бу хил ижодий жараён бадиий асар таҳлилининг ўқувчилар онгидан мустаҳкам ўрин олишига сабаб бўлади. Мана шу усул 5-11-синфларда кенг қўлланиши лозим.

Адабиёт ўқитишни такомиллаштиришнинг яна бир қирраси адабиёт

дарсларига ҳозирги адабиётшунослик фани ютуқларини олиб кириш, ўқувчиларда адабиётшунослигимизнинг янгича ғоялари, талқинлари билан таништириб боришдир. ўқитувчи, хусусан, бадиий адабиётнинг синфий эмаслигига, ўзбек адабиёти халқимизнинг ягона адабиёти бўлиб, диний, сарой ва халқчил адабиётлар унинг таркибий қисми эканлиги, бу адабиётларнинг учови ҳам ягона мақсад – шахсни тарбиялаш мақсадига хизмат қилганлигини таъкидлаб кўрсатади ҳамда диний, сарой ва халқчил адабиётларнинг янгича талқини билан ўқувчиларни таништиради.

Яна бир масала тасаввуф адабиёти билан боғлиқдир. Ўқитувчи тасаввуф адабиёти ҳақидаги назарий маълумотларни ўқувчилар онгига етказиши ҳамда Аҳмад Яссавий, Навоий, Машраблар ижоди мисолида бу адабиётнинг етакчи хусусиятларини ўқувчиларга тушунтириши лозим.

Адабиёт ўқитишни такомиллаштиришнинг яна бир жиҳати ўқитувчи фаолиятини қайта қуришдир. Маълумки, мактаблардаги адабиёт ўқитувчиларнинг аксарияти истиқлол даври талабларига жавоб бермайди. Уларнинг назарий билимлари саёз, амалиётда эса мустақил ҳаракат қила олмайдилар, ташаббускорлик, ижодкорлик етишмайди. Ҳатто кўп ўқитувчилар шеърларни ифодали ўқиб беролмайдилар, жуда кам шеърларни ёд биладилар.

Замон талабларига жавоб бериш учун улар ўз билимларини муттасил ошириб боришлари, изланувчан бўлиб, янги-янги усулларни дарсга жорий этиб боришлари, ўз касбларининг моҳир усталари бўлишлари лозим.

Юқорида таъкидланган масалалар мактабларда адабиёт ўқитишни такомиллаштиришнинг асосий шартлари бўлиб, уларсиз ўқувчиларнинг сўз санъати бўлган бадиий адабиёт ҳақидаги билим ва малакаларини яхшилаш мумкин эмас.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Бугунги ўзбек ва жаҳон адабиётида қандай янги асарлар яратилмоқда ва уларда қандай муаммолар кўтарилиб чиқмоқда?

2. Модеренизм қандай адабий оқим ва унинг ўзбек адабиётидаги кўринишлари ҳақида нималар дея оласиз?

3. Ҳозирги кун адабий жараёнида фаол иштирок этаётган адабий танқидчилардан кимларни биласиз?

4. Ҳозирги замон шеърлятидаги шаклий-услубий изланишлар ҳақида маълумот беринг?

5. Сўнгги йилларда роман жанрида қандай асарлар яратилди?

6. Жаҳон адабиётидан ўзбек адабиётига қилинган таржималар ва ундаги муаммолар ҳақида маълумот беринг?

7. Ҳозирги адабий жараёни билиш она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари фаолиятида нечоғли зарур?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ж.Коллер. Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия, 2011.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
3. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш . – Университет, 2005.
4. Ишоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Зарқалам, 2006.
5. Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Т.: Фан, 2007.
6. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
7. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Т.: Фан, 2006.
8. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Фарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент, Фан, 2008.
9. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, Akademnashr, 2011.

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР
МАЗМУНИ**

Амалий машғулотларни ўтказиш бўйича умумий йўриқнома

Амалий машғулотларда тингловчилар она тили ва адабиёт таълимининг турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, фан ўқитувчисининг фаолият функциялари: (*гностик, лойиҳалаш, конструкциялаш, диагностик, прогностик, коммуникатив, ишлаб чиқариш-технологик, ташилотчилик*) ва информатика таълими соҳасидаги инновациялар билан танишадилар ҳамда улар асосида амалий ишларни бажарадилар. Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда кичик гуруҳларга бўлиб ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий ва хорижий адабиётлардан, электрон ресурслардан, интернет материалларидан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

1-амалий машғулот. Она тили ва адабиёт фанига оид меъёрий ҳужжатлар (ДТС, ўқув режа, дастур)

Мақсад: тингловчиларни она тили ва адабиёт фанига оид меъёрий ҳужжатлар ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларнинг таркибий тузилиши, мазмун-моҳияти, уларни ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар билан таништириш.

Машғулот жараёнида қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан биргаликда ишланади:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 140-сонли Қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низом.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунаар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сонли Фармони,
6. 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3931-сонли қарори.

Тингловчилар 4 та гуруҳга бўлинган ҳолда мазкур меъёрий ҳужжатларни ўрганадилар. Ҳар бир гуруҳ битта меъёрий ҳужжатни ўрганади, таҳлил қилади ва унинг мазмун-моҳиятини бошқа гуруҳларга етказиш учун тақдимот ўтказади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Таълим соҳасига оид асосий меъёрий ҳужжатлар қайсилар?
2. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларининг мақсади нималардан иборат?
3. Ўқув дастурлари, ўқув режаси ва дарсликларнинг узвийлиги ҳақида маълумот беринг.
4. Она тили ва адабиёт фанидан дарслик, ўқув дастурларини модернизация қилишдан мақсад нима?
5. Она тили ва адабиёт фанидан компетенциявий ёндашувга асосланган ДТСнинг мазмуни, мақсад ва вазифалари ҳақида гапиринг. Унда она тили ва адабиёт фанидан ўқувчиларга қандай талаблар қўйилган?
6. Янги ДТСнинг аввалгисидан фарқи нималарда кўринади?

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009.
10. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
11. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
12. Абдуқодиров А. Умумий ўрта таълим мактабларида янги ахборот технологиялардан фойдаланиш муаммолари. Узлуксиз таълим журнали, 2002. № 4, 60-73 бетлар.
13. Абдураимова М. Она тили таълимида илғор педагогик технология. – Тошкент, 2005. 3-26 бетлар.
14. Аҳлиддинов Р.С. Мактабни бошқариш санъат. – Т.: Фан, 2006.
15. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: Нихол, 2013, 2016.
16. Иноятов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. – Т.: Илм-Зиё, 2012.
9. Расулов А. Мустақиллик даври адабиётининг назарий-методологикасослари. – Т.: Маънавият, 2012.
10. www.edu.uz
11. www.uzedu.uz

2-амалий машғулот. Она тили ва адабиёт ўқитишни такомиллаштиришга оид илмий-методик материаллар, мақолалар таҳлили (сўнгги 3 йиллик давр мисолида)

Амалий машғулотда таҳлил қилиш учун мўлжалланган мақолалар рўйхати тингловчиларга бир неча кун олдин тавсия этилади. Тингловчилар машғулот ўтказиладиган санага қадар қуйидаги мақолаларни топиб, ўқиб келишлари лозим:

1. Филология фанлари доктори Бахтиёр Менглиев томонидан “Маърифат” газетасининг 2017 йил 22 февралдаги сонидан чоп этилган “Она тили таълими: давр талаби ва ижтимоий зарурат” мақоласини таҳлили қилиш. Унда она тилини такомиллаштиришга доир берилган таклиф ва тавсиялар хусусида мулоҳаза юритиш.

2. Филология фанлари номзоди, доцент Омонулла Мадаев ҳамда Шарофат Тошмирзаева ҳаммуаллифлигидаги “Маърифат” газетасининг 2017 йил 17 апрель сонидан чоп этилган “Айни муддао” сарлавҳали мақоласини ўқиш, таҳлил қилиш.

3. “Тил ва адабиёт таълими” журналининг 2017 йил 10-сонидан чоп этилган “Жамиятда тил сезгиси ва сўз севгиси барқарорлашмоғи зарур” мавзусидаги ф.ф.д., профессор Низомиддин Махмудов билан суҳбат, ф.ф.д. Бахтиёр Менглиев ҳамда олий тоифали ўқитувчи Хосият Сувонованинг “Она тили”ни эмас, “она тили”дан ўргатиш керак” сарлавҳали мақолаларини ўқиш.

4. 2017 йил 10 май куни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетидан “Замонавий ўқитиш масалалари” мавзусида республика илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур конференция материаллари тўпламидан ўрин олган академик Б.Назаров ва доцент И.Ёқубовнинг “*Ўқув-услубий қўлланма ва монографик изланишлар: янги ёндашув тамойиллари*”, филология фанлари доктори И.Йўлдошевнинг “*Сўз танлашда тилнинг ички қонуниятлари*”, филология фанлари доктори А.Собировнинг “*Ўқувчиларга метадеготат ва метадеготат тушунчаларини ўргатиш ҳақида*”, филология фанлари доктори, профессор Х.Дадабобоевнинг “*Ўзбек тили таълимини такомиллаштириш омиллари*”, педагогика фанлари доктори, профессор Қ.Йўлдошевнинг “*Ҳозирги шароитда адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари*”, филология фанлари номзоди, филология фанлари доктори, профессор Б.Тўхлиевнинг “*Алишер Навоий асарларини ўқитишнинг долзарб масалалари*”, филология фанлари доктори З.Холманованинг “*Ўзбек тили таълимида моделлаштириш методидан фойдаланиш*”, филология фанлари номзоди, доцент М.Сапарниязованинг “*Она тили таълимининг долзарб муаммолари*” мавзусидаги мақолаларни ўқиш ва таҳлилга тортиш.

Амалий машғулот давомида тингловчилар ўзлари ўқиган мақолаларда билдирилган фикрларга муносабат билдирадилар, энг муҳим ўринларини

“Кластер” усулида қоғозга туширадилар ва тақдимот қиладилар.

Дарс якунида тингловчиларга Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетида чоп этиладиган “Адабиётшунослик олами”, умумтуркий, ўзбек, Шарқ адабиёти ва маданияти намуналари, манбашунослик, матншунослик ва матнчилик адабиётшунослик ҳамда таржимашунослик тадқиқотлари, миллий тарих, археология, этнография, антропология, нумизматика, маданиятшунослик бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижалари нашр этилувчи “Миллий мерос”, тилшунослик муаммоларига оид тадқиқотлар, тилшуносликнинг илмий-назарий масалалари, бу фандаги энг сўнгги изланишларга бағишланган “Академик тадқиқ: лингвистика” журналларини мунтазам ўқиб бориш тавсия этилади.

Республика миқёсидаги “Тил ва адабиёт таълими”, “ўзбек тили ва адабиёти”, “Филология масалалари”, “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи”, “Тафаккур”, “Жаҳон адабиёти” журналлари ҳамда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” газеталарини мунтазам мутолаа қилиб бориш зарурлиги таъкидланади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Она тили таълимидаги муаммолар ва уларни бартараф этишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларидан хабарингиз борми?
2. Адабий таълим ва уни такомиллаштириш мавзусидаги мақолалардан бирини айтинг.
3. Бахтиёр Менглиевнинг она тили таълимини такомиллаштиришга бағишланган мақолаларда қайси масалалар долзарб муаммо сифатида кўтарилган?
4. Сўнгги йилларда чоп этилган нашрларда китобхонликни ривожлантириш бўйича қандай таклифлар берилган?
5. Она тили ва адабиёт ўқитишдаги муаммолар ва уларни бартараф этишга ким масъул деб ўйлайсиз? Шахсан ўзингиз бу борада нима қиляпсиз?

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Ж.Коллер. Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия, 2011.
2. Менглиев Б. Она тили таълими: давр талаби ва ижтимоий зарурат. // “Маърифат” газетасининг 2017 йил 22 февраль сони.
3. Мадаев О., Тошмирзаева Ш. Айни муддао. // “Маърифат” газетасининг 2017 йил 17 апрель сони.
4. Маҳмудов Н. Жамиятда тил сезгиси ва сўз севгиси барқарорлашмоғи зарур. // “Тил ва адабиёт таълими” журналининг 2017 йил 10-сони.
5. Менглиев Б., Сувонова Х. “Она тили”ни эмас, “она тили”дан ўргатиш

керак. // “Тил ва адабиёт таълими” журналининг 2017 йил 10-сони.

6. Замонавий ўқитиш масалалари. // 2017 йил 10 май куни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетида мавзусида республика илмий-назарий конференцияси материаллари тўплами.

7. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, Akademnashr, 2011.

3-амалий машғулот. Она тили фани мазмунининг ўзига хослиги, уни ўрганишнинг замонавий технологиялари ва методлари

Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга иккитадан ватман қоғози ва маркерлар берилади. Гуруҳ иштирокчилари биринчи ватман қоғозига она тили таълимининг мазмунини, иккинчи ватман қоғозига эса замонавий усул ва методларини ёзадилар. Топшириқ бажариб бўлингач, тақдимотлар ўтказилади.

Ўқитувчи билдирилган фикрларга муносабат билдириб боради ва тақдимотлардан сўнг қуйидаги маълумотларни слайдлар орқали намойиш этади. Маълумотлар тингловчилар билан биргаликда таҳлил қилинади.

СЛАЙДЛАР

Мактабда она тили ўқитишнинг асосий мазмун – моҳияти ҳозирги кун таълими мақсадларига монанд тузилган Давлат таълим стандарти, дастур ва дарсликларнинг қуйидаги назарий-амалий асослари билан белгилаб берилди:

1. Она тили — миллий маънавият ва мафкура, миллий рух, маданият ва кадриятларнинг улкан хазинаси.

2. Она тили — миллат тафаккурини шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва ифодаловчи энг асосий восита.

3. Она тилини ўқитишдан мақсад таълим олувчиларда мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, ижодий фикр маҳсулини нутқ вазиятига мос равишда тўғри ва рагон баён қилиш кўникмаларини шакллантиришдир.

4. Машғулотларда она тили имкониятларидан унумли фойдаланиш, амалий кўникмаларни шакллантиришнинг назарий билимларни ўзлаштиришга нисбатан устуворлиги таъминланади.

5. Дарсликларда ўқув материаллари ўқувчиларнинг ҳар бир синфда ўрганадиган бошқа ўқув фанлари ва улардан ўзлаштиришлари лозим бўлган амалий кўникмалар билан узвий боғлиқликда берилади.

6. Она тили дарслигидаги ҳар бир топшириқ ўқувчи томонидан мустақил бажарилишига мослаб тузилади.

7. Дарслик материаллари ўқувчиларда тафаккурни ва нутқни ривожлантиришнинг асосий омиллари:

а) луғат бойлигини оширишга;

б) сўз бойлигидан ижодий матн яратиш жараёнида фойдаланишга;

с) мустақил фикр ифодасининг муайян мақсад ва нутқ вазиятига мувофиқлигини таъминлашга;

д) аниқ, илмий ва образли (рамзий) нутқ кўникмаларини шакллантиришга мослаб тузилади ва берилади.

Она тилидан ҳар бир машғулот юқорида кўрсатилган таркибий қисмларни ўз ичига олади.

8. Она тилига оид билимларни беришда тилнинг кўп сатҳли, чексиз

имкониятли, мураккаб тизим сифатидаги талқинига таянилади. Шунинг учун «Она тили» фани она тили қурилишининг энг асосий бирликлари ва ҳодисалари билан таништирувчи «Муқаддима» ва «Изчил курс» каби икки қисмдан иборатдир.

«Изчил курс»да тилнинг турли грамматик ҳодисаларини, турли сатҳ бирликларини ўзаро алоқадорликда бериш тилимизда айнан бир фикрни турли усуллар билан ифодалаш имкониятлари борлигини, ҳар бир имкониятнинг ўзига хослигини ўқувчиларга сингдиришда «Муқаддима» нинг аҳамияти катта.

9. Дастур ва дарсликларнинг дидактик асоси:

- ўқувчига таълим жараёнининг фаол иштирокчиси;
- ўқитувчига ўқувчининг ўрганиш фаолиятини бошқарувчиси;
- дарсликка (ўқув топшириқларига) ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятларини

ўзаро боғловчи восита сифатида ёндашишдан иборатдир.

10. Ўқувчининг таълим жараёнида фаол иштирокчи эканлиги унинг дарслик топшириқлари асосида ўқитувчи раҳбарлигида қуйидаги турдаги мустақил ишларни бажаришида ўз аксини топади:

- 1) кузатиш;
- 2) изланиш;
- 3) алоҳидаликларни шарҳлаш
- 4) қиёслаш;
- 5) умумийликни аниқлаш;
- 6) фарқларни топиш;
- 7) тасниф этиш;
- 8) хулоса чиқариш;
- 9) алоқадорликни аниқлаш;
- 10) қўллаш.

11. Фикрни баён этиш, ижодий матн тузиш, матн устида иш она тили машғулотларида алоҳида мавқега эга бўлганлиги сабабли, дастурда 8-синфнинг бошида «Ижодий матн устида иш» мавзусини ўрганиш кўзда тутилган.

12. Дастур ва дарсликларда тилшунослик ва услубият, имло ва талаффуз ажратилмайди. Ҳар бир ҳодиса она тили машғулотларида ёндош (вазифадош ва маънодош)лари билан биргаликда ўрганилиши сабабли, улардан ҳар бирининг имловий, услубий моҳиятлари ва хусусиятлари ҳам ҳодисалар билан биргаликда ўзлаштирилиб борилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Ж.Коллер. Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия, 2011.

2. Менглиев Б. Она тили таълими: давр талаби ва ижтимоий зарурат. // “Маърифат” газетасининг 2017 йил 22 февраль сони.

3. Мадаев О., Тошмирзаева Ш. Айни муддао. //“Маърифат” газетасининг 2017 йил 17 апрель сони.

4. Мадаев О, А.Собиров, З.Холманова, Ш.Тошмирзаева, Г.Зиёдуллаева, М.Шамсиева. Ёзма иш турлари: иншо, баён, диктант. – Т,: Турон замин зиё, 2017.

5. Махмудов Н. Жамиятда тил сезгиси ва сўз севгиси барқарорлашмоғи зарур. // “Тил ва адабиёт таълими” журналининг 2017 йил 10-сони.

6. Менглиев Б., Сувонова Х. “Она тили”ни эмас, “она тили”дан ўргатиш керак. // “Тил ва адабиёт таълими” журналининг 2017 йил 10-сони.

7. “Замонавий ўқитиш масалалари”. // 2017 йил 10 май куни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетида мавзусида республика илмий-назарий конференцияси материаллари тўплами.

8.Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, Akademnashr, 2011.

4-амалий машғулот. Фонетика бўлимини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари

Мақсад: Мактабда “Фонетика”ни махсус бўлим сифатида ўқитишнинг мақсад ва вазифалари билан таништириш, уларнинг ўқувчилар оғзаки ва ёзма саводхонлигини шакллантиришдаги ўрни ҳақида маълумот бериш. Нутқ товуши ва фонеманинг фарқи, нутқ товушининг тўғри талаффузи ва ёзувдаги имлосини ўқитиш методлари.

Шакл: Савол-жавоб, кичик гуруҳларда ишлаш, жамоа билан катта гуруҳда ишлаш.

Восита: тарқатма материаллар, А-4 формат қоғози, маркер, клей, скотч ва бошқалар.

Назорат: Оғзаки назорат, ўз-ўзини назорат қилиш.

Тингловчилар 5 та кичик гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳдан бир киши конвертлардаги карточкаларни танлайди. гуруҳ Аъзолари карточкалардаги савол ва топшириқлар устида биргаликда ишлайдилар ва тақдимот қиладилар.

1-карточка

1.Мактаб “Она тили” ўқув дастурларида фонетикага оид мавзуларнинг берилиши.

2. Шаклдош сўзлар (омонимлар) мавзусини ўргатишда қайси усул самарали деб ҳисоблайсиз?

2-карточка

1. Унли товушларни ўргатишда қандай услуб ва методлардан фойдаланасиз?

2. Маънодош сўзлар (синонимлар) мавзусини ўрганишда сиз учун энг самарали бўлган усул қайси?

3-карточка

1.Фонетика мавзусини ўрганишнинг мураккабликлари нимада? Уларни қандай баргараф этасиз?

2. Зид маъноли сўзлар (антонимлар) мавзусини ўрганиш учун қулай ва самарали усуллардан бирини айтинг, тақдимот қилинг.

4-карточка

1.Ундош товушларни ўргатишда нималарга кўпроқ аҳамият қаратиш лозим?

2. Иборалар мавзусини қандай усуллар орқали ўргатасиз?

5-карточка

1.Урғу ва унинг аҳамиятини содда ва қулай усулда тушунтириш учун

қандай йўл тутасиз?

2. Сўзнинг ўз ва кўчма маъноси қандай усуллар орқали тушунтирилса, ўқувчилар осон ўзлаштирадилар?

Гуруҳлар тақдимотидан сўнг ўқитувчи билдирилган фикрларни умумлаштиради, тўлдиради, фонетика ва лексикология бўлимини ўрганиш бўйича ўз тавсияларини беради.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясаилишининг назарий масалалари. – Т., 2010.
2. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Т., 2007.
3. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Т., 2008.
4. Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Т., 2012.
5. Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Т., 2000.
6. Нурмонов А. Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари. – Т., 2010.
7. Сайфуллаева Р. ва б. Ҳозирги ўзбек тили. – Т.: Mumtoz so`z, 2010.
8. Миртожиев М. Ўзбек тилининг семасиологияси. – Т.: 2010.

5-мавзу. Лексикология бўлимини ўқитишнинг методик хусусиятлари

Мақсад: Сўзнинг ўз ва кўчма маъносини ўргатиш усуллари, қўлланиш доираси чегараланган ва чегараланмаган лексика, тасвирий ифода ва иборалар, олинма ва ўз қатлам сўзларини ўқитишда мос таълимий усуллардан унумли фойдаланиш. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари мавзусини ўрганишда самарали бўлган таълимий усул ва воситалар ҳақида маълумот бериш.

Маъруза машғулотларида эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш учун саволлар:

1. Тилдаги ўзгаришлар нимага боғлиқ?
2. Тилнинг бойиш манбаи ҳақида гапиринг ва мисол келтиринг.
3. Тилнинг ички бойиш манбаси ва унинг тури ҳақида гапириб, мисол келтиринг.
4. Синонимларга таъриф беринг, мисоллар келтиринг.
5. Антоним сўзга таъриф беринг ва мисол келтиринг.
6. Омоним ва кўп маъноли сўзнинг фарқи нимада кўринади?
7. Уядош сўзлар ҳақида маълумот беринг ва унга мисоллар келтиринг.

Тингловчиларга “Лексикология” бўлимини ўрганишда самарали бўлган қуйидаги усуллар тавсия этилади.

«Нуқталар ўрнини сўз билан тез тўлдири» усули

Ўқитувчи тингловчилар ҳукмига маълум бир умумистеъмолдаги сўзни беради-да, шу сўзнинг барча маънодошлари ўрнига нуқталар қўйиб чиқади. Ўқувчилар нуқталар билан ажратилган жойни сўзлар билан тўлдиришади. Масалан:

Табриклади, ...

Сезди, ...

Ёруғ, ...

Нуқталар ўрнини тез тўлдира олган ўқувчи ғолиб саналади.

“Мазмунан қариндош, шаклан бегона” усули

Бу ўйинни ташкил этишда ҳам тингловчилар гуруҳларга ажратилади. Ўйинни бошловчи гуруҳ муайян мавзуда гаплар тузадилар, иккинчи гуруҳ мазмунни сақлаган ҳолда сўзларни маънодошлари билан алмаштириш орқали гап шаклини ўзгартирадилар. Кейин ўйинда вазифалар алмаштирилади. Ўқитувчи ҳар бир шакли ўзгартирилган гап учун балл қўйиб боради ва ўйин охирида энг кўп балл олган гуруҳ ғолиб саналади.

“Доминанта” усули

Бу ўйинни ҳам маънодош сўзлар мавзуси ўрганилгач ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи доминанта сўзига изоҳ бергач, бир қатор сўзларни бериб улар ичидан “доминанта” сўзни алоҳида рўйхат қилишни топширади. Ким хатосиз аниқлаб чиқса, шу ўқувчи ўйин ғолиби бўлади.

Берилган сўзлар:

1. И. Совға, ҳадя, тухфа, тортиқ, армуғон, инъом.

2. Овоз, товуш, ун, садо, нидо.

3. Бегона, ёт, ўзга, нотаниш, биров.

4. Зиё, шуъла, нур, ёғду.

«Мен бошлайман, сен давом эттир» усули

Тингловчилар икки гуруҳга ажратилиб биринчи гуруҳдан қарама-қарши маъноли сўзнинг биринчи қисмини айтиш, иккинчи гуруҳдан эса шу сўзнинг қарама-қарши маъносини топиш талаб этилади (масалан: дўст—, баланд—, ёш—, тез—, қаттиқ— ва ҳоказо).

Бу ўйин партадошлар орасида ҳам ўтказилиши мумкин. Шунга ўхшаш ўйинлардан яна бири бошланиш қисми берилган халқ мақолларини мустақил давом эттиришдир. Масалан:

1. Кўз — кўрқоқ...

2. Эгри озади...

3. Бирлашган ўзар...

Тингловчилар ўз тажрибаларида қўллаган метод ва усуллар билан ўртоқлашадилар.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Т., 2010.

2. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. –Т., 1995.

3. Нурмонов А. Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари. – Т., 2010.

4. Сайфуллаева Р. ва б. Ҳозирги ўзбек тили. – Т.: Mumtoz so`z, 2010.

5. Миртожиев М. Ўзбек тилининг семасиологияси. – Т.: 2010.

6. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Т., 2010.

7. «Давлат тили ҳақида» (Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни матнлари, қонуности ҳужжатлар, қонунни амалга ошириш йўлидаги муаммо ва ечимлар) (тузувчи – Н. Жумахўжа.). – Т., 2008.

6-амалий машғулот. Морфология бўлимини ўқитишдаги назарий ва методик муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари

Мақсад: Сўз туркумлари, уларнинг грамматик категорияларини ўқитиш муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш усулларини таҳлил қилиш. Жорий дастур ва дарсликларда сўз туркумларининг берилиш тартибини муҳокама қилиш. Шунингдек, грамматик категориялар ва айрим тил ҳодисаларининг улар мансуб бўлган сўз туркуми доирасига киритилмаганлиги натижасида амалиётда юзага келган муаммолар, уларнинг ечимларини топиш.

Метод: Оғзаки баён қилиш, тақдирот, суҳбат, ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш, баҳс-мунозара.

Шакл: Савол-жавоб, кичик гуруҳларда ишлаш, жамоа билан катта гуруҳда ишлаш.

Восита: тарқатма материаллар, А–4 форматдаги қоғоз, маркер, скотч ва бошқалар.

Назорат: Оғзаки назорат, ўз-ўзини назорат қилиш.

Баҳолаш: Рағбатлантириш.

Мазкур мавзу ўқув-услубий мажмуанинг “Модулни ўқитишда интерфаол методлар” бўлимида тавсия этилган метод ва усуллардан бири ёрдамида ўтилиши мумкин. Бунда қуйидаги режадан фойдаланиш мумкин.

Режа:

1. Морфология бўлимини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари.
2. Сўз туркумлари ҳақида маълумот бериш усуллари.
3. Мустақил сўз туркумларини ўрганиш методикаси.
4. Ёрдамчи сўз туркумларини ўрганиш тажрибасидан.
5. Алоҳида олинган сўзлар гуруҳини тушунтириш усуллари.

Машғулотда сўзнинг маъновий, морфологик, синтактик, ясалиш белгиси берилган қуйидаги жадвал устида ишлаш мумкин:

Сўз туркуми	Маъновий белгиси	Морфологик белгиси	Синтактик белгиси	Ясалиш белгиси
Феъл	Ҳаракат ва ҳолат ифодалайди	Нисбат, ҳаракат тарзи, замон, майл, ҳаракат тарзи, бўлишли, бўлишсизлик	Гап бўлаги бўлиб келади	Ясалади
От	Шахс, предмет, ўрин ифодалайди	Сон кичрайтириш-эркалаш	Гап бўлаги бўлиб келади	Ясалади

Сифат	Предмет белгисини ифодалайди	Даража	Гап бўлаги бўлиб келади	Ясалади
Сон	Микдор ифодалайди	Тартиб, дона, чама, жамловчи, тақсим шакли	Гап бўлаги бўлиб келади	Ясалмайди
Равиш	Ҳаракат белгисини ифодалайди	Луғавий шакли йўқ	Гап бўлаги бўлиб келади	Ясалади
Таклид	Товуш ёки кўринишга таклид ифодалайди	Луғавий шакли йўқ	Гап бўлаги бўлиб келади	Ясалмайди
Олмош	Барча мустақил сўз туркуми маъносини ифодалайди	Барча мустақил сўз туркуми луғавий шаклини олади	Гап бўлаги бўлиб келади	Ясалмайди
Кўмак-чи	Луғавий маънога эга эмас	Луғавий шакли йўқ	Сўзни сўзга тобелаб боғлайди	Ясалмайди
Боғлов-чи	Луғавий маънога эга эмас	Луғавий шакли йўқ	Сўзни сўзга тенг, гапни гапга тенг ва тобе боғлайди	Ясалмайди
Юклама	Луғавий маънога эга эмас	Луғавий шакли йўқ	Гап бўлаги вазифасида кела олмайди	Ясалмайди
Модал	Муносабатни аташ	Луғавий шакли йўқ	Сўз-гап бўлиш, гап бўлаклари билан боғлана олмаслик	Ясалмайди
Ундов	Ҳис-ҳаяжонни тасвирлаш	Луғавий шакли йўқ	Сўз-гап бўлиш, гап бўлаклари билан боғлана олмаслик	Ясалмайди

1-топшириқ

Баракалла, ўғлим, бу ҳикоятни эшит.

Ҳинд денгизида бир савдогар бор эди. У савдо-сотик ишларида жуда моҳир эди. Савдогарнинг димоғига савдо мояси ўрнашиб олиб, сувга фарқ бўлиш хаёлига ҳам келмасди. Бир мамлакатда ўн кун турмас, савдоси тугагач, яна

сув сари йўл тутар эди. У денгизни ҳар хил офатлардан холи деб ўйлаб, йиллар шу янглиғ сафар қилди. Савдогар Макка атрофини сувда неча бор айланиб ўтган бўлса-да, унинг яқинига етгач, ўз фарзини адо этмай қайтарди. Кишилар унга ҳажни ҳам бажариш керак, деб айтар эдилар, аммо пул ҳирси савдогарни у томон боришга йўл қўймас эди.

Бир кун денгизда бўрон кўтарилди. Савдогар тушган кема гоҳ осмонга сапчир, гоҳ пастга тушиб кетар эди. Савдогар савдо ишларига ғарқ бўлганидек унинг кемаси ҳам денгизда ғарқ бўлди. Денгизда сузиш хаёли ҳаж сари йўл бермади. Охир-оқибатда у катта бир балиққа ем бўлди.

Чол ҳикояни тугатиб: “Аттанг”, – деб қўйди.

1. Гаплардаги сўзларни уч гуруҳга ажратинг:

- а) гап бўлаги вазифасидаги сўз;
- б) гап бўлаги вазифасида бўлмаган сўз;
- г) фақат гап бўлиб келаётган сўз.

2. Луғавий маъно ифодаладиган ҳар бир сўзнинг хусусиятини қуйидаги тартибда беринг:

- а) маъновий хусусияти:
- б) морфологик хусусияти:
- в) синтактик хусусияти:
- г) ясалиш хусусияти:
- д) тузилиш хусусияти:

3. Луғавий маъно ифодаламайдиган сўзни қуйидаги тартибда гуруҳланг:

- а) сўзнинг луғавий маъносини бир оз ўзгартираётган сўз;
- б) янги луғавий маъно ҳосил қилаётган сўз;
- в) сўз ёки гапни боғлаётган сўз.

2-топшириқ

Самимий дўстлари бўлмаган одам, ҳақиқатдан ҳам ёлғиздир. (Ф.Бекон) 2. Уфқ қизғиш тусга кириб, тонг ёришарди. (Ш.Раш.) 3. Яхши фикрлар ҳам энг яхшиларига жой бўшатиб бермоғи лозим. (В.Шекспир) 4. Торга тор дунё, кенга кенг дунё. 5. Сўз сеҳридан кучлироқ сеҳр йўқ. 6. Бир отим бор ажабгина, думлари гажаккина, Ҳали келса кўрасиз, кула-кула ўласиз. («Топишмоқлар»дан.)

1. Гаплар таркибидаги сифатларни топинг.

2. Сифатнинг грамматик маъно турини аниқланг.

3. Сифатнинг луғавий маъно турини аниқланг.

4. Оддий, қиёсий, орттирма даражадаги ва озайтирма сифатни ажратинг.

5. Сифатнинг ясалиши хусусиятини аниқланг.

6. Сифатнинг тузилиш турини аниқланг.

7. Сифатнинг синтактик вазифасини аниқланг.

8. Матнда қўлланган сифатнинг маънодош, шаклдош, вазифадош ва зидлари каторини тузинг ва луғат асосида текширинг.

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг

назарий масалалари. – Т., 2010.

2. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. –Т., 1995.

3. Нурмонов А. Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари. – Т., 2010.

4. Сайфуллаева Р. ва б. Ҳозирги ўзбек тили. – Т.: Mumtoz so`z, 2010.

5. Миртожиев М. Ўзбек тилининг семасиологияси. – Т.: 2010.

6. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Т., 2010.

7. “Давлат тили ҳақида” (Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни матнлари, қонуности ҳужжатлар, қонунни амалга ошириш йўлидаги муаммо ва ечимлар) (тузувчи – Н. Жумахўжа.). – Т., 2008.

7-мавзу. Синтаксис ҳамда пунктуация бўлимини ўқитиш муаммолари ва ечимлари.

Мақсад: Тингловчиларга синтаксис бўлимини ўқитишда морфология ва лексика билан боғлаб ўргатиш усуллари ҳақида маълумот бериш. Содда ва қўшма гапларни фарқлашга ўргатиш йўл-йўриқларини тушунтириш. Уюшиқ кесимлар ҳамда бирикмали ҳол иштирок этган содда гаплар ва қўшма гапларни ўрганишда эътибор қаратиш керак бўлган жиҳатларга эътибор қаратиш.

Тиниш белгилари ва уларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, тиниш белгиларини ишлатиш билан боғлиқ хатоларни бартараф этиш йўллари ҳақида маълумот бериш.

Синтаксис бўлимини ўрганишда самарали бўлган қуйидаги усуллар тавсия этилади

“ТАРМОҚЛАШ” МЕТОДИ (КЛАСТЕР)

ФИКРЛАРНИНГ ТАРМОҚЛАНИШИ – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзунини чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикр эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

Фикрларни тармоқлаш қуйидагича ташкил этилади:

1. Хаёлга келган ҳар қандай фикр бир сўз билан ифода этиб кетма-кет ёзилади.

2. Фикрлар тугамагунча ёзишда давом этавериш керак, Мабодо фикрлар тугаб қолса, у ҳолда янги фикр келгунча бирон расм чизиб туринг.

3. Иложи борича фикрларнинг кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлигини кўпайтиришга интилинг.

Намуна:



25

КУНГАБОҚАР

Синф ўқувчилари 4-5 кишидан иборат гуруҳларга бўлинади. Ўқитувчи ўқув предмети мавзусидан келиб чиқиб ўртага битта муаммони ёки асосий муаммодан келиб чиқиб ҳар бир гуруҳга биттадан муаммо ташлайди. Ҳар бир гуруҳ кунгабоқар ясаб, унинг марказига доира жойлаштириб, барглар ёпиштиради.

Доирага мавзуга қараб ёки умумий битта муаммо ёки ҳар бир гуруҳнинг муаммолари ёзилиб, доскага (деворга, тахтачага) ёпиштирилади (етарли миқдорда қоғоз барглар олдиндан тайёрлаб қуйилиши керак).

Ажратилган вақт ичида қачон гуруҳлар биргаликда фикрлашиб умумий муаммо ёки бир бирларининг муаммолари бўйича фикр билдирмоқчи бўлсалар, аниқланган фикрни баргга ёзиб, уни ўша гуруҳ муаммоси ёзилган гулга жойлаштириб қўядилар. Шу орқали ҳар бир гуруҳнинг муаммоли гули вақт ўтиши билан ўсиб бораверади.

Ўқитувчи барча гуруҳлар иштирокидаги энг қулай ечим йули ва умумийликни топишга ёрдам беради.

Бу методни ўқув жараёнида ўтилган мавзунини **мустахкамлаш, такрорлаш, янги мавзунини тушунтириш ҳамда ўқувчилар эгаллаган билимларини аниқлашда** қўллаш мумкин. Ушбу метод муаммоларни топиш, уларни ечиш, бир фикрга келиш, мустақил фикрлаш ва ўз фикрини эркин баён қилишга имкон яратади, ўргатади.

ТАҚДИМОТ

Тақдимот – бу ахборотни ўзаро бир-бирига етказиш мақсадида эксперт томонидан ўтказиладиган тадбир. У турли шаклларда ўтказилиши мумкин – маърузадан бошлаб, савол бериш ва мунозара юритиш орқали қисман жалб

этишгача. Такдимотнинг мазмуни метод сифатида ўқитувчига кўпроқ боғлиқ бўлади.

Ўтказиш тартиби:

1. Мавзу билан таништириш – ўқувчиларга сўзлаб бермоқчи бўлаётган нарсалар тўғрисида баён этиш.

2. Синфдаги бор имкониятдан фойдаланиб мавзу билан таништириш (кўргазмали).

3. Бажарилган ишга яқун ясаш.

4. Ўзаро саволларга жавоб бериш.

ҲАҚИҚИЙ ВАЗИЯТЛАРНИ ЎЙИН ҚИЛИБ КЎРИШ (СИМУЛЯЦИЯ)

Ҳақиқий вазиятларни ўйин қилиб кўриш бу – ҳақиқий вазиятларни ўйин шаклида кўрсатишдир.

ТАРТИБИ:

1. Ўқувчини ўйин давомида ўзига хос ролларни бажаришларига тайёрлаш.

2. Ўқувчиларни бу ўйиннинг мақсади, қоидалари ва вақт билан белгиланадиган чегаралари билан таништириш.

3. Ўқув предмети мавзуси бўйича ёки танланган муаммо бўйича симуляцион шароит яратиш.

4. Ўйинни ўтказишга ёрдам бериш.

5. Ўқувчидан бу ўйин уларда қандай таассурот қолдирганлигини аниқлаш.

6. Яна қандай симуляцион шароитлар бўлиши ҳақида фикрлашиш.

7. Машғулоти яқунланиши.

СВЕТОФОР

Маълум мавзунинг ўрганиш вақтида ўқитувчи у бўйича тезисларни тайёрлайди (5-7 та, мавзунинг мураккаблигига қараб). Тезислар навбатма-навбат доскага ёзилади (тасвири туширилади ёки олдиндан тайёрланган плакатлар шаклида илиб қўйилади). Ўқувчиларга ўйлаб чиқиш учун 1 дақиқа вақт берилади. Сўнг тезис билан рози бўлган ҳар бир ўқувчи яшил карточкани кўтаради; рози бўлмаган – қизил карточкани; иккиланаётган ёки қарор қабул қилишда бетараф бўлишни хоҳлаётган – сариқ карточкани юқорига кўтаради. Агар иштирокчилар фикри асосан бир-бирига мос келадиган бўлса, ўқитувчи навбатдаги тезисга ўтади. Агар тезис муҳокама қилинишни талаб қилса, иштирокчилардан ўз қарорларини асослаб бериш илтимос қилинади.

Фойдаланиш доиралари

Ҳар қандай ўқув фанида, топшириқлар маълум ўқув мавзусига ва маълум ёшдаги ўқувчилар гуруҳига мослаштирилгандан кейин.

Афзалликлари

Ушбу машқ барча ўқувчиларнинг фикрини билиб олишга имкон беради: ҳеч ким оддийгина томошабин бўлиб қолмайди. Иштирокчиларнинг кўпчилигида машқ бошланганидан кейин бироздан сўнг нуқтаи назардаги

тафовутлар сабабларини билиш ва ўз фикрини асослаш бўйича кучли кизиқиш пайдо бўлади. Ўқувчиларнинг нутқини, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, асослаш қобилиятини ривожлантиради.

8-амалий машғулот. Халқ оғзаки ижоди намуналарини ўргатиш методлари

Мақсад: тингловчиларни мактабда халқ оғзаки ижодига оид намуналарни ўқитиш усуллари билан таништириш. Машғулот жараёнида халқ оғзаки ижоди намуналарини жанр хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш, халқнинг кундалик турмуш тарзи, ишонч-эътиқодлари билан боғлаш компетенцияларини ривожлантириш.

Ушбу мавзу юзасидан машғулотни гуруҳда ёки кичик гуруҳларда ташкил этиш мумкин. Тингловчиларда мавзу ҳақида етарли тасаввур уйғотиш учун қуйидаги саволлар берилади:

1. Мактабда халқ оғзаки ижодининг қандай намуналари ўрганилади (нечанчи синфда қайси мавзу)?
2. Мақолларни ўрганишда қайси усуллардан фойдаланган маъқул?
3. Эртақларни таҳлил қилишда қандай методлардан фойдаланиш кўпроқ самара беради?
4. Халқ дostonларини таҳлил қилишда дарсликдан ташқари яна қандай кўшимча маълумотларни берасиз?
5. Халқ кўшиқларидан бирини айтиб, таҳлил қилиб беринг.
6. Бадиий адабиётда қайси асарлар халқ оғзаки ижоди таъсирида яратилган?
7. Фольклоршунос олимлардан кимларни биласиз? Ёзинг.
8. Халқ оғзаки ижоди жанрларини сананг.
9. Ўқувчиларга ривоят ва афсонанинг ўзаро фарқли жиҳатларини қандай тушунтирасиз?
10. Топонимик ривоят ёки афсонага битта мисол келтиринг.
11. Халқ оғзаки ижоди намуналарини қардош ва жаҳон халқлари фольклори билан боғлаб ўрганиш мумкинми? Мисоллар келтиринг.

Машғулот давомида халқ оғзаки ижоди намуналари (алла, ёр-ёр ва келинсаломлар, кўшиқлар, бахшилар ижросидаги дostonлар ва ҳоказо) намойиш этилган видеотасвирлар, эртақлар асосида ишланган мультфильм ҳамда дostonлар асосида яратилган бадиий фильмлардан парчалар намойиш этиш мумкин.

Тингловчилар учун методик тавсия: “Кетма-кет” усули

Ушбу усулни қўллашдан мақсад ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини шакллантириш, луғат бойлигини ошириш, соф ўзбек адабий тилида сўзлашишни ўргатишдир. Усул ўқувчиларнинг дарс жараёнида олган билимларини ҳаётда татбиқ этишига имконият яратади ва ўқувчиларнинг

нутқ малакаларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантиради.

Усулдан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланиш мумкин:

- - иборалар тузишда;
- - мақоллар ёзишда;
- - гаплар тузишда;
- - матн яратишда;
- - луғат устида ишлашда фойдаланиш мумкин.

Масалан, экранда кетма-кет равишда пашша ва филнинг тасвири чиқа бошлайди.



Топшириқ: Тасвирдаги пашша ва филдан ибора ҳосил қилинг.





Топширик: Тасвирда берилган расмлардан фойдаланиб мақолни топинг.

Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги мақол, топишмоқ жанрларини ўрганишда “Кетма-кет” усулидан фойдаланиш ижобий самара беради.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Машарипова З. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Т.: 2008.
2. Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Т.: Муסיқа, 2010.
3. Муродова М. Фольклор ва этнография. – Т.: 2008.
4. Жумабоев М. Ўзбек болалар адабиёти. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
5. Гўрўғлининг туғилиши. Гўрўғли дostonлари. 4 жилдлик. – Т.: Ёзувчи. 1996.
6. Алпомиш. Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Т.: Шарқ, 1998.
7. Мирзаев Т., Мусақулов А., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: Шарқ, 2003.
8. Сафаров О. Ўзбек халқ аллалари. – Т.: Ўқитувчи, 1999.
9. Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. – Т.: 2008.

9-мавзу. Лирик тур жанрлари ва уларни жанр хусусиятларига кўра ўқитиш

Мақсад: Муайян шеърий асар таҳлили орқали тингловчиларнинг шеърий тизимлар ҳақида билимларини кенгайтириш. Ўзбек шеъриятига хос бўлган шеърий тизимларни ўқитиш усуллари ҳақида маълумот бериш. Адабий таълимда лирик асарларни жанрий хусусиятларига кўра ўрганиш, лирик асарни таҳлил қилишга ўргатиш усуллари юзасидан мавжуд билимларини бойитиш. Шеърий асарлар таҳлили жараёнида бадиий санъатлар ва уларнинг қўлланишига оид йўлланма бериш.

Тингловчиларга Навоий ғазалларини таҳлил қилишда самарали бўлган қуйидаги усуллар тавсия этилади:

“Бу асар ким ёки нима ҳақида?” А.Навоий асарлари ким ёки нима ҳақида экани аниқлаштирилади. Масалан, “Мезон ул-авзон” – аруз вазни ҳақида....

Т/р	Асар номи	Изоҳи
1	“Мезон ул-авзон”	
2	“Муншаот”	
3	“Насойим ул-муҳаббат”	
4	“Арбаин”	
5	“Зубдат ут-таворих”	
6	“Маҳбуб ул-қулуб”	
7	“Назм ул-жавоҳир”	
8	“Тарихи анбиё ва ҳукамо”	
9	“Сирож ул-муслимин”	
10	“Муножотнома”	

АСОСИЙ БОСҚИЧ

“Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас” ғазалининг Раҳимбой Жуманиёзов ўқиган аудиматни қўйиб эшиттирилади. Мазкур ғазал юзасидан тингловчиларнинг фикри сўралади.

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрайи андин тилармен, баҳраманд этмас.

Нетай хур-у пари базминки, қатлим ё ҳаётимға
Аён ул захр чашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусн-у малоҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки қотилваши Мажнуншиоримким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сариштасидин ўзга бўйнунға каманд этмас.

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

В— — / В— — / В— — / В— —
мафойлун / мафойлун / мафойлун / мафойлун
Ҳазажи мусаммани солим

Ушбу ғазал “Бадое ул-васат” девонига киритилган бўлиб, Навоийнинг фалсафий-дидактик қарашларини анча ёрқин ифодалаши билан ажралиб туради. Олам турфа ҳодисотларга бой. Шулардан бири киши кўнглининг нозиклиги билан боғлиқ. Жумладан, ҳаммага ҳамма ҳар доим ёқавермайди, маъқул келавермайди.

*Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.*

Навоий ниҳоятда ҳаётий муаммони, ечими оғир, қийин масалаларни кун тартибига кўяр экан, уларнинг поетик ифодасини жуда содда ва энгил тарзда ҳал қилади. Мазкур байтда биз сўзлар такрори зиммасидаги вазифаларни кўриб турибмиз. Байтда “мен” олмоши уч марта, “истамоқ” феъли икки марта, от сўз туркумидаги “суҳбат” икки марта, “етмас” ёрдамчи феъли икки марта қўлланган. Аммо бу ерда сўзлар такрори эмас, балки маъноларнинг ажойиб товланиши кишини маҳлиё этади. Сўзлар такрори маънолар жилвасининг юзага чиқиши учун имкон ҳозирлаб беради. *А* ҳамда *и* унлиларининг фаоллиги, радифнинг иштироки байт оҳангдорлигига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб турибди.

Нега киши ўзига маъқул кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш учун ҳам кўп қийинчиликларга дуч келиши керак? Бунинг сабаблари кўп. Шулардан бири, инсон ўзига маънавий озиқ бериши мумкин бўлганларга интилади. Аммо интилурувчининг имкониятлари интилувчи истаган даражада бўлмаслиги мумкин:

*Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрайи андин тилармен, баҳраманд этмас.*

Бошқаларга баҳра етказиш имконига эга бўлмаган кишига кўз тутиш ўринли бўлмайди, имкони борнинг эса менга нисбатан рағбати мавжуд эмас, демокда шоир. Сўзлар такрори бу ерда ҳам асосий мавқени эгаллаб турибди.

Шунга кўра, лирик қаҳрамонни ҳуру париларнинг базмлари ҳам ўзига тортмайди, қизиқтирмайди.

*Нетай ҳур-у пари базминки, қатлим ё ҳаётимга
Аён ул заҳр чашим айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.*

Бу ерда жамъу тақсим деган шеърий санъатнинг санъаткорона татбиқи кўзга ташланади. У “ҳуру пари” сўзлари ҳамда “ул” ва “бу” олмошлари иштирокида содир бўлмоқда. Олмошлар уларнинг барчасига ҳам дахлдор. Буни шундай ифодалашимиз ҳам мумкин:

*Аён ул (ҳур) заҳр чашим айлаб,
ниҳон бу (пари) нўшханд этмас.*

Ёки:

*Аён ул (пари) заҳр чашим айлаб,
ниҳон бу (ҳур) нўшханд этмас.*

Айни пайтда “қатлим ё ҳаётимга”нинг ҳурга ҳам, парига ҳам бир хил даражада алоқадорлигини эътироф этиш жоиз.

Жамъу тақсим санъати навбатдаги байт учун ҳам хосдир.

*Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусн-у малоҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.*

Бу ерда истиора, жамъу тақсим, таъдид ва такрорий сўзлар шоир кўзда тутган маъноларнинг юзага чиқишида асосий восита вазифасини адо этмоқда.

Демак, ҳозиргача мавжуд шароит ва шахслар орасида муносиб дўст топилмади. Ёки бундай дўстнинг ўзи ёқми? Бундай эмас, бундай шахс бор. У – ёрдир. Аммо у ҳам анча-мунча “хислатларга” эга. Хусусан, у қотилваш, мажнуншиор, шунинг учун ҳам унинг жойи лирик қаҳрамоннинг “бузуг кўнгли”дир:

*Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким,
Бузуг кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.*

Буларнинг барчаси кўнгил туфайли содир бўлади.

*Кўнгул уз чарх золидин, фирибин ема ким, охир
Ажал сариштасидин ўзга бўйунга каманд этмас.*

Кунлардан бир кун ёрнинг илиқ меҳр кўрсатиб қолиши эҳтимоли (“Ул ой ўтлуғ юзин очса”) ҳам йўқ эмас. Ана шунда кўз тегмаслиги учун лирик қарамон исириқ солишга тайёр. Аммо бу исириқ доначалари муҳаббат уруғлари бўлиши шарт:

*Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.*

Ушбу ғазал фақат мазмуни билангина эмас, балки шу мазмунга хос ва мувофиқ бўлган шаклий жиҳатлари, тасвир воситалари билан ҳам эътиборга молик. Худди шунинг учун ҳам мазкур ғазал ҳозир ҳам барчамизнинг эътиборимизни тартади, кўнгилларга завқу ҳузур бераверади.

Аржуманд – азиз, иззатли, қадрли.

Чаши – кўз.

Нўшанд – ширин ва чиройли кулги.

Саманд – саман от, тезюар ва чиройли от.

Сипанд – исирик, исирик уруғи.

МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ

1-топириқ

“Эй сабо” ғазалини таҳлил қилиш учун даставвал ғазалдаги мураккаб сўзлар рўйхати тузилади, “Навоий асарлари луғати”идан уларнинг изоҳи топилади.

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.

Буки анинг аҳд-у паймонида мен ўлсам дағи,
Яхши фурсат топсанг ул бадахд-у паймонимға айт.

Буки анинг зулфи зуннорида диним ҳосили
Куфр ила бўлмиш мубаддал номусулмонимға айт.

Буки қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,
Юз туман жон-у жаҳондин яхши жононимға айт.

Буки юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,
Васлиға бир ваъда қилғандин пушаймонимға айт.

Буки юз минг фитнакўзлик бўлса пайдо онсизин,
Қилмағум наззора ҳаргиз, кўзи фаттонимға айт.

Буки чок айлаб яқо усрук чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб, эл жон топар бебок нодонимға айт.

Даҳр боғи гуллари ҳусни вафосиз эрканин,
Юзи гул, жисми суман кўйи гулистонимға айт.

Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимға айт.

2-топириқ

Тингловчилар ғазални қуйидаги жадвални тўлдириш асосида мустақил таҳлил қиладилар:

1	Матлаъ	
2	Мақтаъ	
3	Ҳажм (байт)	
4	Қофияланиш тартиби	
5	Қофиядош сўзлар	
6	Радиф	
7	Шеърин сан`ат турлари	

3-топшириқ
“Алишер Навоий” кроссвордини ечинг.

			1.	А					
	2.			Л					
		3.		И					
			4.	Ш					
		5.		Э					
	6.			Р					
	7.			Н					
			8.	А					
	9.			В					
		10.		О					
		11.		И					
	12.			Й					

1. Алишер Навоийнинг ҳадислар асосида ёзилган қирқ рубоийсини жамлаган асари. *“Арбаъин”*

2. Навоийнинг қайси ғазали “Муножот” куйи билан қўшиққа солинган? *“Келмади”*

3. Мумтоз адабиётда жаннат боғи яна қандай номланади? *фурдавс*

4. Мумтоз адабиётда парвона образи билан ҳамиша ёндош келадиган образ. *шам*

5. Шоир “Маҳбуб ул-қулуб”да қайси касб эгаларини улуғлаб, уларга юксак эҳтиром билдиради? *деҳқон*

6. Баҳром арабчада қайси юлдузни ифодалайди? *Миррих*

7. Фарҳод кимдан меъморликни ўрганган? *Боний*
8. Навоийнинг сахийликда тенги йўқ қаҳрамони ким? *Ахий*
9. Отлиқ одам. *суворий*
10. Навоий форсий тилдаги девонида қандай тахаллус қўллаган? *Фоний*
11. Навоий ҳақидаги хотираларда унинг қайси шоир билан сўз ўйини ва ҳазил-мутойиба олиб боргани айтилади? *Биной*
12. Навоийнинг ишқ йўлида биёбон кезиб, жониворлар ила дўст тутинган қаҳрамони. *Қайс*

10-амалий машғулот. Мактабда жаҳон адабиётини ўрганиш методикаси

Мақсад: тингловчиларнинг мактабда жаҳон адабиёти намуналарини ўқитиш бўйича касбий маҳорати ва компетентлигини ошириш. Жаҳон адабиётини ўргатиш жараёнида эътибор қаратиладиган жиҳатлар, таҳлил усуллари билан таништириш.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Мактабда жаҳон адабиётининг қандай намуналари ўрганилади (синфлар кесимида ёзинг)?
2. Жаҳон адабиёти намуналари ўқитиш жараёнида қандай муаммолар юзага келади? Бу муаммоларни бартараф этиш бўйича қандай усул ва воситаларни қўллайсиз?
3. 5-синфда Нодар Думбадзенинг “Хелладос” ҳикоясини қандай усуллар ёрдамида ўрганган маъқул деб ҳисоблайсиз?
4. Жанни Родарининг “Ҳуришни эпложмаган кучукча” эртагини қайси асарлар билан қиёслаб тушунтириш мумкин?
5. Ўз тажрибангиздан Муса Жалилнинг шеърларини таҳлил қилиш усули ҳақида мисол келтиринг.
6. Абай насихатларини ўрганиш жараёнида юзага келадиган муаммолар ҳақида гапиринг.
7. Расул Ҳамзатовнинг “Она тилим” шеърини таҳлил қилиш усуллари ҳақида гапиринг. Ушбу шеърни ўзбек адабиётидаги қайси намуналар билан қиёслайсиз?
8. Марк Твеннинг “Том Сойернинг саргузаштлари” асарини қандай таҳлил қиласиз?
9. “Оқ кема” асаридаги рамзий образларни ўқувчиларга қай тарзда тушунтирасиз?
10. Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” асарини ўрганиш жараёнида ўқувчиларга қандай қўшимча маълумотлар берасиз?
11. Эрнест Сетон-Томпсоннинг “Ёввойи йўрға” асарини шу типдаги қайси асарларга қиёслаш мумкин?
12. Сергей Есенин шеърляти ўқувчиларни қайси жиҳатлари билан ўзига

жалб этади?

13. Р.Тҳакурнинг “Суба” ҳикоясида илгари сурилган ғояларни тушунтириш усуллари.

14. Пушкин ҳаёти ва ижодини ўрганишда шоир биографиясига оид маълумотлардан фойдаланасизми? Шоир биографиясига оид қандай маълумотлар унинг ижодини тушунишга ёрдам беради?

15. Чехов ҳикояларини таҳлил қилиш усуллари ҳақида тўхталинг.

16. Жаҳон адабиёти намуналарини ўқитиш жараёнида қандай қўшимча адабиёт ва манбалардан фойдаланасиз?

Тингловчиларнинг саволларга берган жавоблари гуруҳда муҳокама қилинади, тўлдирилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Узоқов А. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги адабиёти. – Т.: Ўзбекистон, 2008.

2. Боймирзаев Ф. Жаҳон адабиёти. – Т.: Муסיқа, 2006.

3. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. Тўпловчилар М.Шарафутдинова, Ш.Тўйчиева. – Т.: Маънавият, 2010.

4. Комилов Н. Тафаккур карвонлари (Шарқу Ғарбнинг цивилизациявий алоқалари). – Т.: “Шарқ”, 2011.

5. Норматова Ш. Жаҳон адабиёти. – Т.: Ўқитувчи, 2008.

6. Рашидов А. Ч.Айтматовнинг бадиий олами. – Т.: Ўзбекистон, 2008.

7. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т.: Ўзбекистон, 1997.

8. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури очерклари (ўқув қўлланма, хрестоматия). – Т.: 2008.

9. Қуронов Д ва бқ. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2010.

10. Ч.Айтматов, М.Шохонов. Чўққида қолган овчининг охи-зори – Т.: Шарқ, 1998.

11. “Жаҳон адабиёти” журнали. 1997-2017 йиллардаги сонлари.

11-амалий машғулот. Насрий ва драматик асарларни ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари

Мақсад: тингловчиларга адабиёт дарсларида насрий ва драматик тур жанрлари ва уларни жанр хусусиятига кўра ўқитиш бўйича маълумот бериш. Маълумотларни амалий фаолиятга татбиқ этиш йўлларини ўргатиш. Шунингдек, тингловчиларнинг насрий ва драматик асарларни дарс машғулотларида ўрганиш борасидаги билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш, янги билимлар билан педагогик маҳоратларини ошириш.

Машғулот давомида қуйидаги масалалар ёритилиши лозим:

1. Насрий ва драматик турнинг ўзига хослиги, белгилари.
2. Насрий ва драматик тур жанрлари.
3. Мактаб “Адабиёт” фани дастурларида насрий ва драматик турга мансуб асарларнинг берилиши.
4. Эпик асарларни ўрганишда тафсилотлар ва тимсоллардан фойдаланиш зарурлиги.
5. Драматик асарларни ўрнанишда характер тасвири ва сўз қўллашнинг ўзига хослигини эътиборга олиш зарурати.
6. Насрий турга мансуб асарларни ўргатишда дарс самарадорлигини таъминловчи методлар.
7. Драматик турга мансуб асарларни ўқитиш усуллари.

Машғулотни кичик гуруҳларда ташкил этиш, ҳар бир гуруҳнинг номини мавзудан келиб чиққан ҳолда номлаш мумкин. Бунда гуруҳлар тақдироти ўтказилиб, фикрлар тингланади, тўлдирувчилар бўлса кенгайтирилади, таълим берувчи томонидан янги маълумотлар билан бойитилади. Маълумотлар имкон қадар мониторда слайдлар кўринишида намоён этилиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Ж.Коллер. Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия, 2011.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
3. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш. – Университет, 2005.
4. Ишоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Зарқалам, 2006.
5. Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Т.: Фан, 2007.
6. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
7. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Т.: Фан, 2006.
8. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент, Фан, 2008.
9. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, Akademnashr, 2011.

12-амалий машғулот. Адабий жараён, адабий танқид ва методика соҳасидаги янгиликлар билан танишиб боришнинг зарурати

Мақсад: тингловчиларни ҳозирги адабий жараён билан яқиндан таништириш. Машғулот орқали тингловчиларнинг адабий жараён ва методика соҳасидаги янгиликлар билан мунтазам танишиб бориш кўникмаларини ривожлантириш.

Машғулот аввалида қуйидаги саволнома тарқатилиб, тингловчилардан уни тўлдириш сўралади.

Она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг ҳозирги адабий жараённи ўрганиш билан боғлиқ фаолиятлари юзасидан САВОЛНОМА

1. Она тили ва адабиёт ўқитувчилари салоҳиятини оширишга йўналтирилган қайси адабий, илмий ва методик нашрларни кузатиб борасиз?

2. Сўнгги пайтда чоп этилган қайси адабий-танқидий мақола сизда катта таассурот қолдирди?

3. Ҳозирги адабий жараёнда қуйидаги адабий турларга мансуб қайси асарлар кенг муҳокамага сабаб бўляпти (ёки қайси асарни ўқидингиз)?

А) шеърий.....

Б) насрий.....

С) драматик.....

4. Бугунги адабий жараёнда фаол иштирок этаётган мунаққидлардан кимларни биласиз

5. Адабий-бадиий қайси телекўрсатув ва эшиттиришларни кузатиб борасиз?

6. Ҳозирги адабий жараён билан мунтазам танишиб бормаётганингизга нима сабаб деб ўйлайсиз?.....

Сўровномадан сўнг тингловчилар билан суҳбат ўтказилади. Ҳозирги адабий жараёнда кузатилаётган ҳодисалар, янгиликлар хусусида сўз юритилади. Машғулот давомида сўнгги давр маҳсули бўлган шеърий, насрий ёки драматик асарлардан, адабий-танқидий мақолалардан бири таҳлил қилинади.

13-амалий машғулот. Она тили ва адабиёт фани бўйича ўқув-иждий топшириқларни, кўргазмали ва тарқатмали воситаларни яратишга қўйиладиган талаблар

Мақсад: Педагогик тестлаш, холислик, аниқлик, мослик, тест топшириқларини тузилишининг талаблари, ёпиқ тест топшириғи, очик тест топшириғи, мосликни аниқлаш бўйича тест топшириғи, тўғри тартибни аниқлаш бўйича тест топшириғи, тест топшириқларининг таҳлили юзасидан маълумот бериш.

Кўргазмали, ўқув ва ўргатувчи материалларни ишлаб чиқиш бўйича амалий машғулот ўтказиш. Таълим воситаларининг турлари (реал, техник ва чоп этилган ўқув материаллари). Таълим воситаларига қўйиладиган талаблар. Ихтиёрий танланган мавзу учун таълим воситаларини ва кўргазмали курулларни танлаш бўйича амалий машғулот.

Ўқув фани учун кўргазмали, ўқув, ўргатувчи материалларни танлаш, кўргазмали куруллар яратиш методикаси.

Изоҳ: мазкур мавзу ўқув-услугий мажмуанинг “модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари” бўлимида тавсия этилган усуллар ёрдамида ўтилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Дўстмуродова О. Она тили таълими янги педагогик технологиясининг моҳияти. – Т., 2005.
2. Йўлдошев Қ., Мадаев О, Л.Абдурахмонов. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1999.
3. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий назарий асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
4. Нейматов Х., Ғуломов А., Зиёдова Т. Ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш. – Т., 1997.
5. Нурмонов А., Расулов Р. Ўзбек тили жадвалларда. – Т., Ўқитувчи, 1992.
6. Абдураимова М. Она тили таълимида илғор педагогик технология. – Т., 2001, 2005.
7. Раҳимова О. Она тили дарсларини ташкил этишнинг педагогик технологияси. – Т., 2004.
8. Тўхлиев Б., Шамсиева М., Зиёдова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
9. Қодиров М. Ўзбек тили ўқитиш методикаси (маърузалар матни). –Т.: Университет, 2000.
10. Ғуломов А., Қодиров М. Она тили ўқитиш методикаси. –Т.: Университет, 2001.

14-амалий машғулот. Она тили ва адабиёт фанидан ёзма ишларни ўтказиш методикаси

Мақсад: тингловчиларни ёзма иш ва унинг турлари билан таништириш. Иншо, унинг турлари, иншога материал йиғиш, эпиграф танлаш, режа тузиш, ёзиш ҳақида маълумот бериш. Баён ва унинг турлари, баёнга режа тузиш йўл-йўриқлари юзасидан тушунча бериш. Диктант ва унинг турлари, диктантни ўтказиш жараёни ҳақида мулоҳаза юритиш. Ёзма ишларни баҳолаш мезонлари, уларни таҳлил қилиш усуллари юзасидан мавжуд билимларни кенгайтириш.

Амалий машғулотда қуйидаги масалалар муҳокама қилиниши лозим:

1. Ёзма иш турлари.
2. Иншо турлари, мақсади ва вазифалари.
3. Иншога материал тўплаш, эпиграф танлаш, режа тузиш.
4. Иншони баҳолаш мезонлари.
5. Иншони баҳолаш, таҳлил қилиш методикаси.
6. Баён ва унинг турлари, мақсад ва вазифалари.
7. Баён учун матн танлаш, режа туздириш ва ёздириш жараёни.
8. Баённи баҳолаш мезонлари ва таҳлил қилиш усуллари.
9. Диктант ва унинг турлари.
10. Ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини оширишда таълимий диктантларнинг ўрни.
11. Текширув диктантининг турлари ва уларни ўтказиш методикаси.
12. Диктантни баҳолаш ва таҳлил қилиш.

ИННОВАЦИОН ДИКТАНТ ТУРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартида уқтирилишича. "Ўзбек тили таълими болаларнинг тафаккур қилиш фаолиятини кенгайтиришга, уларда эркин фикрлай олиш, ўзгалар фикрини англаш, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма равишда раво баён қила олишга, жамият аъзолари билан эркин мулоқотда бўла олиш кўникма ва малакаларни ривожлантиришга хизмат қилади". Бу вазифаларни амалга ошириш учун ўқитувчи турли таълимий воситалар қаторида диктантдан ҳам фойдаланиб боради.

Мактабда диктант ўтказишдан асосий мақсад, ўқувчиларнинг имловий малакаларини ривожлантириш, назарий билимларини амалда тадбиқ этиш, нутқни тўғри ўстириш ва таянч, фанга доир компетенцияларни шакллантириш киради. Бу вазифаларни амалга ошириш учун таълимий диктантнинг турли хилларидан фойдаланиш талаб этилади.

Таълимий диктантларнинг ўтказилиш мақсадига кўра турлари		
<i>Орфографик характердаги таълимий диктантлар</i>	<i>Назарий билимларни мустаҳкамлаш характеридаги таълимий диктантлар</i>	<i>Нутқ ўстириш характеридаги таълимий диктантлар</i>
Кўрув диктанти	Топшириқли диктант	Ижодий диктант
Ешитув диктанти	Сайланма диктант	Ўз диктант
Изоҳли диктант	Тест диктант	Эркин диктант
Шарҳли диктант	Мисол диктант	Тез диктант
Сухбат диктанти		
Луғат диктант		
Видеодиктант		
Расм диктанти		
Чалғитма диктанти		
Топишмоқли диктант		

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Долимов У., Аъламова М. Иншо устида ишлаш. – Т., 1987.
2. Долимов У. Иншони қандай ёзиш керак? – Т., 1972.
3. Долимов У. Тингловчиларни иншога тайёрлаш. – Т., 1991.
4. Ёқуббекова М. Иншо – билим ва саводхонлик мезони. – Андижон, 1992.
5. Исматов С. Ўрта мактабнинг юқори синфларида иншо. – Т., 1973.
6. Мадаев О. Иншо қандай ёзилади? – Т., 1991.
7. Мадаев О., ва бошқалар. Ёзма иш турлари: иншо, баён, диктант. – Т.: Турон замин зиё, 2017.
8. Назаров К. Ўзбек тили ва адабиётидан баҳо меъёри (V-XI синфлар учун). – Т.: Ўқитувчи, 1990.
9. Холиқова М., Эргашева Ш. Диктантлар тўплами. – Т.: Абу матбуот консалт, 201.
10. Юсупова М. Диктантлар тўплами. – Т.: Ўқитувчи, 2001.

**КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР
МАЗМУНИ**

Мавзу: Умумий ўрта таълим мактабида она тили ва адабиёт дарсларини кузатиш.

Мавзуга доир таянч тушунча ва иборалар: Дарс кузатиш ва таҳлил қилиш, дарсни кузатишдан олдинги тайёргарлик, дарснинг мақсадларини таҳлил қилиш, дарс тузилмаси ва дарсни ташкил қилинишини таҳлил қилиш, дарс мазмунини таҳлил қилиш, ўқувчилар мустақил ишларини ташкил қилиш, дарс ўтиш методикасини таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг дарсдаги интизоми ва иш фаолиятини таҳлил қилиш, ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти, ўқувчилар билимини баҳолаш.

Дарснинг мақсади: Тингловчиларни дарс кузатиш ва таҳлил қилиш талаблари билан таништириш. Эгалланган билимлар асосида кўчма машғулот ўтказилаётган мактаб ўқитувчиларининг дарсларини кузатиш, таҳлил қилиш.

Дарс таҳлили ва унга қўйиладиган талаблар

Ҳар қандай ўқитувчи фаолиятида бошқа ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Касб эгаси ўзининг касбий маҳорати даражасини аниқлаш учун ўзини бошқа ҳамкасби билан қиёслашга муҳтож. Ўзгалар дарсини кузатиш, унинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш ва таҳлил қилиш она тили ва адабиёт ўқитувчиси учун шартдир. Ўз навбатида, бошқа ўқитувчи томонидан ўтказиладиган машғулотни кузатиш олдига ҳам муайян талаблар қўйилади. Аввало, ўқитувчи дарсни нима учун кузатаётганлигини билиши, яъни кузатишдан мақсадини аниқлаб олиши керак. Ўзга ўқитувчининг дарсини кузатиш ҳам икки томонлама жараён бўлади. Кузатувчи ҳам ўрганиши, ҳам имконияти даражасида маслаҳат бериши, таклифлар киритиши, яъни ўргатиши лозим.

Адабиёт ўқитувчилари дарси кузатилганда бу машғулотларнинг ижод эканилиги, ҳар бир чинакам адабиётчи ижодкор эканлигини ҳисобга олиш шарт. Адабиёт дарсларига эталонлар, қолиплар талаби билан асло ёндашиб бўлмайди. Энг маҳоратли адабиётчининг дарс ўтиш усули ҳам бошқа адабиётчи учун эталон бўлиши мумкин эмас, аксинча фақат намуна бўлиши мумкин.

Дарсни кузатиш, айниқса, таҳлил қилиш эҳтиёткорликни, бошқа ўқитувчига бўлган ҳурмат ва эҳтиромни тақозо этади. Кузатувчи мулойим, касбдошининг фикри ва қарашларини тинглай оладиган ва уларни ҳисобга ола биландиган бўлиши керак.

Дарс кузатмоқчи бўлган ўқитувчи, аввало, кузатилиши керак бўлган дарс олдига қўйилган мақсадлар ҳамда дарснинг типини аниқлаб олиб, сўнг дарсга кириши лозим. Дарснинг мақсадлари аниқ бўлгач, у дарснинг у ёки бу компонентлари қандай уюштирилганлиги, самарадорлиги даражаси ҳақида фикр билдириш мумкин. Дарс ўтаётган ўқитувчининг ҳар бир ҳаракати дарс мақсадларига эришишда тутган ўрнига қараб баҳоланади. Кузатувчи

дарсинг ташкил этилишига, ўқувчилар диққатини дарсга қай даражада жалб этилишига, синфдаги қулайликларга, ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигига, кўрсатмали қурол ва техник воситаларидан унумли фойдаланишига, машғулот қурилиши ва вақтдан фойдаланиш самарадорлигига, дарс мазмунига, фойдаланилган метод ва приёмларнинг мақсадга мувофиқлигига, ўқувчилар ва ўқитувчи орасида педагогик ҳамкорлик мавжудлигига, ўқувчиларда маънавий сифатларнинг шакллантирилиш ҳолатига, синфда ҳукмрон бўлган руҳий иқлимга, ўқитувчининг ташқи кўринишига эътибор қаратиши лозим.

Мавжуд методик адабиётларда дарс таҳлили 4 турга бўлинади:

- 1) *илмий таҳлил;*
- 2) *методик таҳлил;*
- 3) *дидактик таҳлил;*
- 4) *умумпедагогик таҳлил.*

Илмий таҳлилда кузатувчи ўқитувчи томонидан ўқувчиларга етказилаётган маълумотларнинг илмий-назарий жиҳатдан асосли эканига, ўқувчилар жавобидаги мантиқийлик, илмий манбаларга таянганлик ҳолатининг даражасига эътибор берилади.

Методик таҳлилда кузатувчи кузатилган дарсда ўқитувчи қўллаган метод ва приёмларнинг қанчалик самарадорлиги масаласи нуқтаи назаридан дарсга баҳо беради.

Дидактик таҳлилда кузатувчи ўқитувчи томонидан таълим принципларига қай даражада амал қилинганига эътибор қаратади.

Умумпедагогик таҳлил дарсинг барча жиҳатларига комплекс ёндашишни тақозо этади. Кузатувчи текширилган дарсни ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчилар ҳаракатлари самарадорлиги жиҳатидан, ҳам адабиёт дарсига хос барча жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда баҳолайди.

Дарсни кузатиш жуда холислик билан амалга оширилиши лозим. Дарс таҳлили ўқитувчининг ютуқлари ҳақидаги мулоҳазалардан бошлангани маъқул. Кузатувчининг ўқитувчи фаолиятига баҳо бериш билан ўқувчилар фаолиятига баҳо беришни аралаштириб юборишга ҳақи йўқ. Кузатиш ва таҳлил тушунарли тарзда махсус дафтарга қайд этилиши шарт. Кузатувчи дарсни машғулоти кузатилган ўқитувчи билан биргаликда таҳлил қилиши керак.

Ўқитувчи ҳар доим дарсга тайёрланиб келиши керак. Шунда у дарсини таҳлил қилишларидан чўчимайди. Хўш, ўқитувчи дарсга қай тарзда тайёрланиши керак?

Дарсга тайёргарлик кўриш ўқитувчи фаолиятининг асосий бўғинидир. Бадиий адабиёт бўйича ўтказиладиган машғулотларнинг ҳиссий-бадиий йўналишга эга эканлиги дарсга ҳозирлик кўришнинг ҳам илмий-мантиқий, ҳам ҳиссий-образли йўсинда бўлишини тақозо этади.

Дарсга кирган ўқитувчида албатта йиллик ўқув ва кундалик режа бўлиши шарт. Йиллий ўқув режаси давлат ҳужжати ҳисобланиб, мажбурий характерга эгадир. Лекин ўқитувчи маҳаллий шароит талаби, шахсий имконияти сингари омиллардан келиб чиқиб, йиллик режа тузишда дастур

материалларига маълум даражада ўзгартириш киритиши мумкин. Ўқитувчи фаолиятини уюштиришда кундалик режа ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Унда тарбия жараёнининг барча бўғинлари акс эттирилиши ва юқори савияда ёзилиши лозим. Унда синфда амалга оширилиши керак бўлган барча тадбирлар қайд этилиши шарт. Айни пайтда, кундалик режага маъмуриятчилик нуқтаи назаридан ёндашиб, ҳар куни такрорланадиган, меъдага тегадиган қолипларни ифодалаш керак эмас. Ўқитувчи ҳар қандай режага ҳам ҳаракат учун йўриқ сифатидагина муносабатда бўлиб, уни андаза деб билмаслиги лозим. Вазият талаби билан режалардан чиқиш мумкин. Кундалик режа иш жараёнида фойдаланиладиган педагогик ҳужжат бўлиб, ўқитувчи фаолиятига унинг бор-йўқлигига қараб эмас, дарсни қандай уюштиришига, ўқувчилар шахсини қандай шакллантиришига қараб баҳо бериш керак. Ўқитувчи йиллик режасини методик бирлашмада муҳокама қилиб, мактаб раҳбарларига тасдиқлатиши, кундалик режани эса мактаб директорининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосарига тасдиқлатиши қоидалаштирилган.

Она тили ва адабиёт ўқитувчисининг дарсга тайёрланиши ғоят масъулиятли тадбир бўлиб, бу бошқа фан ўқитувчилариникида кескин фарқ қилади. Бошқа Фан ўқитувчилари асосий эътиборни *нимани* беришга қаратсалар ва кўпроқ билим асосларини ўзлаштиришга тиришсалар, адабиётчилар *нимани қандай* етказишга асосий эътиборни қаратишлари лозим. Бошқа предмет ўқитувчилари учун ўқувчиларнинг *диққатини* қаратиш муҳим бўлса, адабиётчи учун уларнинг *кайфиятларини* машғулотга мослаш муҳим педагогик вазифадир. Бошқа предмет ўқитувчилари бир синфга йиллар давомида деярли бир хил тайёргарлик кўриши мумкин ва бу ғол педагогик мақсадга эришишга монелик қилмайди. Адабиёт ўқитувчиси эса ҳатто ёндош синфларга ҳам бир хил ҳозирлик билан дарс ўтиши мумкин эмас. Чунки бир синфдаги ўқувчиларнинг туйғуларига мос келган усул бошқа синф ўқувчиларининг талабларига мувофиқ келмаслиги мумкин.

Адабиёт ўқитувчиси мактабда ўрганиладиган ҳар бир асарни ҳар ўқув йилида камида икки бор идрок этади: биринчи бор машғулотларга тайёрланиш жараёнида, иккинчи бор мазкур асар бўйича дарс ўтаётганида.

Дарсга тайёрланиш жараёни:

- 1) бадий материални танлаш, саралаш;
- 2) ўқувчилар ва ўқитувчининг ҳамкорликдаги фаолиятини уюштиришни режалаштириш;

- 3) муайян дарсда таҳлил этиладиган материалнинг тақдим этилишини режалаштириш сингари босқичлардан иборат.

Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида ундан кейинги машғулотга ўқувчиларни қизиқтириш йўлини белгилаб қўйиши лозим. Адабиёт машғулоти давомида ўқитувчи ўқувчилари олдида қизиқарли муаммолар қўйиш малакасига эга бўлиши, бунинг учун ўз устида мунтазам ишлаши керак. Дарсга тайёрланишдаги асосий бўғинлардан бири саволлар тузиш саналади. Аввал ўтилганларни сўраб баҳолаш учун бериладиган саволлар ҳам, уйда ўқиладиган асарларни таҳлил қилишга кўмак бериш учун

илова қилинган саволлар ҳам ғоят пухта, изчил ва ўқувчиларни асар юзасидан жиддий мушоҳада юритишга чорлайдиган, билдирган фикрини бадиий далиллар билан асослаган ҳолдагина жавоб беришни тақозо этадиган бўлиши керак. Савол ўз ичига жавобни ҳам қамраб оладиган, “ха” ёки “йўқ” тарзидаги жавобни талаб қиладиган шаклда дудмал тузилмаслиги лозим. Ўқитувчи саволларни машғулот давомида ўйлаб топишга одатланаслиги керак.

Адабиёт ўқитувчисига методик журналлар, педагогик, психологик адабиётлар, илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари ва ҳаммадан ҳам кўпроқ бадиий асарлар ўзига хос қўлланма, манба бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчи ўрганиладиган материал талабидан келиб чиқиб, тарқатма материаллар, карточкалар, кўрсатмали қуроллар, техник воситалар ҳозирлаши ва улардан унумли фойдаланиш йўллари билан белгилаб қўйиши жоиз.

Дарсга ҳозирлик кўриш жараёнида ўқитувчи ўзининг адабий таълимдаги асосий сиймо эканлигини ҳисобга олиши, ўз кайфиятини бошқара олиш, ўзгаларни ўзи истаган ҳиссиётларни кесирадиган ҳолатга солиш қобилиятларига эга бўлиши, ташқи жиҳати, орасталиги ва кийиниши билан ҳам синфдаги талабаларнинг кайфиятига таъсир этишини ҳисобга олиши керак.

Ўқитувчининг соҳавий билими ва касбий маҳорати дарс жараёнида намоён бўлади. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқув йили давомида синфлар ва фанлар кесимида ташкил этиладиган очик дарслар ва ўзаро кузатув дарслари ўқитувчи касбий маҳоратини ошириб бориш, ўзаро тажриба алмашиш имкониятини яратувчи муҳим жиҳатлардан бири нисобланади ва бу жиҳат узлуксиз методик хизмат кўрсатиш мазмунининг асосини ташкил этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, методик хизматнинг пировард натижаси ўқитувчи фаолияти-ю, ўқувчи билим даражасида кўринади. Бу эса бевосита дарс машғулотлари самарадорлиги билан боғлиқдир. Машғулотлар самарадорлигини оширувчи воситалардан бири – бу дарсларни кузатиш ва атрофлича таҳлил асосида тўғри йўлланма беришдир.

ИЗОҲ: *ушбу мавзу бевосита амалий фаолият билан алоқадор бўлганлиги учун таянч умумтаълим мактабида дарслар кузатилади ва таҳлил қилинади. Таҳлил варақаси тингловчининг малака ишига илова қилинади.*

**Кўчма машғулот. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи фаолияти билан
танишиш**

Режа:

1. Музей тарихи, фонди ва экспозицияси ҳақида умумий маълумот.
2. Музей фаолиятини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар.
3. Музей ходимлари билан давра суҳбати.

1. Музей тарихи, фонди ва экспозицияси ҳақида умумий маълумот

Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи дастлаб 1940 йил Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан Республика кўрғазмаси тариқасида ташкил топган. Музей фонди йиллар давомида бойиб борди ва 1967 йилда Алишер Навоий номи берилди.

Музей биноси меъморий жиҳатдан ўзига хос бўлиб, услуб жиҳатдан бевосита классик шакл ва қисмлардан фойдаланилган (1933–36 йилларда қурилган).

Музейда 30000 дан ортиқ экспонат, ашё ва ҳужжатлар бор.

Ўтган асрнинг 70-йилларида халқ орасига кўплаб экспедициялар уюштирилиб, 2 мингдан ортиқ қўлёзма жамланган. Париж миллий кутубхонаси, Истанбул Тўпқопи саройи кутубхонаси, Оксфорддаги Бодли кутубхонаси ва Ҳиндистондаги фондларда сақланаётган қўлёзмаларнинг микрофильмлари, китобат санъати ва Шарқ миниатюралари ноёб намуналарининг рангли слайдлари олиб келинди.

Музей ЮНЕСКОнинг темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган халқаро илмий симпозиуми олдидан Ҳамид Сулаймон ташаббуси билан “Бобурнома расмлари” альбомини хорижда нашр этди. Бу альбом 1971 йил Лейпциг шаҳрида ўтказилган халқаро кўрғазманинг совринига сазовор бўлди.

Адабиёт музейида XX аср ўзбек адабиёти намояндаларининг шахсий архивлари ўрин олган бўлиб, улар асосида илмий тавсифлаш ишлари олиб борилади. “Адабиёт кўзгуси” илмий тўплами мунтазам нашр этилади. Музей 2 йўналиш (“Миллий адабиёт тарихи” ва “Адабий манбашунослик ва матншунослик” ихтисосликлари) бўйича ўз аспирантурасига эга (1992 йилдан).

Музейда экспозиция, қўлёзмалар, ўзбек адибларининг архивини тавсифлаш бўлимлари фаолият юритади.

Экспозиция бўлими музей биносининг уч қаватида жойлашган. Унда адабий меросимизнинг, шунингдек, Марказий Осиё маданияти ва санъатининг ноёб дурдоналари намуналари – китоб, миниатюра, хаттотлик, наққошлик, мусиқа ва меъморчилик асарлари қўйилган. Бўлимда 30 дан зиёд экспозиция заллари бўлиб, улар қуйидаги даврларга кўра ажратилган: “Темурийлар даври ўзбек маданияти ва адабиёти тарихи”, “Алишер Навоий

хаёти ва ижоди”, “Бобур ва бобурийлар даври ўзбек адабиёти тарихи”, “17–19-асрлар ўзбек адабиёти тарихи”, “20-аср ўзбек адабиёти тарихи”, “Қардош халқлар адабиёти”, “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” хоналари.

Корейс адиби Чо Мин Хи ва профессор Ҳ.Сулаймон мемориал хонаси ҳам ушбу бўлим таркибидадир.

Ўзбек адибларининг архивини тавсифлаш бўлимида миллий уйғониш даврининг етук сиймолари – Бехбудий, Фитрат, Сўфизода, Ҳазиний, Ҳамза, Чўлпон ва бошқалар хаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи материаллар (картина, турли иншоотлар макети, китоб, қўлёзма нусхалари, дастхатлар ва бошқалар) бор. Кейинги залларда эса Абдулла Қодирий, Айний, Ғафур Ғулوم, Ойбек, Шайхзода ва Бошқа кўплаб улкан адабиёт намоянадалари ҳақида кўргазма материаллари жойлашган.

Музей қўлёзмалар фондида умумий сони 1000 дан ортиқ қўлёзмалар, 2000 га яқин босма китоблар сақланади. Бу, асосан, ўзбек мумтоз адабиёти намуналаридан иборат (Маҳмуд Замаҳшарийнинг “Муқаддамат ул-адаб” асарининг дунёда ягона тўрт тилли қўлёзмаси, Бобурнинг “Мубаййин” асари, Абдурахмон Жомийнинг “Куллиёти” ва б.). 2001 йил музей қўлёзмалар фонди яна бир ноёб манба билан бойиди. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов томонидан Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” асарининг 17-асрда кўчирилган нодир нусхаси музейга ҳадя этилди.

Музей олимлари томонидан ўзбек, рус ва инглиз тилларида қўлёзмалар каталоги тузилган, ўнлаб монография, рисолалар нашр этилган.

Музей олимлари Япония, Жанубий Корея, Эрон, Туркияда ўтказилган илмий анжуманларда маърузалар ва кўргазмалари билан қатнашади. Хорижлик ҳамкасблари билан анъанавий равишда илмий-амалий анжуманлар ташкил этади. Музей илмий ҳамкорликнинг турли соҳаларида муносиб иштирок этиб келиш билан бирга, истиқлолдан сўнг 30 дан ортиқ турли халқаро ва республика миқёсидаги анжуман ва тадбирларда қатнашди. Музей Халқаро музейлар кенгаши (ИКОМ) аъзосидир.

2. Музей фаолиятини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар

2017 йил 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ](#).

Қарорда Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ўзбек халқ оғзаки ижоди дурдоналари, ёзма адабиётининг энг қадимги даврдан шу кунгача бўлган тарихий тараққиёт босқичларини чуқур тадқиқ қилиш ва уни турли экспозициялар кўринишида тарғиб қилиш орқали халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган илмий муассаса эканлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, қуйидагилар музейнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти дурдоналари, ёзма адабиётининг қадимги даврдан шу кунгача бўлган тарихий тараққиёт босқичларини чуқур ўрганиш, уни мамлакатимиз тарихининг таркибий қисми сифатида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда экспозиция заллари орқали акс эттириш;

Ўзбек адабиёти билан боғлиқ янги кашф этилган манба, архив ҳужжатлари ва тарихий ашёларни илмий тадқиқ этиш;

музей фондида сақланаётган Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларимизнинг қўлёзмаларини илмий тавсифлаш, тадқиқ этиш, улар асосида электрон каталоглар тайёрлаш, уларнинг илмий-танқидий матнларини яратиш ва ноёб қўлёзмаларнинг факсимиль нашрларини амалга ошириш;

музей фондлари ва экспонатларини мамлакатимиз ва хориждаги ўзбек фольклори ва адабиёти билан боғлиқ турли ҳужжатлар, экспонатлар ва бошқа ашёлар билан мунтазам бойитиб бориш;

Ўзбек адабиётини тарғиб қилган шоир ва олимлар таваллуди, ўзбек адабиёти тарихи билан боғлиқ муҳим саналарни нишонлаш бўйича республика ва халқаро миқёсда илмий анжуманлар ўтказиш, ўзбек адабиётини ўрганган республикамиз ва хорижлик таниқли олимлар иштирокида семинарлар, халқаро анжуманлар ташкил қилиш;

таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда Музейда очик дарслар, маъруза ва семинар машғулотлари, талабаларнинг малакавий амалиёт ўташини таъминлаш, Музейнинг илмий базасидан фойдаланган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ишига кўмаклашиш;

хорижий музейлар, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш, адабиёт соҳасида нашр этилган илмий-бадиий, тарихий ҳужжатлар, интернет тармоғидаги материалларни ўрганиш ва таҳлил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Ўзархив” агентлиги, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва бошқа тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда Музей экспозицияларини янгилаш, фольклор ва ёзма адабиёт, ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодига оид манба ва қўлёзмалар, ҳужжатлар, кино, фото материаллар ва ашёлар билан доимий тўлдириб боришни таъминлаши ҳам кўзда тутилган.

3. Давра суҳбати.

Давра суҳбати музейда фаолият кўрсатаётган илмий ходимлар иштирокида ўтказилади. Унда музей фондида сақланаётган қўлёзмалар ва манбаларни ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар, илмий-тадқиқотлар ҳақида фикр юритилади.

***Изоҳ:** ҳудудий малака ошириш тармоқ марказлари мазкур машғулотни ҳудуд шароити ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгилашлари ва ташкил этишлари мумкин.*



КЕЙСЛАР ТҮПЛАМИ

Кейслар учун кейс-стади методи асос саналади. Зеро “Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: ким (Who), Қачон (When), қаерда (Where), нима учун (Why), қандай/канақа (How), нима-натижа (What).

Модул бўйича қуйидаги кейсларни ечиш тавсия этилади:

1-кейс. 9-синф “Адабиёт” дарсида “Ўткан кунлар” романи ўтилди. Ўқувчилар асарни қизиқиш билан ўқиб чиқдилар. Ҳатто яхши ўзлаштирмайдиган ўқувчилар ҳам ундан парча ўқидилар ёки бадиий фильмини томоша қилиб, мазмуни билан танишдилар.

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Нодира Раҳимовна навбатдаги дарсда асарни ўқувчилар билан таҳлилга тортди. Таҳлил жараёнида ўқитувчи: “Асар қаҳрамонларининг фожиасига асосий сабаб нима деб ўйлайсиз?” – деб сўради. Ўқувчилар турли фикрларни билдиришди.

Феруза:

- Фожианинг асосий сабабчиси Отабек. У ота-онасининг ризолигини олмай туриб Марғилондан уйланди. Кейин эса ожизлик қилиб, Зайнабга уйланди. Агар у қатъиятли бўлганида бу фожа юз бермаган бўларди, - дея фикр билдирди.

Сардор эса аксинча қарашда эканини айтди.

- Ушбу фожага Кумуш ва унинг ота-онаси сабабчи. Мирзакарим кутидор ва Офтоб ойим қизларини Тошкентга юборишлари керак эди. Қолаверса, Кумуш дастлаб Отабекнинг Тошкентдан уйланишига рози бўлди. Кейин эса ўзи Тошкентга келди, Зайнабни кўргач, унда кундошлик рашки уйғонди ва Марғилонга қайтиб кетишни истамади. Агар у Марғилонга қайтиб кетганида бу фожа рўй бермасди, - деди.

Ўқувчиларнинг айримлари Ферузанинг, айримлари эса Сардорнинг фикрини қўллаб-қувватладилар. Баҳс-мунозара дарс якунига қадар ҳам тўхтамади.

Сизнингча, Нодира Раҳимовна ўқитувчи сифатида хулосаларини қандай баён этади.

Ўзингиз шундай вазиятда қандай йўл тутган бўлар эдингиз. Сизнингча, фожага ким айбдор? Фикрингизни аниқ далиллар билан асосланг.

2-кейс. 8-синф она тили дарслигиги мисол ўқувчилар ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. 84-машқда берилган сўз бирикмалари берилган

бўлиб, уларни бирлаштириб сўз бирикмалари занжири ҳосил қилиш сўралган.

Намуна: Янги ва қизиқарли асар; халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналари.

Дарсликда яна шундай қоида берилган: Икки ва ундан ортиқ сўз бирикмаси бир сўз бирикмасига(?) бирлашса, сўз бирикмалари занжири ҳосил бўлади: ўзбек тили+ўзбек адабиёти = ўзбек тили ва адабиёти; ўзбек халқи+қозоқ халқи+туркман халқи=ўзбек, қозоқ ва туркман халқлари.

Сўз бирикмасидаги тобе ва ҳоким сўзлар орасида бир неча бошқа сўзлар ва сўз бирикмалари келиши мумкин. Бунда бир сўз бирикмаси таркибидаги ҳоким сўз иккинчи бирикма таркибида тобе мавқеда бўла олади.

Мазкур қоида ни ўқувчиларга тушунтириш мушкул.

Аслида 84-машқда берилган мисолларга таянган ҳолда қуйидагича қоида тузилса, ўқитувчи ва ўқувчи учун тушунарли бўлар эди:

Бир тобе сўзнинг икки ва ундан ортиқ ҳоким сўзга тобеланиши ёки бир ҳоким сўзга икки ва ундан ортиқ тобе сўзнинг бирикиши натижасида сўз бирикмаси занжири ҳосил бўлади.

Сиз мутахассис сифатида ушбу муаммоли вазиятга қандай ечим топган бўлар эдингиз? Фикрларингизни асосланг.

3-кейс. 8-синф ўқувчилари Назира ва Доно лирик қаҳрамон масаласи устида баҳслашиб қолишди.

– Шеъринг асарлар шоирнинг оний кечинмалари ва ҳиссиётлари маҳсули сифатида қаралади. Шундай экан, шеърнинг лирик қаҳрамони шоирнинг ўзи, - деди Назира.

– Шоир ҳар доим ҳам ўз кайфиятлари ва ҳиссиётларини ифодалайвермайди. У бировларнинг дарди, қувонч ва ташвиши, кечинмаларини ҳам шеърга солиши мумкин, - деди Доно.

Сиз ўқитувчи сифатида қайси илмий манбаларга таянган ҳолда ушбу муаммони ҳал этиб берасиз?

4-кейс. Бадиий асарда асосан ижодкор ўз дунёсини бадиий шаклда баён қилади. Бундай қараш қайси адабиётшунослик методи доирасида ўрганилади. Бадиий асар билан муаллиф орасини боғлайдиган параллел тушунчаларни илмий-назарий жиҳатдан изоҳланг. Муаммони мисоллар билан тушунтиринг.

5-кейс: Ушбу топшириқда аниқ бир ҳикоя матни танланади. Асарнинг муаллифи, ёзилган даври кўрсатилмайди. Тингловчи муаллифни ҳикоянинг услубига қараб аниқлаши лозим бўлади.

The title is framed by two large, dark blue brackets. The left bracket is on the left side, and the right bracket is on the right side, both pointing towards the center where the text is located.

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ
МАВЗУЛАРИ**

Она тили ва адабиёт фанларини ўқитиш методикаси ўқув модулини тинловчиларга ўқитиш билан бирга уларнинг мустақил изланишларини ташкил этиш ва материалларни мустақил ўзлаштирилишини назорат қилиш учун қуйидаги мавзуларда мустақил иш мавзулари берилади.

1. Адабиётшунослик ва тилшунослик соҳасида амалга оширилаётган сўнгги илмий-тадқиқот ишлари ҳамда уларнинг таҳлили.

2. Тавсия этилган адабиётлар билан танишиш.

Мустақил таълим мавзуларини бажариш бўйича тавсиялар

Тилшунослик ва адабиётшунослик фанлари соҳасидаги сўнгги изланишлар, илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинади. Олинган натижалар ва янгиликларни она тили ва адабиёт фанларини ўқитиш жараёнига татбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.



ГЛОССАРИЙ

ЎЗБЕКЧА	ИНГЛИЗЧА	РУСЧА
адабиёт	literature	литература
анъана	traditional	традиционный
асар	composition	произведение
бадий асар	artistic composition	художественные произведение
баҳс-мунозара	discussion	спорить
воқеа, ходиса	event	событие
ёзувчи	writer	писатель
замонавий	modern	современный
ижобий	affirmative	положительный
ижод	creative work	творчество
ижодкор	creator	творец
композиция	compozition	композиция
мазмун	content	содержание
матн	text	текст
машхур	famous	известный
маъруза	lecture	лекция
метод	method	метод
методика	methodology	методика
мулоқот	conversation	общение
мустақил фикрлаш	independent mind	мыслить самостоятельно
натижа	result	результат
ноанъанавий	nontraditional	нетрадиционный
нутқ	speech	Речь
озодлик	freedom	свобода
муаммо	problem	проблема
санъат	art	искусство
сўз	word	слово
таъкидламоқ	accentuare	утверждать
талаб	demand	требование
танишиш	getting acquainted	знакомство
тушунча	notion	понятие
фикр	mind	мысль
фикр-мулоҳаза	reflection	рассуждение
хулоса	conclusion	вывод
шеър	poetry	стихотворение
шоир	poet	ПОЭТ
эришмоқ	achieve	достигнуть
юксак	high	высокий

ўзбек	uzbek	узбек
адабий таъсир	literary effect	литературное влияние
адабий муҳит	literaty envivonment	литературная среда
азалий ва абадий	old, ancient	древний и вечный
бадий ижод	artistic creation	художественное творчество
ботиний	innerical	скрытый
дўст	friend	друг
мумтоз адабиёт	classical literary	классическая литература
маҳорат	skill	мастерство
мурувват	humanity	милосердие
одоб	civility	воспитанность, воспитание
олижаноблик	nobility	великодушные, благородство
технология	technology	технология
асарлар	creative work	произведение
интерфаол	interactive	интерактивный
мустақил	independent	самостоятельный
илмий-методик	scientific-methodic	научно- методический
мустақил фикрлаш	independent thinking	творческое мышление
матн устида ишлаш	working on the text	работа над текстом
ўзлаштириш натижаси	result of progress	итоги успеваемости

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 13 ноябрь.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

МАХСУС АДАБИЁТЛАР

1. Абдуқодиров А. Умумий ўрта таълим мактабларида янги ахборот технологиялардан фойдаланиш муаммолари. Узлуксиз таълим журнали, 2002. № 4, 60-73 бетлар.
2. Абдураимова М. Она тили таълимида илғор педагогик технология. – Тошкент, 2005. 3-26 бетлар.
3. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
4. Азизхўжаева Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000.
5. Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг охи-зори. – Т.: Шарқ, 1998.
6. Активные формы преподавания литературы. Лекции и семинары на уроках в старших классах (составитель: Р.И. Альбеткова). – М.: Просвещение, 1991.
7. Алиев А. Маънавият, кадрият ва бадиият. – Т.: Академия, 2000. 631 б.
8. Алиев А. Маънавият, кадрият ва бадиият. – Т.: Академия, 2000.
9. Ангеловский К. Учителя и инновации. Книга для учителя. Перевод с македонского В.П.Диденко – М.: Просвещение. 1991.
10. Анисимов В.В. , Грохольская О.Г. Подготовка будущих учителей по предметам педагогического цикла // Ж.. Педагогика. – 2000. № 9 54 – 60 с.
11. Аҳлиддинов Р.С. Мактабни бошқариш санъат. – Т.: Фан, 2006.
12. Баубекова Г. Педагогическое мастерство.- Т., 2000.
13. Бекмирзаев Н. Нутқ маданияти ва нотиклик асослари. – Т.: Фан, 2007.
14. Бекмирзаев Н. Нотиклик асослари. – Т.: Фан, 2006.
15. Воителева Т.М. Теория и методика обучения русскому языку. – М.: Дрофа, 2006.
16. Долимов У., Аъламова М. Иншо устида ишлаш. – Т., 1987.
17. Долимов У. Иншони қандай ёзиш керак? – Т., 1972.
18. Долимов У. Тингловчиларни иншога тайёрлаш. – Т., 1991.

19. Ёқуббекова М. Иншо – билим ва саводхонлик мезони. – Андижон, 1992.
20. Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006.
21. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: Нихол, 2013, 2016.
22. Иноятлов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. – Т.: Илм-Зиё, 2012.
23. Исмаилов С. Ўрта мактабнинг юқори синфларида иншо. – Т., 1973.
24. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси (ўқув қўлланма) – Т.: Muhammad, 2011.
25. Ж.Коллер. Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия, 2011.
26. Литневская Е.И., Багрянцева В.А. Методика преподавания русского языка в средней школе. – М.: Акад.проект, 2006.
27. Мадаев О. Иншо қандай ёзилади? – Т., 1991.
28. Мадаев О., ва бошқалар. Ёзма иш турлари: иншо, баён, диктант. – Т.: Турон замин зиё, 2017.
29. Махмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – 5-сон, 3-16-бетлар.
30. Муслимов Н., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: Фан ва технологиялар, 2013.
31. Назаров К. Ўзбек тили ва адабиётидан баҳо меъёри (V-XI синфлар учун). – Т.: Ўқитувчи, 1990.
32. Расулов А. Бадий асарга ёндашув асослари. Филолог-магистрлар учун ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2003.
33. Расулов А. Мустақиллик даври адабиётининг назарий-методология асослари. – Т.: Маънавият, 2012.
34. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ Ризографи, 2014.
35. Ўзбек адабий танқиди. Антология. – Т.: Turon-iqbol, 2011.
36. Қодиров П. Тил ва эл. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2005.
37. Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. – Stuttgart.: “Grotesk”.

Электрон таълим ресурслари

www.edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти
www.uzedu.uz – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
www.eduportal.uz, www.multimedia.uz – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумий ўрта дастурларини ривожлантириш маркази

www.bimm.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ

www.gyu.uz – Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази:

www.school.edu.ru – Умумий ўрта таълим портали (рус тилида)

www.alledu.ru – “Интернетда таълим” портали (рус тилида)

www.rostest.runnet.ru – Тест олиш сервери (рус тилида)

www.allbest.ru – Интернет ресурслари электрон кутубхонаси (рус тилида)

www.mathtype.narod.ru - Online-дарсликлар (рус тилида)

www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали

www.istedod.uz – “Iste’dod” жамғармаси сайти

www.edunet.uz – мактаблар, ўқувчи ва ўқитувчилар сайти

www.tdpu.uz – Низомий номидаги ТДПУ сайти

www.ziyonet.uz – Ижтимоий ахборот таълим портали

www.ziyo.uz – Маънавий-маърифий мавзудаги материаллар сайти

www.e-adabiyot.uz – Адабиётга оид сайт

www.natib.uz – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг расмий сайти